

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Ўзбекистон Бадий Академияси

Миллий Рассомлик ва дизайн Институти

“МУЗЕЙШУНОСЛИК ” кафедраси

**« МУЗЕЙ ИШИ ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ»
ФАНИДАН**

МАЪРУЗА МАТНИ

**Кафедра йиғилишида муҳокама
қилинган ва қўллашга тавсия этилган.**

Кафедра мудири _____ К.С.Нишонова

Тошкент - 2018й

Экспозиция тузиш методлари

Режа:

1. Экспозиция тузиш методлари ҳақида умумий тушунча.
2. Тематик экспозиция, ансамбль экспозицияси, ландшафт экспозициялар.
3. Ландшафт экспозицион методининг турлари: панорама, диорама.
4. Экспозиция тузиш методларининг аҳамияти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990
8. Шедевры живописи из собраний лучших художественных галерей Европы. СПб., 1998
9. Чижова Л.В. Из истории художественных музеев России. М., 1991

Экспозиция сўзи лотинча “expono” (кўргазмага қўйиш, ёйиш) ва шундан келиб чиққан exposition баён этиш, таърифлаш сўзидан пайдо бўлган. Намойишга қўйилган барча предметларнинг мажмуасини экспозиция дейиш мумкин. Лекин музей экспозицияси ўзига хос хусусиятга эга. Унинг асосини ҳар қандай предмет эмас, ўзига хос белги ва хусусиятларга эга бўлган предметлар ташкил этади. Экспозицияда улар янги ҳуқуқий ҳолатга эга бўладилар: улар экспонатга айланади, яъни намойишга қўйиладиган предметлар бўлади. Экспонат сифатида асл нусхаларнинг “ўрнини босувчи” предметлар ҳам бўлиши мумкин, яъни музей предметларининг қайта тикланганлари шунингдек харита, схема, диаграмма ва бошқа мавзуни очиб беришга ва предметлар орасидаги боғлиқликни равшанроқ кўрсатиш учун зарур илмий-ёрдамчи материаллар ҳам экспонат сифатида қўйилиши мумкин. Экспозиция таркибига турли характерга эга ёзма матнлар, кўпинча овозли материаллар ҳам киради. Музей предметининг ўрнини босувчи

экспонатлар, моделлар, илмий-ёрдамчи материаллар ва матнларнинг йиғиндиси экспозицион материал дейилади.

Экспозициянинг ҳамма қисмлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва унинг тематик структурасини ташкил этади. Шунга мувофиқ экспозицион материаллар структурали бирликларга-экспозицион мажмуаларга, яъни бир-бири билан мазмун жиҳатидан ёки бошқа белгилари орқали боғлиқ предметлар гуруҳига ажратилади. Экспозицион мажмуа сифатида, бетакрор кўринишга эга ва ягона лойиха бўйича яратилган экспозицион зални ҳам кўриш мумкин.

Экспозицияда буюмларнинг белгилари хусусияти намоён бўлади. Белги – бу бошқа предметлар, воқеалар, ҳодисалар ҳақида ахборот тарқатувчи восита сифатида намоён бўладиган предметдир. Агар предметлардан амалий мақсадларда фойдаланилса, уларнинг белги функциялари иккинчи планга чекинади, биринчи планга уларнинг бирон ишда фойдаланиш учун мўлжалланган функциялари чиқади. Масалан, қадимий тангалар ўз даврида савдо-сотик муомиласида ишлатилган бўлса, музейда улар ўша даврдан ахборот берувчи тарихий манба, яъни белгига айланади. Музей экспозициясидаги предметлар илмий ташкил этилган мажмуани ўзида намоён этади, чунки уларни танлаш ва жойлаштириш музей коллективи томонидан ишлаб чиқилган илмий концепцияга асосланади.

Предметлар маълум мазмунни акс эттириш учун восита сифатида хизмат қилади, демак, белгилари системани юзага келтиради. Шунинг учун музей экспозицияси ўзига хос “матн” бўлиб, уни нафақат кузатмоқ балки, тушиниб етмоқ ҳам керак. Экспонат-белгилар, уларни қачонлардир яратган ёки мулоқотда бўлган одамларнинг ва экспозиция муаллифининг ғояларини, ҳис-туйғуларини, мулоҳаза ва тасаввурларини етказиб бериш мумкин.

Экспозиция, музей коммуникацияси асосини ҳам ташкил этади. Бу эса ўз навбатида маълум бўшлиқда жойлаштирилган экспозицион материалларнинг томошабинлар томонидан кўрилиб, қабул қилиш йўли билан амалга ошади. Томошабинларнинг экспонатлар билан мулоқоти жараёнини енгиллаштириш мақсадида, уни янада самарали ва натижали қилиш учун экспозиция яратишда нафақат олимлар, балки музейнинг сиймоли негизини яратувчи рассомлар ҳам қатнашадилар. Музей соҳасида илм ва санъатнинг ягона мақсади бўлиб, у ҳам бўлса, томошабинларга буюмлар ва ҳодисаларнинг мантиқий алоқадорлигини англашга ёрдам бериш, уни дунёни билишга етаклашдан иборат. Илм ва санъат синтези натижасида яратиладиган тимсол, ўзига хос музей тимсоли бўлиб хизмат қилади.

Замонавий тасаввурга биноан, музей экспозицияси- бу предметларнинг бир мақсадга йўналтирилган, илмий асосланган намоёниши бўлиб, улар композицион ташкил этилган, шарҳ, изоҳлар билан таъминланган, техник ва бадиий жиҳозланган ва натижада табиий, ижтимоий ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятли тимсолини яратади.

Музей нафақат доимий, балки вақтинчалик экспозициялар – кўчмас ва кўчиб юривчи кўргазмалар ҳам яратади. Уларнинг вақтинчалик тавсифи

экспонатларнинг таркибида намоён бўлади. Кўпинча кўрғазмаларда бошқа музейдаги, шахсий коллекциялардаги, шунингдек, узоқ вақт давомида фонд сақловхоналаридан бошқа жойда сақлаб бўлмайдиган предметлар намоёни этилади (акварель, ёзма манбалар, ноёб буюмлар шулар жумласидандир).

Ҳозирги кунда музей амалиётида музей кўрғазмаларининг учта асосий типи шаклланган асосида маълум сюжет ётувчи тематик кўрғазма, томошабинларни кам таниқли ва ҳамма ҳам кўришга муяссар белавермайдиган нодир коллекциялар билан таништирувчи-фонд кўрғазмалари, таъмирлаш ишлари натижалари бўйича, фондларни комплекшлаш ишларининг якунлари асосида (яъни янги қабул қилинган экспонатлар асосида) – ҳисобот кўрғазмалари мавжуд.

Кўрғазмалар яратиш, музейларнинг экспозицион ишларининг таркибий қисмига киради. Кўрғазмалар музей фондларининг ижтимоий аҳамиятини оширади, хусусий тўпламлардаги ёдгорликларни илмий ва маданий қўлланилишига имкон беради, музейнинг маданий-таълим ва экспозицион услубларини такомиллаштириш ва меъёрига етказиш ишларида ёрдам беради, унинг фаолияти доирасини кенгайтиради.

Бугунги кунда кўрғазмалар билан халқаро алмашинув актив ривожланмоқда, бу турли маданиятнинг ўзаро бойишига ёрдам беради.

Илмий асосланган ва экспозиция мазмунидан келиб чиқиб экспозицион материалларнинг гуруҳланиш ва ташкиллаштириш тартиби – экспозиция яратиш услуби дейилади. Систематик, ансамбль, ландшафт ва тематик услублар шулар жумласидандир.

Систематик экспозиция куриш услуби XVIII аср охири – XIX аср бошларида қўлланила бошланган бўлиб, илм-фандаги ривожланиш жараёнлари ва илк ихтисослик музейларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Систематик экспозициянинг асосий таркибий бирлиги – типологик (системали) қатордир; у предметларнинг биологик, техник, эстетик эволюциясини кўрсатади. Бу услуб асосан табиий-илмий, илмий-техник, археологик ва этнографик музейларда, амалий безак санъати музейларида кўпроқ қўлланилади. Масалан, систематик экспозицияда турли даврларда ишлаб чиқилган дазмоллар, телефон аппаратлари, само варлар ёки қушлар тўпламини намоёни этиш мумкин.

XIX асрнинг ўрталарида этнографик музейларнинг ривожланиши экспозиция тузишнинг ансамбль услубининг пайдо бўлишига олиб келди. Ансамбль экспозицияга асосан меъмориал музейлар, музейлаштирилган тарихий ва маданий ёдгорликлар киради. Бунга тарихий интерьерлар ёки улардан лавҳаларни мисол қилиш мумкин.

Жаҳон музейшунослиги амалиётида ансамбль экспозициялар кенг тарқалган. Чунки, у томошабин томонидан тез қабул қилинади, қизиқиш уйғотади ва кучли эмоционал таъсир кўрсатади. Кўп музейлар ўзининг деярли ҳамма экспозицион майдонини турар жой ва ишлаб чиқариш интерьерларининг қайта тикланган кўриниши билан тўл дирадилар.

Ансамбль экспозиция билан бир вақтда ландшафт экспозициялар ҳам шаклланган. Унинг асосий таркибий бирлигини – бино гуруҳлар ва ландшафт диорамалари ташкил этади.

Биогуруҳ (биологик гуруҳ) кўринишидаги ландшафт экспозицион услуб XIX асрнинг II ярмида табиий - илмий музейларда вужудга келди. Бунга ҳайвонат ёки ўсимлик дунёси объектларидан ташкил топган экспозицион мажмуа киради.

Ландшафт экспозициясининг ташкил этилишида, XIX асрнинг II ярмида Лондонда ўтказилган Жаҳон саноат кўрғазмаси муҳим аҳамият касб этди. Унда ҳайвонларнинг ҳаётидан олинган биологик гуруҳлар намоёниш этилди. Шундан сўнг Британ табиий тарих музейи ҳам ўзининг систематик экспозициясига биогуруҳларни кирита бошлади. Экспозиция аниқ хужжатлар асосида яратилди. Қушлар ва инлардан иборат биогуруҳга улар яшаган муҳитдаги ер ва ўсимликлар келтирилиб, экспозиция яратилган. Ҳар бир барг, гул ва ўтлар ишларга мос келадиган материаллардан қилиниб, худди табиатдагидек жойлаштирилган. Бундай биологик коллекциялар ёнида систематик коллекциялар томошабинни тез чарчатадиган, зерикарли бўлиб туюлади. Чунки биологик коллекциялар витражларнинг ҳар бирида, табиат лавҳасининг худди ўзидай қилиб тикланган бир бўлагини кўриш мумкин. Барча витражлардаги нарсалар табиатнинг жонли иллюстрациясига ўхшатиб қилинган.

XIX асрнинг охирига келиб, табиий-илмий музейларнинг амалиётига панорама ва диорамалар кириб келди. Булар экспозиция тузишининг ландшафт методини ўзига хос турларидир. Панорама (грекчадан рап- ҳаммаси ва horama- кўриниш) – катта ҳажмдаги тасмасимон картина бўлиб, цилиндрик шаклдаги подрамнининг ички томонига тортилган полотнога чизилади.

Ундаги тасвирлар биринчи планга қўйилган предметли план

- яъни макетлар, иншоатлар, фигуралар билан уйғунлаштирилади. Панорама ўзининг марказидаги майдончадан томоша қилинади ва томошабин ўзини худди тасвирланаётган муҳитнинг ичида тургандек ҳис қилади. Биринчи панорама 1787 йили Ирланд рассоми Р.Баркер томонидан яратилган бўлиб, Эдинбург шаҳрининг айлана тасвирини акс эттирган.

Диорамадаги (грекчадан dia – орқали, ичидан, horama - кўриниш) тасвир фақат ойна ортидан томоша қилинади (уч томонлама, альковли деб номланган диорамалар бундан мустасно). У горизонтнинг фақат бир қисмини қамраб олади ва ярим айлана ёки тўғри бурчак шаклидаги хонага деворда жойлашиши мумкин. Диорамалар, панорамага ўхшаб жуда кўп майдонни эгалламаганлиги боис, табиий-илмий музейларда унга нисбатан кўпроқ қўлланилади.

Биогуруҳ ва диорамада ҳайвонлардан ташқари маҳаллий манзарадаги турли лавҳалар- ўсимликлар, вулқонлар, қоялар, дарё, кўлларнинг қирғоқлари, ўрмоннинг ботқоқликлари қабилар ҳам намоёниш этилади. Шунингдек унда маълум жойнинг ландшафти билан бир қаторда ҳайвоннинг

хақиқий қиёфасини ва унинг ҳаракат динамикасини кўрсатиш мумкин. Биоғуруҳ ва диорамалардаги ҳар битта деталь, табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий муҳит ва ҳоказолар жуда аниқ берилиши шарт. Акс ҳолда экспозиция ишорасиз, сифатсиз чиқади. Тошкентдаги табиат музейида мазкур услублардан кенг фойдаланилган.

Тематик экспозицияда – экспозицион материаллар орқали маълум мавзу очиқ берилади, яъни тасвирланадиган воқеа ёки ҳодисаларнинг музей образи яратилади. Тематик экспозициянинг асосий таркибий бирлиги – тематик экспозицион мажмуадир. У ўзида турли предметлар гуруҳини – буюмлар, хужжатлар, тасвирий материалларни акс эттиради. Систематик ва ансамбль экспозициялардан фарқи шундаки, ундаги предметларни типологик белгилари яшаш муҳитидаги реал ёки типик боғлиқлари эмас, балки маълум воқеа ёки ҳодисани тасдиқловчи экспонат даражасидаги сифати бирлаштиради. Яъни тематик экспозициядаги предметлар маълум мавзунини очиқ беришга хизмат қилади. Мазкур услуб тарихий ва ўлкашунослик музейларида етакчи ўринни эгаллайди.

Лекин, шунини таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган услублар бирлаштирилиши ҳам мумкин: систематик экспозиция ансамбль ёки систематик экспозицияларнинг элементларини киритиши мумкин. Экспозициялаш услубларини танлаш бир қатор факторлар билан боғлиқ: музей ихтисослиги, мавзу, яратилаётган экспозициянинг мақсадли кўрсатмалари, коллекциянинг спецификаси, экспозицион майдонларнинг ҳажми шулар жумласидандир.

Экспозицион материаллар:

Музей экспозицияларида, маълум музей тўпламларидаги тарихий ва маданий ёдгорликлар намойиш этилади. Шунинг учун унинг асосини музей предметлари ташкил этади. Экспозицион материал сифатида, кўп ҳолларда музей предметларининг қайта тикланган нусхалари ва номузей объектлар ҳам учрайди. Бунга копиялар, репродукциялар, гипс ёки шунга ўхшаган материалдан қилинган нусхалар, муляжлар, моделлар, макетлар, илмий реконструкциялар, голограммалар, асл нусха материалдан қайта тикланган нусхалар киради.

Копия – бу асл нусхага ўхшатиб ишланган предмет бўлиб, асл нусха ўрнида ишлатилади. Копиялар 2 хил бўлади. 1. Музей предметининг қайта тикланган замонавий нусхаси бўлиб, имкон қадар асл нусхани аниқ такрорлайди. Копиянинг бу тури илмий – ёрдамчи фонд таркибига киритилади ва асл нусха йўқолса ёки умуман яроқсиз ҳолга келган бўлса, унинг ўрнига музей аҳамиятидаги предмет сифатида қўйилади. Копиянинг иккинчи тури санъат асарларининг такрорланиши бўлиб, у муаллиф ёки бошқа рассом томонидан ёзилади. Агар нусхани муаллиф яратса, муаллиф такрори ёки реплика дейилади. Копия оригиналидан техникаси ёки ҳажми бўйича ажралиб туриши мумкин, лекин унинг услуби, композицияси бир хил бўлиши керак. Репликада эса оригиналнинг иккинчи даражали деталлари ўзгариши мумкин. Машҳур бадиий асарлардан нусха кўчириш эр.ав. II асрлардаёқ қадимий Римда кенг тарқалган. Копияларнинг иккинчи

турдагилари тарих ва маданият ёдгорликлари ҳисобланади ва музейнинг асосий фонди таркибига, музей предметлари сифатида киритилади.

Репродукция деб рангтасвир, графика ёки фотографик тасвирнинг босма усулда катталаштириб ёки кичиклаштириб чиқарилганига айтилади.

Ҳайкалтарошлик ва амалий безак санъати асарлари нусхалари – қаттиқ, гипс, мум, пластилин ёки бошқа материаллар ёрдамида қолип олиниб, ичига гипс қўйилиб олинади. Асосан гипс ёрдамида олинган қолиплардан аниқ нусха қилиш мумкин.

Муляжлар – асл нусханинг ҳажмини, шаклини, рангини ва фактурасини аниқ қилиб такрорлайди. Улар асл нусхани аниқ ўлчамлари, баъзида эса чизматасвирлари бўйича тикланади.

Макетлар – маълум бир масштабда ишланиб, намоёиш этилишида баъзи шартлиликларга йўл қўяди. Макет тарзида асосан ишлаб чиқариш ва маиший интерьерлар, маълум бино ва иншоатларнинг, ландшафт ва рельеф жойларнинг кўринишлари ишланади.

Модель – оригиналнинг конструктив принциплари ва фактураси сақланган ҳолда яратилади. Модель асосан предметнинг масштаби, экспозицияга сифмаганлиги учун ўзгартирилиши керак бўлганда, уни ишлатилиш жараёни кўрсатилиши лозим бўлса ва бошқа ҳолларда қилинади.

Голограмма – бу предметнинг ҳажмдор оптик нусхасини яратувчи, охириги ўн йилликларда музей сферасида кенг тарқалган услубдир. У предмет тасвирини ёрукликка сезувчан пластина ёки лазер техникаси ёрдамида яратади. Ёруғлик уюни таъсири остида натурал катталиқдаги тасвир пайдо бўлади. Голография техникаси ёрдамида предметларни турли ҳажмда тасвирлаш мумкин.

Экспозицион материаллар таркибига илмий-ёрдамчи материаллар, яъни хариталар, схемалар, таблицалар, диаграммалар ва ҳоказолар, матнлар, бош матнлар, етакчи матнлар, тушинтириш матнлари, этикетаж, кўрсаткичлар, фонокомментариялар ҳам киради.

Савол ва топшириқлар

- 1.Экспозиция нима?
- 2.Кўргазмалар ва музей экспозицияларини ташкил этиш услуби нмалардан иборат?
- 3.Тематик структура нима?
- 4.Кўчмас ва кўчиб юрувчи кўргазмала экспозициялари ҳақида маълумот беринг

Экспозицион материаллари

Режа:

- 1.Музей предметларининг – экспозициянинг асоси сифатидаги ўрни.
- 2.Нусха (копия), автор такрорлаши ёки реплика, репродукция.
- 3.Слепок, муляж, новодел, макет, модель, голограмма тушунчалари.
- 4.Илмий ёрдамчи материаллар. Бош матнлар, етакчи матнлар, тушунтириш матнлари, этикетаж. Фонокомментарийлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990
8. Шедевры живописи из собраний лучших художественных галерей Европы. СПб., 1998

Музей экспозицияларида, маълум музей тўпламларидаги тарихий ва маданий ёдгорликлар намойиш этилади. Шунинг учун унинг асосини музей предметлари ташкил этади. Экспозицион материал сифатида, кўп ҳолларда музей предметларининг қайта тикланган нусхалари ва номузей объектлар ҳам учрайди. Бунга копиялар, репродукциялар, гипс ёки шунга ўхшаган материалдан қилинган нусхалар, муляжлар, моделлар, макетлар, илмий реконструкциялар, голограммалар, асл нусха материалдан қайта тикланган нусхалар кирди.

Копия – бу асл нусхага ўхшатиб ишланган предмет бўлиб, асл нусха ўрнида ишлатилади. Копиялар 2 хил бўлади. 1. Музей предметининг қайта тикланган замонавий нусхаси бўлиб, имкон қадар асл нусхани аниқ такрорлайди. Копиянинг бу тури илмий – ёрдамчи фонд таркибига киритилади ва асл нусха йўқолса ёки умуман яроқсиз ҳолга келган бўлса, унинг ўрнига музей аҳамиятидаги предмет сифатида қўйилади. Копиянинг иккинчи тури санъат асарларининг такрорланиши бўлиб, у муаллиф ёки бошқа rassom томонидан ёзилади. Агар нусхани муаллиф яратса, муаллиф такрори ёки реплика дейилади. Копия оригиналидан техникаси ёки ҳажми бўйича ажралиб туриши мумкин, лекин унинг услуби, композицияси бир хил бўлиши керак. Репликада эса оригиналнинг иккинчи даражали деталлари ўзгариши мумкин. Машҳур бадий асарлардан нусха кўчириш эр.ав. II асрлардаёқ қадимий Римда кенг тарқалган. Копияларнинг иккинчи турдагилари тарих ва маданият ёдгорликлари ҳисобланади ва музейнинг асосий фонди таркибига, музей предметлари сифатида киритилади.

Репродукция деб рангтасвир, графика ёки фотографик тасвирнинг босма усулда катталаштириб ёки кичиклаштириб чиқарилганига айтилади.

Ҳайкалтарошлик ва амалий безак санъати асарлари нусхалари – қаттиқ, гипс, мум, пластилин ёки бошқа материаллар ёрдамида қолип олиниб, ичига гипс қўйилиб олинади. Асосан гипс ёрдамида олинган қолиплардан аниқ нусха қилиш мумкин.

Муляжлар – асл нусханинг ҳажмини, шаклини, рангини ва фактурасини аниқ қилиб такрорлайди. Улар асл нусхани аниқ ўлчамлари, баъзида эса чизматасвирлари бўйича тикланади.

Макетлар – маълум бир масштабда ишланиб, намоёиш этилишида баъзи шартлиликларга йўл қўяди. Макет тарзида асосан ишлаб чиқариш ва маиший интерьерлар, маълум бино ва иншоатларнинг, ландшафт ва рельеф жойларнинг кўринишлари ишланади.

Модель – оригиналнинг конструктив принциплари ва фактураси сақланган ҳолда яратилади. Модель асосан предметнинг масштаби, экспозицияга сиғмаганлиги учун ўзгартирилиши керак бўлганда, уни ишлатилиш жараёни кўрсатилиши лозим бўлса ва бошқа ҳолларда қилинади.

Голограмма – бу предметнинг ҳажмдор оптик нусхасини яратувчи, охириги ўн йилликларда музей сферасида кенг тарқалган услубдир. У предмет тасвирини ёрукликка сезувчан пластина ёки лазер техникаси ёрдамида яратади. Ёруғлик уюни таъсири остида натурал катталиқдаги тасвир пайдо бўлади. Голография техникаси ёрдамида предметларни турли ҳажмда тасвирлаш мумкин.

Экспозицион материаллар таркибига илмий-ёрдамчи материаллар, яъни хариталар, схемалар, таблицалар, диаграммалар ва ҳоказолар, матнлар, бош матнлар, етакчи матнлар, тушинтириш матнлари, этикетаж, кўрсаткичлар, фонокомментариялар ҳам киради.

Савол ва топшириқлар

- 1.Музей предметларининг – экспозициянинг асоси сифатидаги ўрни қандай?
- 2.Нусха (копия), автор такрорлаши ёки реплика, репродукция ҳақида маълумот беринг
- 3.Слепок, муляж, новодел, макет, модель, голограмма тушунчаларини изоҳлаб беринг
- 4.Илмий ёрдамчи материаллар деб нимага айтилади?
- 5.Бош матнлар, ётакчи матнлар, тушунтириш матнлари нима?
- 6.Этикетаж ва фонокомментарийлар хусусида маълумот беринг.

Экспозициянинг илмий лойиҳаси

Режа:

1. Экспозиция лойиҳалашнинг таркибий қисмлари
2. Илмий лойиҳалаш, бадий лойиҳалаш, техник ва ишчи лойиҳалаш.
3. Илмий концепция, кенгайтирилган тематик структура, экспозициянинг тематик плани, тематик – экспозицион план (ТЭП).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990
8. Шедевры живописи из собраний лучших художественных галерей Европы. СПб., 1998

Музей экспозициясини яратиш мураккаб тадқиқотчилик, ижодий ва техник-ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, илмий ходимларнинг, рассомларнинг, дизайнерларнинг, музей педагоглари ва инженерларнинг биргаликда ишлашини талаб қилади. У экспозициянинг илмий мазмунини, унинг меъморий бадий ечимини, техник жихозлашни қайта системали ишлаб чиқаришга муҳтож. Шунинг учун экспозиция лойиҳасининг таркибий қисми қуйидагича:

1. Илмий лойиҳалаш – бунда экспозициянинг асосий ғоялари ва конкрет мазмуни ишлаб чиқилади.
2. Бадий лойиҳалаш- мавзунинг ифодали, мутаносиб ҳолда амалга оширилиши.
3. Техник ва ишчи лойиҳа – ҳар бир экспонатнинг, матннинг, техник воситаларнинг жойини аниқ белгилаб беради.

Экспозициянинг илмий лойихаси тайёрлов босқичидан бошланиб, унда мавзу бўйича зарур илмий адабиётлар, архив материаллар ўрганилади. Бунда музей воситалари орқали воқеа, ҳодиса ва фактларни ақс эттиришнинг ўзига хос томонларини инобатга олиш лозим. Паралель ҳолда, экспозицияга қўйилиши мумкин бўлган коллекция ўрганилиб, анализ қилинади ва керакли экспонатларнинг картотекалари тузилади.

Кейинги босқичда илмий концепция ишлаб чиқилади ва экспозицион мазмунни очиқ беради. Шунингдек бўлажак экспозиция ҳақида умумий тасаввурга эга этади. Унда экспозициянинг мақсад вазифалари, уларнинг асосий муаммолари ва тематик структураси белгиланади, экспозицион материалларнинг характеристикаси берилади, уларни намойиш этиш услублари таклиф этилади, бўлажак экспозиция билан охириги экспозициянинг фарқи кўрсатилади, шунингдек у билан бир хил ихтисосликдаги музей экспозициялари билан солиштирганда, ўзига хос томонлари ҳам намоён бўлади. Илмий концепцияда расом иштирокида бўлажак экспозициянинг бадиий лойихасига бўлган специфик в умумий талаблар аниқланади. Илмий концепция ягона ҳужжат сифатида расмийлаштирилиб, унинг таркибига экспозицион залларнинг чизма-лойихалари, экспозицион бўлимларнинг мўлжалдаги жойлари кўрсатилган ҳолда киритилади. Шунингдек, унда катта хажмдаги экспонатлардан диорамалар, техника намуналари, макетлар ва хоказоларнинг жойи ҳам белгиланади.

Экспозиция лойихалашнинг иккинчи босқичи кенгайтирилган тематик структура ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу ҳужжатда бўлажак экспозициянинг ўзаро боғлиқ бўлақларга, яъни бўлим, мавзу, экспозицион комплексларга ажратилиши қайд этилади. Унда экспозицияга қўйилиши керак бўлган музей предметларининг гуруҳлари ва бошқа материаллар санаб ўтилади. Маълум меъмуриал комплекслар, илмий реконструкциялар ажратилади. Экспозицияни музей томошабинларига таъсирини кучайтиришга ёрдам берувчи техник воситалардан турли аудиовизуал мосламалар, ҳаракатдаги моделлар, макетлар намойиш мосламалари аниқланади. Музей амалиётида кенгайтирилган тематик структурага, қўп ҳолларда экспозициянинг тематик лойихаси тўғри келади. Бу ҳужжат бир вақтнинг ўзида экспозицион материалларни саралаш билан бирга тузилади ва лойихалаштириладиган экспозициянинг тематик структурасини ва мазмунини белгилайди.

Илмий лойихалашнинг учинчи босқичида тематик экспозицион лойиха (ТЭЛ) ишлаб чиқилади ва кенгайтирилган тематик структурага хос тарзда илмий ходимлар музей фондларидан зарур материаллар танлайдилар ва уларни экспозицион комплексларга гуруҳлайдилар. Экспозицияга фақат илмий томондан яхши ўрганилган ва атрибутив маълумотга эга бўлган предметлар танланади. Ишнинг айнан шу босқичида илмий –ёрдамчи материаллар ва қайта тиклашни тайёрлаш учун тегишли ҳужжатлар тайёрланади, предметларни консервация ва реставрация қилиш билан боғлиқ масалалар ҳам ечилади. Тематик-экспозицион лойиханинг ҳужжат

сифатидаги моҳияти шундан иборатки, унда экспозицион материалларнинг конкрет таркиби, унга хос барча илмий тавсифлари билан ўз аксини топади.

Тематик экспозицион лойиха схема бўйича тузилади, лекин ҳар бир музейда турлича ўзига хос хусусиятлари бўлиши мумкин.

Қоидага мувофиқ, тематик-экспозицион лойиха куйидагиларни ўз ичига олади: бўлимларнинг, мавзуларнинг, тематик комплексларнинг номланиши, етакчи мавзулар ва қисқача маълумотлар, асосий атрибутив маълумотлар кўрсатилган экспозицион комплексдаги экспонатлар рўйхати, экспозицион материалларнинг тавсифи ҳақида маълумот (асл нусха ёки кўчирма нусхалиги) ва уларнинг хажми, материалларнинг сақланиш жойи ва уларнинг шифрини кўрсатмаси. Тематик – экспозицион лойихага этикетаж, илмий реконструкциялар яратиш учун хужжатлар, илмий – ёрдамчи материаллар илова қилинади ва конкрет бадиий ечимлар учун кўрсатма берилади: экспонатларни биринчи ёки иккинчи планга ажратиш, асосий бадиий услублар, экспонатларни сақловини таъминлаш кўрсатилади.

Тематик – экспозицион лойихани тўлиқ тузиб бўлгандан кейин, синов экспозиция қилинади. Экспозицияга қўйишга мўлжалланган экспонатлар, экспозицион майдонга тематик структура ва тематик лойиха асосида, меъморий бадиий ечим лойихасига ҳам мос тарзда қўйиб кўрилади. Бу эса ўз навбатида комплекснинг композициясини, деворларнинг, витриналарнинг оптимал эгалланадиган жойини кўришга ёрдам беради. Бу жараён- илмий ходим ва рассомнинг биргаликдаги ижодий ишининг натижаси ҳисобланади. Уларнинг натижаси танлаб олинган материалларнинг картотекасида, тематик- экспозицион лойихада ва меъморий бадиий ечимнинг эскиз лойихасида ёзилади. Замонавий компьютер технологиялари экспозициянинг моделини яратишга имкон беради, унда экспонатларнинг компьютер тасвиридаги хажмлари деворларга “илиб” чиқилади ёки компьютер модели залларига жойлаштирилади. Тематик - экспозицион лойихани ишлаб чиқиш, илмий лойихалашнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Савол ва топшириқлар

- 1.Экспозиция лойихалашнинг таркибий қисмлари нималардан иборат?**
- 2.Илмий лойихалаш, бадиий лойихалаш, техник ва ишчи лойихалаш тушунчаларини изоҳлаб беринг**
- 3.Илмий концепция, кенгайтирилган тематик структура нима?**
- 4.Экспозициянинг тематик плани, тематик – экспозицион план (ТЭП) хусусида маълумот беринг.**

Экспозициянинг бадий лойихаси

Режа:

1. Экспозиция мазмунининг бадий интерпретацияси.
2. Экспозициянинг илмий мазмунини «оғзаки тил»дан «образли тил»га музей рассоми томонидан кўчирилиши.
3. Экспозицион жиҳозлар.
4. Стендлар, турникетлар, витриналар, подиумлар. Ранг ва ёруғлик меъморий – бадий ансамблнинг актив, специфик компонентлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990
8. Шедевры живописи из собраний лучших художественных галерей Европы. СПб., 1998

Деярли XX асрнинг иккинчи ярмигача экспозиция тузиш бутунлай музейнинг илмий коллективи зиммасига юкланган. Тематик структурасини ҳам ўзлари тузган. Экспозициянинг бадий томонларига эътибор берилмасди, чунки рассом музейда иккинчи даражали ишларни, яъни этикетаж тайёрлаш, экспонатларни олдиндан тузилган лойиха бўйича жойлаштириб чиқиш кабиларни бажарган. Натижада экспозиция кетма-кет такрорланувчи витрина ва стенд материалларидан иборат, бир хил тусдаги зерикарли кўринишга эга бўларди. Ижтимоий маданий ҳаётда ўзгаришлар юз бера бошлагач, экспозицион ишларга ҳам янгича ёндашиш пайдо бўлди. Музейларнинг олдида ўз экспозицияларини ифодали ва таассурот қолдира оладиган қилиб яратиш вазифаси қўйилди. Экспонатларга эмоционал таъсир

манбаси сифатида қаралиши, музей тўпламини намоиш этиш тартибини қайта кўриб чиқиш ва тубдан ўзгартиришга ундади. Рассом фақатгина экспонатларни жойлаштиришда эмас, балки экспозициянинг бадиий мазмунини изоҳлашда ҳам катта роль ўйнайди. Музей экспозицияси, табиат ва жамиятда рўй бериб келаётган жараёнларни максимал аниқ акс эттириш керак, шунингдек у эмоционал, образли, қизиқарли тилда гапириши лозим. Бу ишни амалга ошириш жуда мураккаб албатта. Шунинг учун рассом экспонатлаштирилаётган объектни ҳар томонлама, чуқур ўрганиши лозим. Тайёрланиш техникаси, материали, хажми ва бошқа белгилари бўйича турлича бўлган предметлар экспозицион маънада бир бутун нарсадек акс этиши керак, яъни кўзланган мавзунини очиб бера олиши лозим. Айнан шу яхлитликни яратишда, турли меъморий-бадиий воситалардан ижодий фойдаланган ҳолда рассом ўз маҳоратини намоён қилади. Таркибига музей предметлари, илмий-ёрдамчи материаллар, меъморий-бадиий ва техник воситалар киритилган мажмуа, ягона фикрга бўйсундирилиб, ўзаро боғлиқ, мутаносиб бўлса, замонавий экспозициянинг энг яхши шакли ҳисобланади. Рассом экспозицияга предметларни шундай жойлаштира олиши керакки, маълум жараён ёки ҳодисалар ҳақида янги ахборот, янги билимлар пайдо қила олиши керак.

Санъат ва техника воситаларининг ҳар хил турлари қўшилиб, музей экспозициясининг лойиҳалашда янгича тушунча, яъни экспозицион ва кўргазма дизайни вужудга келди. Бу эса ўз навбатида замонавий музей экспозициялари қиёфасини тубдан ижобий томонга ўзгартира бошлади. Тошкентдаги кино санъати музейи экспозицияси музейшунос ва дизайнерларнинг биргаликдаги меҳнатининг самарасидир.

Экспозицияни ифодали, образли қилиб яратишда предметларнинг асл нусхаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Лекин, асл нусхадаги предметлар битта жойда намоиш этилганда, улар қутилган натижани бера олмаслиги, предметлар бир хил типда бўлиши ёки янги экспозицион образ яратиш учун предметлар бир – бирига мос бўлмаслиги ва кам бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда бошқа восита ва услублардан фойдаланиш зарурати туғилади. Мазкур воситалар қаторига хариталар, схемалар, диаграммалар, турли илмий реконструкциялар, хажм, ранг ва шакл киради. Асл нусхадаги предметлар билан илмий ёрдамчи материаллар уйғунлашиб, маълум ҳодиса, воқеа, жараён ҳақида образли тасаввур беради. Лекин илмий-ёрдамчи материалдан шундай фойдаланиш керакки, у асл нусхадаги предметдан устунроқ бўлиб қолмаслиги керак, шунингдек улардан чегараланган доирада фойдаланиш лозим. Акс ҳолда музей экспозициясининг спецификаси йўқолиб кетиши мумкин.

Замонавий экспозицияларни яратишда фойдаланиладиган бадиий-ифодавий воситалар мажмуасини ишлатишда, экспонатларни намоиш этиш учун махсус мосламаларни, яъни экспозицион жиҳозларни ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Экспозицион мажмуада у 2 хил вазифани бажаради. Биринчиси, экспонатларни атроф-муҳитидаги зарарли таъсирлардан,

шикастланишидан, ўғирланишидан муҳофаза этса, иккинчи вазифаси меъморий-бадий функция бўлиб, экспозициянинг хажми – фазовий муҳитини ва предметларини оқилона жойлаштиришга оптимал шароитни яратади.

Замонавий музей амалиётида ноёб ва универсал асбоб-ускуналар қўлланилади. Махсус асбоб-ускуналарнинг намуналари аниқ музей учун экспонатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа зарур факторларни ҳисобга олинган ҳолда яратилади. Универсал асбоб-ускуналар, эгилувчан, шаклини ўзгартирса бўладиган мосламалар бўлиб, улардан асосан йирик музей марказлари ёки кўрғазмаларда фойдаланилади.

Экспозицион материалнинг шаклига ва экспозициянинг меъморий бадий ечимига мослаб, экспозицион асбобларнинг ҳар хил турлари танланади. Ясси экспозициялар учун махсус вертикал шитлар ёки стендлардан фойдаланилади. Баъзида экспозицион майдонда хаддан зиёд экспонат кўпайтирмаслик мақсадида экспозицион материалларнинг бир қисми турникетларга жойлаштирилади. Унинг кўриниши китобга ўхшайди ва варақлари қаттиқ бўлиб, шарнирларга маҳкамланади. Турникетларда асосан хужжатлар, плакатлар, фотосуратлар жойлаштирилади.

Кенг жойдаги экспозиция учун витрина, подиум ва универсал модулли системалардан фойдаланилади. Витриналар турли конструкция ва шаклларга эга бўлиб, горизонтал, вертикал, стол устида турадиган, осиб қўйиладиган, атрофида айланиб кўрса бўладиган, деворий кўринишларда бўлиши мумкин. Подиумлар (таглик) – хажмдор предметларни очиқ тарзда намойиш этиш учун қўлланилади. Универсал модулли система – каркасли, каркассиз, аралаш, ромли ва фазовий – стрежнли, яъни шаклини ўзгартирса бўладиган мосламалардан ҳам фойдаланилади.

Юқорида қайд этилган асбоблар, экспонатлар ва экспозицион залларга, интерьерига стили, ранги ва хажми бўйича мос келишигига қараб танланади. Улар жуда нейтрал ва кўзга ташланмайдиган бўлиши лозим эмас, балки экспозициянинг образли ечимига мутаносиб бўлиши керак.

Шунингдек экспозиция тузишда ранг ва ёруғлик ҳам катта роль ўйнайди. Улар ёрдамида экспозицион намуналарни ягона гармоник яхлитликка жамлаш, асосий экспонат ва композицияларга урғу бериш, томошабинларнинг маълум эмоционал реакциясига эришиш мумкин. Ёруғликдан тўғри фойдаланиш, экспонатларнинг рангини аниқ беришга ёрдам беради. Маълум ранг ва ёруғлик ечимлари экспозицияни янада ифодалироқ бўлишига ёрдам бериши мумкин.

Экспозицияни ҳис қилиш (ёки қабул қилиш)да фазовий ечим ҳам улкан аҳамият касб этади. Яъни, экспозицион хонада экспозицион асбоблар ва экспозицион материалларни тўғри жойлаштириш лозим. Экспозицион мажмуа элементларининг мутаносиблиги, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, гуруҳланиши – буларнинг ҳаммаси бадий экспозицион образ яратишда биринчи навбатда муҳимдир.

Шундай қилиб, экспозициянинг характери, унинг тематикаси ва бошқа аниқ шартларга қараб, рассом экспозицион образ яратиш учун барча

воситаларни ёки уларнинг бир қисмини ишлатади. Яхши натижаларга эришиш учун, асосан музей предметлари ва уларнинг мажмуалари компановка қилинади. Яъни экспозицион ансамбл образи, музей предметлари асосида яратилади.

Савол ва топшириқлар

- 1.Экспозиция мазмунининг бадий интерпретацияси нимадан иборат?
- 2.Экспозициянинг илмий мазмунини «оғзаки тил»дан «образли тил»га музей рассоми томонидан кўчирилиш қонун-қоидалари нималардан иборат?.
- 3.Экспозицион жиҳозлар.
- 4.Стендлар, турникетлар, витриналар, подиумлардан фойдаланиш жараёнлари.
- 5.Ранг ва ёруғлик меъморий – бадий ансамблнинг актив, специфик компонентлардан фойдаланиш тартибини изоҳлаб беринг.

Музейларни бадий лойihalашнинг асосий босқичлари

Режа

1. Бадий лойihalашнинг биринчи босқичи.
2. Эскиз лойиха иккинчи бадий лойihalашнинг якунловчи босқичи.
3. Монтаж варақлари. Экспозицияни монтаж қилиш.
4. Вернисаж.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улческого искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990
8. Шедевры живописи из собраний лучших художественных галерей Европы. СПб., 1998

Экспозиция асосан меъморлар, рассомлар, инженерлар, дизайнерлар ва албатта музейнинг илмий ходимлари билан биргаликда яратилади. Бунда ишнинг кетма-кетлигини, ҳар бир босқичидаги фаолиятнинг характери, лойиха ҳужжатларининг таркибини аниқ белгилаш керак ва ҳар бир экспозиция лойихаси қатнашчиларининг меҳнати самарадор бўлиши лозим. Шунингдек бадий лойihalашнинг асосий босқичлари, илмий лойihalаш босқичлари билан солиштирилиши керак.

Экспозициянинг меъморий-бадий лойihalаш ишларини бошлаш учун асос ҳужжат бўлиб илмий концепция хизмат қилади ва унда умумий экспозицион фикрнинг етарлича тўлиқ тавсифи мавжуд. Унинг асосида кўп

ҳолларда , тематик лойихадан кейин экспозициянинг бош ечими яратилади, яъни бирламчи бадиий лойиха тузилади. Ушбу лойихада бўлғуси экспозиция қиёфасига доир меъморий-бадиий муаммолар ечилади ва муаллифнинг ижодий фикри очиб берилади. Лойихалашнинг охири босқичларида барча камчиликлар бартараф этилиб, мукамаллаштирилади. Экспозиция лойихалашнинг замонавий услублари экспозициянинг бош ечимини – экспозициянинг бадиий концепцияси шаклида ишлаб чиқишни кўзда тутди. У чизмалар, макетлар ва тушинтириш ҳужжатлари кўринишида бажарилади. Бу бадиий уюшма ва музей жамоатчилиги орасида муҳокама қилинади. Шунинг учун унинг ифодавий тили ва воситалари турли мутахассис эгалари учун аниқ ва тушinarли бўлиши лозим.

Бадиий лойихалашнинг иккинчи босқичида, тематик-экспозицион лойиха ва сценарий тузилиб, тасдиқланиб бўлинганидан сўнг экспозицион лойиха ишлаб чиқилади. Унда бадиий концепция (бош ечим) тафсилотланади. Эскиз лойихада қуйидаги масалалар қайта ишланади: бўлимларнинг экспозицион майдонлари; мавзулар аниқ бўлинади, барча экспозицион материаллар жойлаштирилади; экспозициянинг хажми - фазовий ва рангли ечими белгиланади; залларни, экспозицияларни ва алоҳидаги экспонатларни ёритиш услублари ҳал қилинади; экспозицион асбоб-ускуналар, аудиовизуал ва техник воситалар жойлаштирилади.

Эскиз лойихада экспонатларни жойлаштириш ва кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эга. Музейда шундай услублар борки, улар ёрдамида предметлар орасидаги боғлиқликни кўрсатиш, экспозициядаги энг асосий экспонатни ажратиб намоёни қилиш мумкин. Масалан, етакчи экспонат кўп ҳолларда экспозицион майдоннинг марказига жойлаштирилади ва бу билан томошабинни ўзига жалб қилади. Унинг аҳамиятини рангли фон, ёруғликни йўналтириш ёки атрофида махсус яратилган бўшлиқ ёрдамида ҳам кўрсатиш мумкин. Лекин расом, асосий экспонатга жалб қила туриб, намоёни этиш воситалари ва асбоблар тобе ва иккинчи даражали ўринни эгаллаши кераклигини унутмаслиги керак.

Бадиий лойихалашнинг якуний босқичи техник ва ишчи лойихани ишлаб чиқишдан иборат. Бунга монтаж листлари, асбобларнинг бадиий конструкторлик ечимининг муаллиф томонидан ишлаб чиқилган, экспонатларни ёритиш ва маҳкамлаш учун мосламалар, иситиш, вентиляция, ёнғин ва сақлаш сигнализацияларининг инженерлик ечимлари киради.

Монтаж листлари – маълум материалларнинг жойланиши кўрсатилган экспозицион залларнинг лойихаларини ўзида акс эттиради. У расом томонидан яратилиб, 1:10 масштабда чизилади.

Барча керакли асбоблар ва илмий ёрдамчи материаллар тайёрлангач, экспозициянинг монтажи бошланади. Унда экспозицион майдонда техника воситалари ва асбобларни йиғиш жараёни, экспозиция лойихасига биноан экспозицион материалларни жойлаштириш ишлари қилинади. Монтаж, махсус тайёргарликни ўтаган монтажчи-ишчилар ва муаллиф-лойихачилар томонидан амалга оширилади.

Рассом, монтаж ишлари раҳбарияти билан биргаликда экспозицияни реклама қилиш учун муҳим материалларни тайёрлашда ва унинг тантанали очилишида қатнашади.

Хулоса қилиб айтганда, охириги ўн йилликларда музей экспозицияси санъати, ижоднинг мустақил тури сифатида тасдиқланди. Замонавий музей экспозицияси – бу музей илмий ходимлари ва экспозиционер-рассомларнинг биргаликда олиб борган меҳнатининг самарасидир.

Лекин шунини таъкидлаш жоизки, музей экспозицияси санъатида ечилмаган муаммолар ҳам кўп. Шунинг учун у музей иши каби, ижодий тажрибага мухтож ва уни ҳар томонлама мукамал ўрганиб чиқиш лозим.

Савол ва топшириқлар

1. Бадий лойиҳалашнинг биринчи босқичи қандай амалга оширилади?
2. Эскиз лойиҳа иккинчи бадий лойиҳалашнинг якунловчи босқичи нималардан иборат?
3. Монтаж варақлари қандай тайёрланади?
4. Экспозицияни монтаж қилиш хусусида маълумот беринг.
4. Вернисаж нима?

Экспозиция тузишнинг замонавий методлари

Режа:

- 1.Замонавий музейларда янгича экспозиция тузиш муаммолари.
- 2.Виртуал музейларнинг пайдо бўлиши.
- 3.Музей аудитория талабларини ўрганган ҳолда экспозиция тузиш масалалари

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990
8. Шедевры живописи из собраний лучших художественных галерей Европы. СПб., 1998

Экспонат сифатида асл нусханинг “ўрнини босувчи”, яъни музей предметларини қайта тикловчи ҳамда хариталар, шартли чизмалар, диаграммалар орқали предмет билан мавзуни очилиши ўртасидаги боғлиқликни кўрсатишда фойдаланилади. Экспозиция таркибига турли характердаги ёзма матнлар ва фонематик материаллар ҳам қиради. Бу барча қайта тикловчи экспонатлар, моделлар, илмий ёрдамчи материаллар ва матнлар экспозицион материаллар деб аталади. Экспозиция музей коммуникациясининг асосини ташкил этиб, уни маълум бир жойга жойлаштирилган экспозицион материалларни томошабинлар қабул қилиш йўли орқали амалга оширилади. Томошабин ва экспонат ўртасидаги алоқа жараёнини енгиллаштириш мақсадида экспозицияни яратишда олимлар, рассомлар ҳам қатнашишади. Яъни экспозиция фан ва санъат уйғунлигида яратилади.

Замонавий тасаввурларга қўшилган ҳолда музей экспозицияси — бу мақсадга йўналтирилган ва илмий асосланган музей экспонатларининг намоиши бўлиб, улар композицион ташкиллаштирилиб шарҳлар билан таъминланган, техник ва бадиий жиҳозланиб, умумий музейнинг ўзига хос хусусиятини яратувчи ижтимоий кўринишдир.¹

Музей нафақат доимий балки вақтинчалик экспозиция — кўчмас ва кўчма кўрғазмалар яратади. Уларнинг вақтинчалик характери экспонатлар хусусиятидан келиб чиқади. Кўрғазмаларда тез-тез бошқа музей экспонатлари, хусусий коллекциялар ёки фонд захираларидан узоқ вақт ташқарида тура олмайдиган акварель, ёзма манбалар, ноёб буюмлар намоиш этилади.

Ҳозирги кунда музей амалиётида музей кўрғазмаларининг асосий уч тури бор:

1. Тематик кўрғазма — маълум бир мавзуга бағишланган.

2. Фонд кўрғазма — томошабинларни унчалик маълум бўлмаган ва ҳали ҳамма кўрмаган коллекциялар билан таништиради.

3. Ҳисобот кўрғазма — таъмирлаш ишларининг натижалари ёки фондларни комплекшлаш яъни янги келиб тушган экспонатлар асосида кўрғазмага айтилади.

Кўрғазма қилиш музей экспозицион ишининг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги кунда халқаро кўрғазмаларни алмаштириш фаол ривожланмоқда, бу эса ўз навбатида турли маданиятни ўзаро бойишига ёрдам беради.

Экспозицияда материал турлича гуруҳланиши мумкинлигини сезиш қийин эмас. Чунки у айрим ҳолларда кўрғонларнинг ички кўриниши ёки табиат муҳитининг бир қисми, айрим ҳолларда эса экспозиционерлар аниқ бир йўналишда бирор бир воқеани очиб беришга ёки мисол учун турли туман шакл ва бошқа хусусиятдаги бир хил предметларни аниқ намоиш этишга ҳаракат қилишади. Илмий асосланган, экспозиция мазмунидан келиб чиққан ҳолда экспозиция материалларини гуруҳлаш тартиби ва ташкиллаштиришга экспозицияни қуриш усули деб аталади¹.

Ўзбекистон музейларида қуйидаги асосий экспозиция усуллари ажратиб кўрсатилади: системали, ансамблга оид, ландшафтга оид ва тематик.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи ўз коллекциясини биринчи мартаба тўлиқ намоиш этишга 1974 йил 30 апрелда муваффақ бўлган. Умумий майдони 4800 кв.м. бўлган учта экспозиция қаватини кўчириладиган тўсиқлардан иборат 50 та заллар ташкил этади. Бу эса томошабин ва экскурсия гуруҳлари ҳаракатини осонлик билан йўналтиришга имкон яратади. Бино ҳар томондан махсус ойна билан ўралган бўлиб, у залларни бир текис ёритади, булутли кунларда эса қўшимча равишда сунъий ёруғликдан фойдаланилади. 1 қават — вақтинчалик кўрғазмалар учун мўлжалланган, 2 қаватда — археология ва Ўзбекистон халқ амалий санъати, 3

¹ Юренева Т.Ю. Музееведение. М., 2003.

¹ Михайловская А.И. Музейная экспозиция: организация и техника. М., 1964.

қаватда – рус ва замонавий Ўзбекистон тасвирий санъати, 4 қаватда – Ғарбий Оврупа ва Шарқ санъати ўрин олган.

Музей экспозицияларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари шундан иборатки, аввало кишиларда Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотиш, тарихий билимларни кенг тарғиб қилиш, илмий дунёқарашни шакллантириш, маънавий, сиёсий, эстетик тарбияни кучайтиришдир. Ҳар бир давлатда экспозициялар ўз тарихи нуқтаи назаридан турлича бўлади.

Музей предметлари далилий ашё тарихий фактнинг гувоҳидир. Улар тарихий вазиятни тушунтирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Бундан томошабин янги маълумот ва тушунчалар олади. Музей экспонатлари орқали инсон ўтмишини кўради, ҳозирги замон воқеаларини, турли мамлакатларда бўлаётган воқеаларни ўрганади.

Экспозиция яратишнинг тамойилларидан бири илмийликдир. Унда жамият тараққиёти илмий асосланган бўлади. Экспозицияларда миллий ғоя, миллийлик яққол ифодаланиб туриши керак².

Экспозиция тузишнинг яна бир тамойили оммавий коммуникация тамойилидир. Чунки музейга ҳар хил ижтимоий табақаларга хос кишилар ташриф буюрадilar.

Ҳар бир экспозиция ҳар қандай илмий иш каби ўзида ўзаро боғланган ва бир-бирига бўйсунадиган тизимни мужассамлаштиради. Яъни экспозициянинг бутунлиги, унинг муваффақиятли бўлишини таъминловчи аниқ мавзуй тузилмага эга бўлиши керак. Экспозиция кўргазмасида унинг асосий жиҳатлари, яъни илмий концепция, экспозициянинг Қоявий йўналиши ва музейга хослиги акс этади.

Мавзуй тузилмасини ишлаб чиқиш мураккаб иш бўлиб, уни илмий жиҳатлари назарда тутилади.

Ҳар бир тарих музейлари ўз вазифаси, фонди, давлатлар, регион, шаҳарлар ўртасидаги тутган ўрнига қараб ўзига мос келувчи экспозиция тузилмасини ишлаб чиқади. Масалан умутарихий музейларда қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихий жараёнлар қамраб олинади.

Экспозицияни мустақил томоша қилаётган томошабинларга томошани осонлаштириш мақсадида йўлқўрсаткичлардан фойдаланилади. Унда аввалам бор ҳар бир экспозиция залларининг номлари ва лойиҳаси билан кўрсатилади. Залларда эса девор ёки полда стрелка кўринишдаги кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки матнлар музейнинг ўзига хос ифода этиш воситаси эмасдир. Шунинг учун экспозицияни матнлар билан тўлдириб ташлаш хато. Музей кўринишини аввалам бор табиий ва ижтимоий воқеаларни акс эттирувчи буюмлар, ҳужжатлар, тасвирий санъат асарлари яратиши керак. Сўнги йилларда музей экспозицияларида фоношарҳлардан фойдаланиш кенг тус олмоқда¹.

² Ўлжаева Ш. Музейшунослик. Т., 2002.

¹ Юренева Т.Ю. Музееведение. М., 2003.

Шундай қилиб сценарийда илмий ва бадиий лойиҳалашга оид хужжатлар бириктирилади. Томошабинлар кайфиятига таъсир қилишини янада кучайтирувчи воситаларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Сценарий ҳар доим ҳам керакми? Бу саволга барча музей ходимлари ҳам бир хил жавоб бера олмайдилар.

Экспозицияни тўғри томоша қилишда ва кўпроқ маълумотга эга бўлишга эса албатта экскурсоводларнинг ўрни бекиёсдир. Шу ўринда хорижлик мутахассисларнинг экскурсоводлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун қуйидаги маслаҳатларни беришади:

1. Биринчи ҳаяжонни енгиш учун унинг акси кучлироқ ҳаяжонланишга уриниб кўринг. Ёрдам бермаяптими-унда ўйлаб кўринг, ақлли одам омадсизликда сизни тушунишга ҳаракат қилади ва муҳокама қилмайди. Агарда айбингизни муҳокама қилса- демак унчалик ақилли эмас экан. Ҳар қандай шароитда омадсизлик- бу ҳам тажриба, сиз бундай хатога бошқа йўл кўймайсиз.

2. Гапираётганингизда гуруҳдагилардан кимгадир қаранг. Лекин узоқ қараш ярмайди. Қарашингиз у томошабиндан кейингисига ўтиб туриши керак. Шундагина ҳар бир одамда экскурсовод фақат унинг учун сўзлаётгандек туюлади.

3. Ўзингизни бутун билимларингизни намоиш этишга, томошабинларни кўплаб саналар ва исимларга кўмиб ташлашга уринманг. Ҳаттоки энг кўп нарсани биладиган томошабинни ҳам руҳини тушириб юборишингиз ёки ўзини ноқулай сезишини таъминлашингиз мумкин. Ҳаддан ташқари кўп саналар ва исимлар одамларни тез чарчатиб, ахборотни қабул қилишни тўхтатиб қўйишига олиб келади. Ҳикояни айрим батафсил воқеалар қизиқарли қилади. Шунинг учун, ўқимишли киши билиши шарт бўлган икки-уч исмни айтиб ўтиш мумкин.

4. Тингловчини тадқиқотчи бўлишига ҳам изн беринг. Қандай қилиб? Экскурсовод тарихий воқеа тўғрисида сўзлаб, саволлар беради, томошабин эса ўзи хулоса чиқариб, экскурсовод томонидан тасдиқланади. Одамга шунчаки экскурсия тинглагандан кўра, экскурсовод ёрдамида ўзи учун бирор бир янгилик очиши қизиқарлироқдир.

5. Музейга ташриф буюриш фаоллик бўлсада, барибир дам олишдир. Кулгисиз эса ҳордиқ чиқариш мумкин? Кулги — энг мураккаб информацияни ҳам қабул қилинишини енгиллаштиради. Демак суҳбатнинг давомини ҳам енгил ва ёқимли қилади. Вақт тез ўтиб томошабин музейдан янги информация ва яхши кайфиятда чиқиб кетади.¹ 1990-йилларда музейшуносликка кириб келган “виртуал музей” ибораси бугунги кунга келиб замонавий музейшуносликнинг бутун бошли муҳим бир йўналишига айланиб улгурди. Дастлабки йилларда бу ибора ўқувчилар орасида гарчи унчалик тушунарли бўлмаса-да, лекин чиройли ва ёқимли янграб эди.

¹ Попова Е., Литвак М. Советы начинающим экскурсоводам// «Museum» 1993 №4. (178) 63-64 б.

Кўпчиликнинг эътироф этишича, virtual сўзи “хақиқий, реал” деган маъноларни англатади. Ваҳоланки, “виртуал” сўзи қадимги латинча virtus — ҳаёлий, фараз қилиш сўзларидан келиб чиққанлигини кўпчилик билмайди.

Бугунги кунда виртуал иборасини оммавий ахборот воситаларида тез-тез қўлланилаётганлигини ва ҳалқаро интернет тармоғида “виртуал музей” номи остидаги веб-саҳифаларнинг шиддат билан кўпайиб бораётганини кўришимиз мумкин. Уларнинг кўпчилиги гарчи сайтнинг мазмуни ва профили жиҳатдан виртуалликка ва музейшуносликка мос тушмаса-да, ўзларининг номларини ва манзилларини сақлаб келмоқдалар. Бу сайтларнинг аксариятида виртуаллик асосан оддий фото-альбомлар, бир неча фотосуратлар жамланмаси орқали ифода этилади.

Замонавий музейшуносликда “виртуал музей” иборасининг фақатгина иккита тўғри қўлланилиш варианты мавжуд.

Биринчиси, бу ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ва маълум бир проект асосида музейни ва ундаги экспонатларни уч ўлчамли электрон кўринишда сайтга жойлаштириш. Бунда сайтга ташриф буюрувчи нафақат экспонатларнинг турли бурчаклардаги кўринишини, балки музей биносининг ҳам умумий кўриниши ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Иккинчи, бу тўғридан-тўғри кўриш. Бунда музейдаги экспонатлар электрон сурат кўринишида музейнинг залларида турли технологиялар асосида намойиш этилади. Бунда ҳозирги кунда музейлар учун ишлаб чиқарилаётган турли замонавий қурилмалардан, мосламалардан (масалан, проекторлар, электрон доскалар, презентациялар учун мўлжаллаган турли ҳажмдаги тик турувчи экранлардан) фойдаланиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай виртуал кўргазмани ташкил этишда музейшуносликда кўргазмалар ташкил этишнинг анъанавий усулларидан воз кечиб бўлмайди. Бу усуллар, яъни илмий концепция, бадиий лойиҳалаш ва экспозиция сценарийси кўргазма ташкил этишда ҳоҳ у виртуал, ҳоҳ реал бўлсин буларсиз уларни ташкил этиб бўлмайди.

Бугунги кунга келиб, виртуал панорама шаклида кўргазма ташкил этиш реал кўргазма ташкил этишдан кўра осонроқ ва соддароқ бўлади деган фикрни илгари сурадиганлар ҳам кўплаб учрамоқда. Ваҳоланки, виртуал кўргазма ташкил этиш ишни икки баравар кўпайтиради ва кўргазмани ташкил этишда қатнашувчилар сонини яна иккитага кўпайтиради. Мисол учун, оддий кўргазма ташкил этиш учун маълум бир илмий гуруҳ (илмий концепция яратиш учун), дизайнер ва бир неча техник ходимлар иштирок этса, виртуал кўргазмани яратишда яна иккита мутахассис, компьютер дизайнери (экспонатларни суратга олиш ва уларга компьютер ёрдамида сайқал бериш учун) ва программист-аниматор керак бўлади.

Сўнгги 20 йил ичида илм-фаннинг жадал суратлар билан ривожланиши жамиятнинг барча соҳаларини модернизация қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Ҳозирда музей ўзининг баъзи анъанавий кўринишларини ўзгартишга муҳтожлик сезмоқда. Гап бу ерда музейдаги экспонатларнинг намойиши ва улар ҳақида томошабинга имкон қадар тўлиқ маълумот бериш ҳақида кетмоқда. 2003 йилда Даниядаги Геология музейида табиий офатлар

кўрғазмаси ўтказилган. Бунда ҳар бир суратлар ёнида экран ўрнатилган бўлиб, бу экранда суратда тасвирланган табиий офатнинг видео ёки анимацион кўринишлари намойиш этилган. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, бунда томошабин нафақат шу табиий офатнинг суратини кўради, балки шу билан бирга унинг қандай бўлиши ва унинг оқибатлари ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, виртуал музей иборасини бугуни Ўзбекистон музейларида қанчалик ўз ўрнига эга деган саволни ўртага ташлаш мумкин. Айтиш жоизки, бугунги кунда бир қанча Ўзбекистон музейларида, хусусан ЎзР ФА Қатағон қурбонлари музейи, ЎзР Мудофаа Вазирлигининг Қуролли Кучлар музейи ва яна бир қанча музейлар юқорида номи тилга олинган замонавий музей қурилмалари билан жиҳозланган. Улардан фойдаланган ҳолда музейдаги экспонатларни намойиш этиш қай даражада эканлигини музейга ташриф буюрувчилар баҳо беришлари мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, музейшуносликнинг кейинги ривожда интерактив экспозицияларни яратиш ва ахборотларни етказишда замонавий манбалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Савол ва топшириқлар

- 1.Замонавий музейларда қандай янгича экспозиция тузиш мумкин.
- 2.Виртуал музейларнинг пайдо бўлиши тарихи хусусида маълумот беринг.
- 3.Музей аудитория талабларини ўрганган ҳолда экспозиция тузиш масалаларида асосий эътибор қайси жиҳатларга қаратилиши керак
4. Музей экспозицияларини яратишда қандай инновацион технологиялардан фойдаланиш мумкин?

Музей илмий – тадқиқот ишларининг турлари ва йўналиши

Музейларда илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш

1. Музейнинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш.
2. Фондларни комплекшлаш соҳасидаги тадқиқот.
3. Музей фондларини сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича тадқиқот. Ижтимоий – психологик тадқиқотлар.
4. Перспектив лойиҳалар тадқиқот – тузиш ишларини лойиҳалашнинг асоси.
5. Музейларда илмий – тадқиқот ишларини ташкил этишнинг муҳим омиллари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музеи // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990
8. Шедевры живописи из собраний лучших художественных галерей Европы. СПб., 1998

Илмий – тадқиқот иши, ҳар қандай музейнинг етакчи фаолият йўналиши ва иш юритишининг асоси ҳисобланади.

Музейларнинг тарихий ривожланиши, уларнинг доимий равишда фан билан боғлиқлигини кузатишга кўмаклашади.

Маълум даврларда музей тўпламлари бир қатор фанларни, фундаментал ва амалий тадқиқотларининг таянч асоси бўлиб, музейларда йирик олимлар ишлаб, фан учун кўп янгиликлар очган, фундаментал иш ишлар яратилган.

Илмий тадқиқот – бу фаолиятнинг ўзига хос шакли бўлиб, жамиятга аввал маълум бўлмаган билимларни тарқатиш ва кўникма ҳосил қилиш билан боғлиқ.

Музейлар тадқиқот марказлари сифатида комплектлаш, ҳисобга олиш, ўз тўпламларини ўрганиш, музей каталогларини бўлимларга ажратишни ишлаб чиқиш, сақлаш шароитини таъминлаш учун зарур методлар ишлаш, экспозиция ва кўргазмаларнинг илмий лойиҳасини яратиш ишлари билан шуғулланади.

Музейлардаги тадқиқот ишлари икки йўналишда олиб борилади:

Биринчи йўналиш – музей тўпламларини ва ёдгорликларни ўрганиш (ўтмиш меросининг номоддий мероси, муҳити, кўчмас ёдгорликлар ҳам шулар жумласидан). Мазкур объектларни ўрганиш музей тадқиқотларининг асосий йўналиши ҳисобланади. Тадқиқот ишининг бу йўналиши, манба материаллари музейларда бўладиган фанлар билан боғлиқ: тарих, энография, архология, биология, санъатшунослик ва ҳақозолар. Тадқиқотчилик фаолияти жараёнида янги манбалар очилади, улардан фойдаланиш ва илмий қўлланилишга киритиш усули белгиланади, илмий проблематика кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади.

Иккинчи йўналиш – музейшунослик тадқиқотлари бўлиб, барча музейлар учун умумийдир ва маълум ижтимоий функцияларни бажаради, бевосита музейшунослик ва у билан боғлиқ фанлар негизда ривожланади (социология, педагогика, психология).

Музейшунослик тадқиқотлари гуруҳига қуйидагилар киради:

- музейларнинг концепциясини ва алоҳида музей фаолияти йўналишларини ишлаб чиқиши;
- экспозиция ва кўргазмаларни илмий лойиҳилаш;
- музей аудиториясини социологик ўрганилиши;
- маданий – таълим фаолияти шакллари ва усулларини ишлаб чиқиши;
- музей коллекцияларини физикавий сақланишини таъминлаш муаммоларини ишлаб чиқиши;
- музей ишини ривожланиш тарихини, турли гуруҳ ва турдаги музейларни, территорияларни, алоҳидаги музейларни тадқиқ этиш;
- умумназарий музейшунослик тадқиқотлари.

Иккинчи йўналишдаги тадқиқот ишларини самарали амалга оширишда илмий коллективнинг музейшунослик маълумоти, ишчилар томонидан музейшунослик, психология, социология, педагогикадаги энг янги ютуқларни билишлари катта аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Фундаментал тадқиқотлар (негизли) – амалий мақсадларга мосланмаган ҳолда, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини тушуниш ва ўрганишга йўналтирилган.

Амалий тадқиқотлар – бу маълум назария чегарасида амалга оширилиб, доим аниқ амалий мақсадни кўзлайди ва алоҳидаги муаммоларни тадқиқ этади.

Илмий ишлаб чиқариш деганда, фундаментал ва амалий тадқиқотлардан янги материалларни, мосламаларни, системаларни технология ва хоказоларни жорий қилиш мақсадида фойдаланиш тушунилади.

Музейларнинг функционал ўзига хосликларига мос тарзда музей фаолияти қуйидаги йўналишларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири таркибида тадқиқотчилик компонентлари мавжуд:

- комплектлаш;
- илмий – зариха ишлари;
- экспозицион – кўргазма иши;
- маданий – таълим фаолияти.

Комплектлаш: Комплектлашнинг тадқиқотчилик аспекти, музей тўпламининг шаклланишидаги муҳим асоси ҳисобланиб, комплектлашга илмий ёндашув, келажакда бутун музей фаолиятининг ривожланишини таъминлайди.

Музей фаолиятининг ушбу муҳим йўналишида тадқиқотчилик ишининг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

1. Комплектлашнинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш. Ушбу ҳужжат музейдаги комплектлашнинг мақсадлари, вазифалари, йўналишлари, принциплари, услублари ҳақида системали тасаввурга эга қилади.

2. Аниқ музейнинг мақсад ва вазифаларига мос тарзда, табиий, тарихий, маданий жараёнларни ҳужжатлаштириш мақсадида, фонд тўпламларига материал танлаш мезонларини ишлаб чиқади.

Илмий – зариха ишлари: 1.Музей фонди билан илмий иш олиб бориш биринчи навбатда музей предметлари ва коллекцияларини ўрганишга ва уларнинг илмий, тарихий, бадиий аҳамиятини очиб беришга қаратилган.

Музей коллекцияларини ўрганиш жараёнини босқичма – босқич олиб бориш лозим:

- музей предметини аниқлаш;
- таснифлаш;
- тартиблаштириш;

Ҳар бир музей предмети учун инвентарь карточкалар тузилиб, уларга тадқиқот натижасида олинган маълумотлар ёзилади; карточкаларнинг мажмуи инвентарь картотекани ташкил этади. Инвентарь картотекалари каталог тузиш; коллекциялар ҳақида қисқача маълумот олишда асос бўлиб хизмат қилади.

2.Заҳиралар билан илмий тадқиқот ишининг яна бир йўналиши, музей предметларини сақлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Музейлардаги хазиналар биздан кейинги авлодга ҳам хизмат қилиши учун коллекцияларнинг ҳолатини қаттиқ назорат қилиш, ўз вақтида таъмирлаш, ҳарорат, намлик тартибини ҳар куни назорат қилиш зарур.

Бу кўпқиррали фаолиятнинг асоси бўлмиш – илмий услубларни ишлаб чиқиш, музей томонидан меросни сақлаш функцияларидан энг муҳимидир. Бир қатор музейлар, бир вақтнинг ўзида, музей предметларини

сақлаш, таъмирлаш, консервациялаш бўйича йирик тадқиқот марказлари сифатида хизмат қилади.

3.Шунингдек, тадқиқотчилик йўналишига- фонд ишларини илмий моҳиятини таёрлаш ҳам киритилади. Бу музей фондларини ҳисобга олиш, сақлаш, илмий қайта ишлаш, консервация ва таъмирлаш ишлари бўйича музей фаолияти ҳақида системали тасаввурга эга қилади.

Концепцияда музей тўпламининг тузилиши ва таркиби, ҳолатининг ўзига хос томонлари аниқланади, бу эса музей предметларини экспозиция ва кўргазмаларда қўллаш имкониятини ҳал этишга ёрдам беради.

Экспозиция ва кўргазма ишлари: Бу борада тадқиқот ишининг асосий йўналиши- экспозиция ёки кўргазманинг илмий ҳужжатларини яратиш ҳисобланиб (илмий лойхалашни), қуйидагиларни ўзига олади:

илмий моҳият;

бирор мавзуга бағишланган тузилиш;

мавзуга бағишланган – экспозицион лойиха;

сценарий.

Илмий лойхалашнинг энг мураккаб ва жавобгарлиги кўп қисми – экспозициянинг илмий моҳиятини ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, бу экспозиция ёки кўргазмани яратишдаги вазифаларнинг яхлит далилли тушунчасини беради. Экспозиция устида илмий ишлашдаги асосий ўринни, матнларни тартибни яратиш эгаллайди.

Маданий – таълим фаолияти: Маданий – таълим фаолияти доирасидаги тадқиқотнинг асосий йўналишлари қуйидагича:

– музейнинг таълим тизимини ишлаб чиқиш;

– музей аудиториясини кенг миқёсда ўрганиш;

– аниқ музей аудиторияси учун узоқ ва қисқа вақтли маданий, таълим дастур ва лойихаларини ишлаб чиқиш;

– музей аудиториясининг турли тоифалари билан ишлашнинг турли услубий ишларини яратиш;

– маданий – таълим фаолиятининг турли шакллари учун услубий ҳужжатлар таёрлаш.

Музейни илмий концепциясини ишлаб чиқиш. Музейнинг илмий – тадқиқотчилик фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири – музей концепциясини ишлаб чиқишдир. У фаолиятнинг алоҳида йўналишлари бўйича барча функционал концепцияларни ўз ичига олади. Музей концепцияси биринчи навбатда музейнинг ривожланиш перспективлари, мақсад ва вазифалари тартибни асослаб беришни ўзида акс эттиради.

Музейнинг илмий концепциясини ишлаб чиқишни, директор раҳбарлигида илмий коллектив олиб боради ва бунга мамлакатнинг илмий маказлари мутахассислари ҳам жалб қилинади. Ҳужжат музейнинг Илмий кенгашида муҳокама этилади ва ушбу музей қарашли бўлган бошқарув органида тасдиқланади.

Илмий концепцияни ишлаб чиқариш уч босқичда олиб борилади:

I босқич – таҳлилий сўровларни таёрлаш:

- регионнинг тарихий ва табиий ўзига хосликларини, ижтимоий – иқтисодий, маданий ривожини таҳлил этиш;
- региондаги музей иши ҳолатини таҳлил этиш, мавжуд музей тўпламлари ва энпозицияларида регионнинг замонавий ҳолати ва тарихини тўлақонли акс эттирилишини баҳолаш;
- аҳолининг ижтимоий – демографик тавсифи;
- мавзунинг ўрганилганлик ҳолати;
- библиографик картотекалар тузиш.

II босқич – музейнинг “ғоявий фикрини” ишлаб чиқиш – музей фаолиятининг ўзаро боғлиқ йўналиши тартибини ўз ичига олади. Бу ижодий жараён, фан ва санъатнинг уйғунлигидир. Мазкур босқичда музейнинг ривожланиш перспективалари аниқланади.

III босқич – музей ривожининг бош лойихасини тузиш бўлиб, музей фаолиятининг барча йўналишлари бўйича “ғоявий фикрини” қўллаш бўйича, аниқ амалий чораларини амалга оширишни олдиндан мўлжаллаб қўяди. Илмий концепцияни ишлаб чиқиш, хужжатлаштиришга тайёргарликни ҳам назарда тутлади.

Илмий концепцияни ишлаб чиқиш музей ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб, унинг келажагини белгилайди, шунингдек бошқа маданий, илмий, таълим муассасалари орасида катта аҳамият касб этади.

Музейларда илмий – тадқиқот ишларини ташкил этиш:

Тажрибалар шуни кўрсатадики, харбир музейда тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлиб, тадқиқот ишининг қисқа ва узоқ вақтга лойихаланиш тартибига эга бўлиши керак. Музейнинг ривожланиш перспективасини кўришга имконият берувчи тадқиқот иши лойихасига амал қилиш лозим.

Музейлар ўзининг табиатига кўра, илмий – тадқиқот муассалари таркибига киради.

Тадқиқотчилик ишини лойихалаш асосида, узоқни кўзлайдиган дастур яратиш ётади ва бир неча йилга мўлжалланади.

Музей ходимлари ўзларининг тадқиқотчилик ишлари ҳақида вақти – вақти билан илмий бўлимларнинг йиғилишларида ҳисобот бериб турадилар. Тадқиқот натижалари эса, мақолалар тўпламларида, манографияларда, ойномаларда, экспедиция ҳисоботларида чоп этилади. Якуний ҳисобот музейнинг Илмий кенгашида муҳокама этилади (агар музейда Илмий кенгаш бўлмаса, ишни шунга хос муаммо билан шуғулланадиган бошқа ташкилот ёки мутахассисга тақризга бериш тавсия этилади).

Илмий – тадқиқот ишлари натижаларининг ёзма хужжатли материаллари, фото, кино, видео, график хужжатлар, фонли ёзув ва бошқа тарзда йиғилганлари, музейнинг илмий архивида сақланади.

Илмий – тадқиқот натижаларидан музей фаолиятининг барча йўналишларда кенг фойдаланилади, улар экспозиция ва фондлар бўйича коллекция, экспозиция ва кўргазма каталоглари, йўлқўрсаткичлари кўринишида чоп этилади.

Кўплаб музейларда илмий ишни яхши ташкил этиш ва унинг натижаларидан музей фаолиятининг барча йўналишларида фойдаланиш мақсадида, илмий – тадқиқотчилик иши тўғрисида Низом ишлаб чиқилади. Мазкур ҳужжат, ҳар бир аниқ музейда ўзлари ишлатиши учун яратилади ва кўйидаги бўлимларни ўз таркибига киритади:

– музейнинг барча кўпқиррали тадқиқотчилик фаолиятини аниқловчи мақсад ва вазифаларига кириш;

– тадқиқотчилик ишини ташкиллаштириш; бу бўлимда раҳбарлик масалалари, маълум музейда тадқиқотчилик ишларини бошқариш кўриб чиқилади. Агар илмий ишлар бўйича директор муовини бўлса, бу йўналиш бўйича барча бошқарув ва ташкиллаштириш ишлари унга юкланади. Агар музей кичик бўлганлиги сабабли, бундай лавозим бўлмаса, бу йўналишни директор олиб боради;

– “низом”нинг мазмуний қисми, музей тадқиқот иши ривожининг устувор йўналишини кўриб чиқишни ўзида мужассамлайди;

– хулоса. Музей – ривожиланаётган жонли организм эканлигини тасдиқловчи, яъни узоқни кўзловчи асосий хулоса қилинади.

Музейларда тадқиқотчилик ишининг ривожланишида Илмий кенгашнинг аҳамияти жуда катта. Унинг тақибига илм доирасининг барча мутахассислари ҳам музейдан, ҳам боқа илмий – тадқиқот ташкилотларидан киритилади. Агар Илмий кенгаш бўлмаса, энг асосий муаммоларни муҳофаза этиш учун кенгайтирилган илмий – услубий кенгашлар уюштирилиб, унга четдан мутахассислар таклиф этилади. Кенгашнинг иш тартиби, дастури, таркиби ишлаб чиқилади.

Шундай қилиб, музейларнинг муваффақиятли иш фаолияти, сезиларли даражада пухта ўйланган илмий – тадқиқотчилик иши дастури билан боғлиқдир.

Музейнинг барча фаолияти тўғридан-тўғри илмий-тадқиқотга таянади. Уларсиз заҳираларни сифатли комплектлаш ҳам, сақлаш жараёнини максимал узайтириш ҳам, тўлақонли экспозиция тузиш ҳам, маданий – таълим ишини олиб бориш ҳам мумкин эмас.

Музей илмий – тадқиқотлари, илм – фан учун ҳам янгидан – янги манбаларни очиб беришга кўмаклашади.

Савол ва топшириқлар

- 1.Музейнинг илмий концепцияси қандай тартибда ишлаб чиқилади?
- 2.Фондларни комплектлаш соҳасидаги тадқиқот қандай олиб борилади?
- 3.Музей фондларини сақлаш ва муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар.
- 4.Ижтимоий – психологик тадқиқотлар деганда нимани тушунасиш?
4. Перспектив лойиҳалар тадқиқот – тузиш ишларини лойиҳалашнинг асоси сифатида қандай аҳамиятга эга?

5. Музейларда илмий – тадқиқот ишларини ташкил этишнинг муҳим омиллари нималардан иборат?

Музей фондлари. Фонд ҳақида тушунча

Режа:

1. Музей фондлари тушунчаси
2. Музей фондларини ташкил этиш
3. Музей фондлари асоси
4. Музей коллекциялари мажмуи

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Музей фаолияти, музей фондлари асосида юритилади. Фонддаги предметларни музей ходимлари йиғиб, кўпайтириб боришлари, сақлашлари, тадқиқот ўтказишлари, шунингдек таълим-тарбия ва илмий ишларида фойдаланишга шароит яратишлари зарур. Фонд орқали музей ўтмиш билан ҳозирги даврни боғлаши мумкин.

Масалан, тарихий ихтисосликдаги музейларнинг фонди ижтимоий – иқтисодий жараёнларни, синфий курашларни, ички ва ташқи сиёсатни, маданият тарихини ўрганувчи, тасдиқловчи хужжат ва предметлардан иборат.

Музей фондларининг архив ва кутубхона фондларидан фарқи шундаки, музей предметларининг ўзига хос хусусиятлари бор. Бошқа фарқли томони – музей фондида тарихий жараёнлар мажмуаси хужжатлаштирилади. Архив ва кутубхоналар музейларга ўхшаб кўплаб манбаларни йиғишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Музейлар учун предметга таълуқли маълумотнинг фақат мазмуни ва хажмигина етарли эмас, бу предмет нима мақсадда, қандай қилиб яратилганлиги ҳақида ҳам ахборот керак, яъни предметнинг тарбиятини аниқловчи маълумотни етказиб бериш хусусияти бўлиши лозим.

“Музей фондлари” деганда, музейга доимий сақловга қабул қилинган, илмий ташккллаштирилган материалларнинг йиғиндиси тушунилади. Бунда улар нафақат фонд сақлови ва экспозицияда, балки бошқа музей ёки муассасага вақтинчалик кўргазмага берилган бўлиши, шунингдек экспертиза, таъмирлаш учун жўнатилган бўлиши мумкин.

Музей фондлари асосини – музей предметлари ташкил этади. Буларга тарих ва маданият ёдгорликлари, ижтимоий ва табиий жараён ва ҳодисаларни хужжатлаштира олиш хусусиятига эга, ўз муҳитидан ажратиб келтирилган табиат объектлари киради.. Улардан ташқари, фондларга илмий – ёрдамчи материаллар ҳам киради. Лекин бу материаллар музей предмети хусусиятга эга бўлмай, музей предметларини ўрганиш ва экспозициялашга ёрдам беради. Предметни ўрганиш жараёнида ёки бевосита экспозицион зарурият учун яратилган реконструкциялар, макетлар, моделлар, хариталар, лойихалар, графиклар, таблицалар, турли схемаларга илмий ёрдамчи материал дейилади. Уларнинг бирлари, баъзи бир сабабларга кўра экспозицияга жойлаштириб бўялмайдиган предметларнинг ташқи қиёфасини тасаввур қилишга имконият яратади. Бошқалари, предмет ҳақида қўшимча ахборот беради.

Музей предметлари мазмунини янада чуқурроқ очиб бериш мақсадида, экспозицияга киритилган турли хилдаги аудиовизуал воситалар, витриналар, шкафлар, стендлар ва бошқа музей жиҳозлари музей фонди таркибига кирмайди.

Музей предметларининг илмий ёрдамчи материалардан фарқи, улар маданият ва тарих ёдгорликлари хисобланиб, амалдаги қонунга мувофиқ муҳофаза қилинади.

“Ўзига хос” ва “Нодир” тушунчалари билан ифодаланадиган музей предметлари қиймати ҳам нотенг қимматга эга.

Намунали (типовой) музей предмети деб, ўзига хос ҳодисаларни акс эттирувчи ва ҳозирги даврда мавжуд, кўп хажмдаги предметларга хос хусусиятга эга бўлган буюмларга айтилади. Бунга намунали (типовой) хужжатлар, стандарт саноат маҳсулотлари мисол бўла олади. Мазкур предметлар агар музейда ягона нусхада сақлансада, намунали (типовой) деб аталади, чунки кундалик турмушда у билан бир хил предметлар мавжуд. Типовой предметлар фақат серияли ишлаб чиқариш намуналари бўлмайди; улар маълум ҳодисаларни тавсифловчи камдан – кам учрайдиган предметлар

хам бўлиб, музейларда унча катта бўлмаган хажмда сақланади. Бунга неолит даврининг тош қуролларини мисол қилиш мумкин.

Шунингдек, агар маълум ҳодисани акс эттирувчи предмет ягона нусхада ёки кам хажмда сақланиб қолган бўлса, у нодир музей предмети хисобланади, чунки, ундаги мавжуд ахборот бошқалардан фарқли тавсифга эга бўлади. Бошқа нодир предметлар эса бетакрорлиги ва ўзига хослиги туфайли шундай аталади. Бунга юксак даражада ишланган тасвирий ва амалий – безак санъати асарлари, ажойиб конструкцияга эга асбоблар, ёдгорликларнинг камдан- кам учрайдиган нусхалари мисол бўла олади.

Масалан, Москвадаги Политехника музейи 2 мингдан зиёд предметга эга бўлиб, улар орасида типовой конструкциялар ҳам, нодир фотография ёдгорликлари ҳам мавжуд. XX аср ўртасида ишлаб чиқарилган фотоаппарат, фотокамераларнинг нусхалари – бу типовой музей предметига киради, улар оптикавий – механик саноатнинг шаклланиш тарихини хужжатлаштиради. 1840 йили француз оптиги Шарль Шевалье томонидан тайёрланган фотоаппарат, энг биринчи фотоаппаратлардан бири бўлиб, у ҳам музейнинг нодир намуналари орасидан жой олган.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг экспозициясидан ҳам Ўзбекистоннинг қуйидаги нодир ёдгорликлари ўрин олган. Фаёзтепадан топилган Будда ва роҳибларларнинг тошдан ишланган хайкали (I-Пасрлар), қадимги Юнон – Бактрия ва Кушон подшоликлари, Қўхна Хоразм, илк ўрта асрларга оид Нахшаб, Бухоро, Чоч, Самарканд тангалари шулар жумласидандир. Улардаги маҳаллий ҳокимларнинг сиймолари, тамгалари ва ёзувлари томошабинни ўзига жалб қилади. Ўзбекистон Давлат санъат музейида ҳам XV – XVIII асрларда ижод қилган Европа санъат усталарининг асарлари; XX аср ўрталаригача яшаб ижод этган рассомларнинг асарлари кабилар ҳам ноёб экспонатлар қаторига киради. Усто Мўмин Николаев, Александр Волков, Чингиз Ахмаровнинг асарлари шулар жумласидандир.

Нодир экспонатларга мемориал предметлар ҳам киради. Атоқли Давлат ва жамоат арбоблари, фан маданият, санъат намоёндаларининг шахсий буюмлари, тарихий воқеалар билан боғлиқ буюмлар ҳам бунга мисол бўла олади. Улар орасида эсдаликларни (табаррук нарса-реликвия) ҳам ажратишади.

Булар юқори даражадаги эноционал таъсирга эга предметлар бўлиб, атоқли инсон ёки воқеа ёдгорлиги сифатида алоҳида қадрланади.

Ўзбекистондаги Мухтор Ашрафий, Ғофур Ғулом уй музейларидан баъзи шахсий буюмлар, Юнус Ражабий уй музейидаги бир неча мусиқа асбобларини ҳам табаррук экспонатлар қаторига киритиш мумкин.

Реликвия, яъни табаррук тушунчаси экспонатга нисбатан доимий қўлланилмайди, чунки жамиятнинг ғоявий ва сиёсий йўналишига қараб уларнинг аҳамияти ҳам ўзгариши мумкин.

Масалан, XX аср бошларидаги инқилобий отрядларнинг байроқлари бугунги кунда “табаррук”лик аҳамиятини йўқотди.

Шундай қилиб, ноёб экспонатлар қаторига бошқалардан фарқли илмий, тарихий, бадий қимматга эга, шунингдек оддий ҳодисаларни акс

эттирсада, ягона нусхада ёки чегараланган хажмда сақланиб қолган предметлар киритилади.

Музей предметлари кўп белгилар бўйича ўзаро боғлиқ: битта тарихий даврга, воқеага, шахсга, муаллифга, манбалар нусхасига тегишлилиги билан уларни умумий мавзу, сюжет, яратилган вақти, турмуш муҳити, материали ва тайёрланиш техникаси бирлаштириш мумкин. Бу каби боғлиқликларни албатта инобатга олиш зарур, чунки алоҳидаги предметга нисбатан, ўзаро бир – бири билан боғлиқ предметлар груҳи кўпроқ маълумот бериши мумкин.

Бир ёки бир неча белгиларининг умумийлиги бўйича боғлиқ ва бир бутун илмий, бадий ёки билишга оид қизиқишни намоён этувчи музей предметларининг мажмуига, музей коллекцияси дейилади. Предметлар коллекцияга турли белгилари - манба турлари, келиб чиқиши, мазмуни бўйича гуруҳланади. Бир турдаги предметлардан ташкил топган, маълум белгилари, таснифи яъни материали, билим соҳалари, амалий фаолияти, региони, этник гуруҳи ва ҳақозолар бўйича гуруҳланган коллекцияга – систематик коллекция дейилади. Бу фарфор, археология, қишлоқ хўжалиги қуруллари, телефон аппаратлари, санъат асарлари коллекциялари бўлиши мумкин.

Музей предметларининг турли типларидан шаклланган коллекция (хужжатлар, фотолар, санъат асарлари, буюмлар), ўзларининг мажмуасида маълум мавзунини очиб беради ва бунга тематик коллекция дейилади. Агар турли типдаги предметлар йиғиндиси маълум шахс ёки тарихий воқеа билан боғлиқ бўлса – мемориал коллекция хисобланади. Маълум бир шахс томонидан яратилган ва музей сақловига келтирилган коллекцияга –хусусий коллекция дейилади.

Музей коллекцияларининг мажмуига эса, музей тўпламлари дейилади. Шунингдек бу трактовканинг янада кенг маъноси ҳам мавжуд. Бунга нафақат илмий ташкиллаштирилган музей тўпламларининг мажмуи, балки илмий ёрдамчи материаллар, шунингдек музейда сақланадиган илмий – ахборот таъминоти воситалари, архив ва кутубхоналари ҳам киради.

Юқоридагилар шунга гувоҳлик берадики, музей фондлари илмий ташкиллаштирилган бўлиши зарур. Биринчидан фондларни илмий ташкил этиш, предметнинг юридик ҳолатини белгилайди, шунингдек конкрет музей учун, фан ва маданият учун аҳамиятини очиб беради. Иккинчидан, фондни илмий ташкил этиш, фондларни шаклланиши, сақланиши, тадқиқ этилиши ва улардан фойдаланиши учун оптимал шароит яратиб беради.

Савол ва топшириқлар

1. Музей фондлари атамасига таъриф беринг
2. Музей фондлари асосини нима ташкил этади
3. Аудиовизуал воситалар нима?
4. Тематик коллекция ҳақида маълумот беринг
5. Коллекция нима?

Музей фондларини илмий ташкил этиш

Режа:

1. Музей фондларини қисмларга ажратиш
2. Музей фондларини илмий ташкил этиш
3. Илмий-фонд ишлари
4. Музей предметларини таснифлаш

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музеи // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Предметларнинг илм ва фанга доир аҳамияти ва юридик мавқеага қараб музей фондлари, музей предметларидан ташкил топган асосий фонд ва илмий ёрдамчи материалларни ўз ичига олувчи илмий ёрдамчи фондларга ажратилади. Табиий- илмий музейларда яна ашёвий материаллар фонди ҳам мавжуд. Унга лаборатория тадқиқотлари ва препаратлаш учун мўлжалланган табиат объектлари қиради. Хайвон терилари, нам экспедицион тўпламлар, узоқ сақловга тайёрланадиган материаллар шулар жумласидандир. Бундай

фондга ажратилишига сабаб, текширув ва препаратлаш жараёнида табиат объектларининг бир қисми ўзининг музей премети ҳусусиятини йўқотилиши мумкин. Объектнинг ушбу фондга киритилиши вақтинчаликдир.

Музей фондларини яна бир неча қисмга ажратиш мумкин. Лекин бу масала кўп мунозарали ҳисобланади. Масалан, баъзи музейшунослар, чегараланган вақтга, экспозиция, кўргазма ёки илмий қайта ишлаш учун бошқа ташкилотлар, музейлар ва шахслардан олинган предметлар вақтинчалик сақлов фондига киритилиши керак деб ҳисоблайдилар.

Албатта, вақтинчалик фойдаланишга олинган материаллар ва музей предметлари, деярли ҳар бир музейда бор. Лекин бунда, улар музейнинг ҳусусий тўпламлари таркибига кирмайди, шунинг учун бир қатор мутахассиларининг фикрича, уларни музей фондининг таркибий элементига киритиш қонунга тўғри келмайди.

Музей фондлари “музей предметлари фонди” ва “илмий – ёрдамчи материаллар” фондига бўлинади. Музей тўпламлари фонд асосини ташкил этиб, унинг базасида музейнинг асосий предметлари сақланади. Музей мухтож бўлмаган қолган музей предметлари алмаштиришга оид фондга киритилади. Ундаги предметлар маданият Вазирлиги рухсатида биноан бошқа музейларга бепул асосда беришга ёки ихтисосликка хос предметлар билан алмаштиришга мўлжалланган.

Гап шундаки, музейларнинг фондлари тарихан шаклланган, кўп музейларнинг мақсад ва ихтисосликка бўлган қарашлари, вақт ўтиши билан ўзгарган. Шунинг учун музей фондларда ихтисосликка оид бўлмаган, ушбу музей учун кераксиз, лекин фан ва маданият учун улкан аҳамиятга эга предметлар ҳам учрайди. Бундан ташқари, музей фондларида буткул бир хил предметлар – дублетлар ҳам бўлади. Бу, олдиндан бирон шахс ёки муассаса томонидан йиғилиб, бир бутунлигича сақланган коллекцияларда учрайди. Мавжуд меъёрий қонунларга асосан, музей тўпламида бир – бирини такрорлайдиган бир неча музей предметлари бўлса, уларнинг бештаси асосий фондга, қолганлари алмаштиришга оид фондга киритилади. Шу тариқа алмаштиришга оид фонд, музей ихтисослигига хос бўлмаган предметлар фонди ва ортиқча дублет материаллари фондига бўлинади. Асосий фонд ичида дублет фонд ва коллекцион фонд шаклланади. Коллекцион фондда ягона нусхада барча музей предметлари ва бир неча нусхадаги предметларинг энг аълоси сақланади.

Намунали (типовой) ва нодир предметлар фан ва маданият учун турли аҳамият касб этганлиги боис, уларни коллекцион фонд таркибидаги дублет фонд, ихтисосликка оид бўлмаган предметлар фонди, ортиқча дублет материаллари фондига ажратиш, мутахассислар томонидан тавсия этилади.

Мемориал музейларда коллекцион фондни мемориал предметлар фонди ва мемориал аҳамиятга эга бўлмаган предметлар фондига ажратиш тавсия этилган.

Бир қатор табиий – илмий музейларнинг фондлари маълум ўзига хосликларга эга. Индивидуал ва бетакрор бўлгани учун, табиат объектлари алмаштиришга оид ёки дублет фондларга ажратилмайди. Баъзи йирик

музейларда асосий фонд, илмий фонд ва экспозицион фондга бўлинади. Шундай бўлиниш асосида, материални турли фиксациялаш услуби ва консервациялаш шакллари ётади. Бу экспозициялаш ва тадқиқ этиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Спирт аралашмалари ёрдамида фиксация қилинган нам препаратлар, тез рангсизланади ва экспозицион кўринишини йўқотади. Лекин организмнинг морфологик ва анотомик ўзига хосликлари тўлиқлигича сақланади, бу эса навбатида тадқиқот ўтказиш учун зарур. Фиксациялашда формалинли аралашмадан фойдаланилган препаратлар жуда сезиларсиз даражада рангсизланади, лекин матоларнинг тузилиши (структураси) ўзгаради. Шунинг учун улар экспозицион кўркамлигини сақлаб қолсада, амалда тўлиқ илмий тадқиқ этиш учун яроқсиз бўлиб қолади.

Предметларнинг асосий ёки илмий ёрдамчи фондларга оид эканлиги, турли хужжатлар орқали расмийлаштирилади. Мамлакатимиздаги барча музейларининг музей предметлари, Ўзбекистон Республикасининг Музей фондини ташкил этади.

Музей предметлари билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Музей фондига алоҳидаги шахслар, жамоат ва диний уюшма ва ташкилотларга қарашли мулкда турган, музей предмети аҳамиятига эга предметлар ҳам киради. Шундай қилиб, ўз таркибига кўра, Музей фондлари давлат ва нодавлат қисмга ажратилади, лекин мулкдорлик шаклидан қатъий назар, унинг таркибига киритилган барча тарих ва маданият ёдгорликлари Ўзбекистон Республикаси халқлари маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар мамлакат чегарасидан четга чиқарилмайди, вақтинчалик олиб чиқиб кетиш эса Ўзбекистоннинг “Маданий меросни олиб чиқиш ва олиб кириш” қонунга биноан бошқарилади.

Музей фондлари таркибига кирувчи предметлар, ўзининг физикавий хусусиятлари, шунингдек ахборотни сақлаш усулига биноан фарқланади, бунга уларни ўрганишда ва сақлашни ташкил этишда асосланилади. Ҳозирги кунда музей предметлари олти турга ёки манбага ажратилади: ашёвий, тасвирий, ёзма, товушли манбалар, шунингдек фото ва кино – манбалар.

Ашёвий (буюмли) манбалар – инсонлар томонидан қилиниб, ўзга хос манфаатдорликка эга буюмлар бўлган музей предметларидир. Бу меҳнат қуролилари, турмуш асбоб – анжомлари, ҳаракатланиш воситалари, қуролилар ва бошқа нарсаларга мўлжалланган предметлар бўлиб, улар хўжалик фаолияти, турмуш тарзи, ижтимоий тузум, эстетик ва диний тасаввурлар ҳақидаги маълумотларни сақлайди. Ашёвий манбада мавжуд ахборот, бевосита предметнинг материал томони унинг шакли, тузилиши, материали, размери, вазни, ранги орқали етказиб берилади.

Тасвирий манбаларга – тасвирий санъат асарлари – рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика кабилар қаради. Бундан ташқари, схематик тасвирлар – чизмалар, лойиҳалар хариталар ҳам киради.

Ёзма манбаларга - ёзув белгилари - ҳарф, рақам ва бошқа тимсоллар орқали қайд қилинган маълумотларга эга музей предметлари киради. Ёзма манбалар жуда хилма – хил; уларга йилномалар, солномалар, хужжатлар,

статистик маълумотлар, адабий ва публицистик асарлар, ноёб китоблар киради.

Овозли манбалар – бу махсус техник воситалари ёрдамида ёзиб кўйилган, инсон нутқи, муסיқа овози каби манбалардан ташкил топган музей предметларидир. Улар атоқли шахсларнинг овозини, ўқувчи нутқининг ўзига хослиги, муסיқачиларнинг ижро моҳорати кабиларни етказиб бериши мумкин. Бунга патефон, грамофон пластинкалари, магнит ленталари, компакт дисклар мисол бўла олади.

Фото - манбалар фотоаппаратура ёрдамида олинган тасвир кўринишдаги ахборотни сақлайдиган музей предметиدير. Буларга фақат фото суратлар эмас, ойна устидаги, плёнкадаги ва бошқа материаллардаги негативлар; қоғоздаги, керамикадаги, металлдаги фотоотпечаткалар; пленка ёки ойна устидаги диопозитивлар мисол бўла олади.

Кино манбалар - динамик тасвир кўринишидаги, техника воситалари орқали ёзиладиган ва намойиш этиладиган музей предметларидир.

Маълум манба турига оид предметлар, кўп ҳолларда бошқа турдаги манбаларнинг элементини сақлайди. Масалан, портретлар ва жанрли тасвирлар вазаларда, идишларда, гиламларда учрайди. Лекин бунда ёдгорликларнинг моддий маданият ёдгорлигига тегишлилиги ўзгармайди, яъни улар ашёвий манбалигича қолади. Тасвирий санъат манбалари элементлари кўпинча китобларда, миниатюралар кўринишда ҳам учрайди.

Фондларда у ёки бу турдаги музей предметларининг ўзаро нисбати музей ихтисослиги ва унинг конкрет спецификасига боғлиқ. Масалан, фан ва техника музейларида машина, аниқ асбоблар, механизмлар каби ашёвий манбалар устуворлик қилади, адабиёт музейларида эса фонд асосини ёзма манбалар ташкил этади. Лекин бунда таъсвирий, манбалар, кино – манбалар, товушли манбалар роли ҳеч қанча пасаймайди.

Фонд таснифларининг навбатдаги бирлиги музей предметлари тури бўлиб, бир ёки бир неча белгиларнинг умумийлиги асосида ажратилади. Улар материал, предметнинг тайёрланиш техникаси ёки алоҳида белгиларининг уйғунлиги бўлиши мумкин. Масалан, буюм манбалар материали бўйича ажратилади – ёғоч, метал, тош, сопол, шиша, матолар, суяк, перламутр, пластмассалар. Материални билдирувчи тушунча тўпловчилик тавсифига эга. Масалан, “металл” тушунчасига – темир, мис, кумуш, олтин; “сопол”- тушунчасига – кўпол сопол, фарфор, фаянс кради.

Буюмли коллекциялар предметларнинг функционал белгиланган мақсади, территориал белгиси, ишлаб чиқилган вақти, муаллифга оидлиги бўйича ҳам бўлиниши мумкин. Коллекция тавсифига кўра бўлиниш тартиби ўзгариши, рубрикаларнинг баъзилари бутунлай тушиб қолиши мумкин.

Тасвирий санъат коллекциалари манбаларни кўп ҳолларда тасвирий санъат асарлари коллекцияси ва схематик тасвирлар коллекциясига бўладилар. Тасвирий санъат асарлари олдин турлари бўйича – рангтасвир, хайкалтарошлик, графика; сўнгра яратилиш вақти, мактаблари, жанрлари, муаллифга оидлиги бўйича бўлинади. Схематик тасвирларнинг бўлиниш

принциплари сифатида территориал белгилар, яратилиш вақти, таёрланиш техникаси, мазмунига эътибор қаратилади.

Ёзма манбалар коллекцияси қўйидаги музей предметлари турларига ажратилади: қўлёзма ва босма, шахсий ва муассаса материаллари, вақтли нашрлар, китоблар, рўзномалар, бланклар. Тарихий ихтисосликдаги музейларда улар тематик ва соҳа принциплари бўйича ҳам бўлинади.

Фото манбалар таёрланиш техникаси бўйича негативлар, позитивлар, дагерротипларга таснифланади; тематик принципи бўйича – фотопортрет, сюжетли фото суратлар ва бошқаларга таснифланади. Лекин, шуни такидлаш жоизки, музейшуносликда фото хужжатларнинг маълум музей манбалари турига оидлиги ҳақида ягона фиклар мавжуд эмас. Бир музейларда улар мустақил гуруҳни ташкил этади, бошқа музейларда улар тасвирий фондга киритилади, учинчи, музейларда – ёзма манбалар билан бирлаштириб, хужжатли фондга киритилади.

Кўриб чиқилган принциплар бўйича вужудга келган коллекциялар билан бир қаторда, экспедициялар томонидан тузилган, бўлинмаслик шарти бўйича коллекционерлардан олинган ёки коллекциялаш намунаси сифатида консервацияланган предметлар музей тўпламларига мустақил тузилишдаги коллекциялар бирлиги сифатида кириши мумкин. Агар музейга бирон шахс доимий кўргазмага бебаҳо бадиий коллекцияларни топширган бўлса, музей унинг бутунлигини ва тўпловчининг номини сақлаб қолади.

Музей фондларининг тузилиши нафақат музей ихтисослиги, балки унинг конкрет спецификаси билан ҳам боғлиқ. Ўз фондларини таснифлаётганда, музей албатта умумий қабул қилинган қоидаларга амал қилиши лозим. Бир хил бўлиниш, доимо бир хил асосда амалга оширилади. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида предметларни материали бўйича ёғочга ва шакли бўйича думалокқа ажратиш мумкин эмас. Хар бир алоҳидаги предметнинг умумий тавсифи, битта тушунча остида бўлиш керак. Масалан, манбаларни тури бўйича бўлишни амалга ошира туриб, қўлёзма китобни миниатюралар билан бир вақтда ёзма ва тасвирий манбаларга киритиб бўлмайди. Тасвирий санъат асарларини турлари бўйича ажратаётганда эса, улардан бирортасини ҳам тушириб қолдирмаслик керак.

Шундай қилиб, фондлари, илмий ташкил этилиши асосида бир неча система ясовчи белгилар ётади – предметларнинг илмий ва маданий аҳамияти, уларнинг юридик қонунлари, улар орқали ахборот фиксация қилиш усули. Фондларни илмий ташкил этиш тартиби билан музей фондлари таркиби ва музей фондлари тузиши каби тушунчалар болиқ. Замонавий музейшунослик адабиётларида мазкур тушунчалнинг мазмуни ва ўзаро нисбатига оид ягона фикрлар йўқ.

Шундай қилиб, музей фондлар қоидаларга асосан, доимий сақловга музейга келтирилган барча материалларнинг мажмуини ташкил қилади. Уларнинг асосида бутун музей фаолияти амалга оширилади. Музейлар ўз олдига қўйган мақсадларни муваффақиятли ечишлари учун, уларнинг фондлари мазмуни музей ихтисослигига мос бўлиши, фондлар илмий ташкил этилган бўлиши лозим, шунингдек ихтисослик фани ва музейшуносликнинг

ривожланиш даражасига қараб узлуксиз ва мақсадга йўналтирилган ҳолда фондларни тўлдириб боришлари керак.

Савол ва топшириқлар

1. Музей фондларини қай тартибда қисмларга ажратилади?
2. Музей фондларини илмий ташкил этиш ҳақида маълумот беринг?
3. Илмий-фонд ишлари қандай юритилади?
4. Атрибуция нима?
5. Каталоглар системаси нималар асосида тузилади

Илмий фонд ишлари. Музей предметларини ўрганиш

Режа:

1. Фондларни рўйхатга олиш, сақлаш омиллари.
2. Предметларни аниқловчи махсус нашрлар.
3. Музей предметларини ўрганишнинг классификация ва системация босқичлари.
4. Музей предметларини ўрганишнинг яқунловчи босқичи интерпритацияси

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музей мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музей мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улческого искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музей мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Фондлар билан музейнинг барча илмий бўлинмалари ишлайди, ва бу иш музей предметларини сақлашга, тадқиқ этишга, улардан фойдаланишга қаратилган. Сақлаш иши, предметнинг яшаш муҳитида аниқлаш босқичидаёқ бошланади ва музей фаолиятининг муҳим йўналишидан бири - фондларни комплектлаш мақсадини ташкил этади. Предметларни танлаш босқичида уларни ўрганиш жараёни бошланади, бундан мақсад, предметнинг музей қимматига эгами, йўқми эканлигини аниқлашдан иборат.

Музейга олинган предметларнинг барчаси, давлат мулки сифатида хужжатлаштирилади. Шу тарзда уларнинг юридик сақлови - фондлар ҳисоби амалга оширилади. Бу иш келгусидаги музей предметларини ўрганиш жараёнида олиб борилади, чунки улар ҳақида хужжатларда қайд этилган фақат илмий маълумотгина қорғок предмет ҳақида нисбий ёзиш ишлари олиб боришга имкон беради.

Предметларнинг физикавий сақлови учун шароит қилиш ва фойдаланувчиларни уларни ёнига киритишни таъминловчи шароитни яратиш - фонд сақловининг вазифасидир. Шунингдек у музей предметларини ўрганишни талаб қилади, чунки бунда предметларнинг умумий ва турли физикавий, кимёвий хусусиятлари очиб берилади, бу эса ўз навбатида сақловнинг алоҳида шароитига муҳтож предметлар гуруҳини аниқлаб, ажратади. Фондлардан фойдаланиш даражаси ҳам уларнинг ўрганилганлик даражаси билан боғлиқ, чунки кенг қамровли қидирув системаси, фақат музей предметларини синчиқлаб, чуқур тадқиқ этгандагина яратилади. “Музей предметларини ўрганиш” тушунчасининг назарий асоси, музейшуносликда ХХ асрнинг II ярмида шакллана бошланди. Музей предметларини ўрганиш фондларни комплектлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланиш ишлари бўйича асос яратади ва музей предметларини ўрганиш мустақил аҳамиятга ҳам эга. У музей фаолиятининг илмий – тадқот йўналишларидан бирини намоён этиб, предметнинг музей қимматини аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Музей предметлари музей қўллайдиган ихтисослик соҳалари услублари ёрдамида ўрганилади: санъат асарлари учун санъатшунослик услубларидан, археологик материаллар учун – археология, табиий – илмий объектлар учун – табиий илмий фанлар услубларидан фойдаланилади. Лекин музейшунослар предметни нафақат билимлар манбаси, балки, маданий қиммати, ҳиссиёт уйғотувчи манба сифатида ҳам ўрганадилар. Шунинг учун предметнинг атрактив хусусиятлари ҳам эътиборга олинади. Музей предметларини ўрганиш учта кетма – кет этаплардан ташкил топади – предметларнинг атрибуцияси (нарсаларнинг ажралмас қисми, хусусияти), тасниф ва систематизацияси, интерпретация (изоҳлаш, шарҳлаш).

Атрибуция, ёки аниқлаш – предметга хос белгиларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди – физикавий хусусиятлари, функциялар аҳамияти, келиб чиқиши ва яшаш муҳити тарихи. Бунинг учун предметнинг материали ва тайёрланиш услуби аниқланади (механик, қўлда, қуйма услублар, зарб қилиш, рангтасвир, гравюра, литография, хат, нашр ва хоказо), ранг шакл, ҳажм, оғирлиги (нузматика ёки загарлик буюмлари бўлса), мослама,

муаллифлик, стилистик хусусиятлар, предметнинг топилган ва яратилган жойи ва вақти, унинг ижтимоий, этик, мемориал жихозлар жумласидандир. Шунингдек, тасвирий, ёзма, товушли, фото ва кино манбаларнинг ҳам мавзуси, сюжети аниқланади. Атрибуция жараёнида ёзувлар, тамғалар, маркалар ва предметга қўйилган бошқа белгилар расшифровка қилиниб, унинг сақланганлик даражаси аниқланади ва ундаги мавжуд лат еган, шикастланган жойлари ёзиб қўйилади.

Музей предметини аниқлаш жараёнида, унга хос барча белгилар солиштирилади. У бошқа ўзига ўхшаш ва бир хилдаги предметлар билан таққосланади. Бу ишда илмий ва сўров адабиётлари катта ёрдам кўрсатади – монографиялар, сўровномалар, каталоглар, йўлқўрсаткичлар шулар жумласидандир. Шунингдек, предметларни аниқлашга ёрдам беришга мўлжалланган махсус нашрлар ҳам мавжуд. Уларда бир – бирига ўхшаш предметларнинг белгилари ажратилган ва ёзилган бўлиб, иллюстрацияга бой нашрдир. Аниқловчи адабиётларнинг бирлари материали бўйича ўхшаш предметларни, бошқалари нимага мўлжалланганлиги ёки келтирилаган муҳити бўйича ўхшаш предметларнинг ўхшаш белгиларини ёзади.

Аниқлаш натижасида предметдан олинган маълумотлар, музей фондларининг ҳисоб ҳужжатлари ва илмий - сўров аппаратида ёзиб қўйилади.

Музей предметларини ўрганишнинг кейинги босқичи – таснифлаш ва систематизациялаш бўлиб, предметларнинг ўзаро боғлиқлигини белгилайди. Таснифлаш музейга керакли предметларнинг бир – бирига алоқадорлик белгилари бўйича гуруҳларга бўлади. У музей томонидан ишлаб чиқилган таснифлаш схемалари бўйича амалга оширилади, ва нафақат музейдаги бор предметларни, балки унда бўлиши лозим бўлганларини ҳам қамраб олади. Шу билан у музей тўпламида мавжуд етишмовчиликларни аниқлайди.

Таснифлашнинг мақсади яна, жиддий белгиларига (умумий тасниф) ёки улардан биттасига кўра (алоҳида тасниф) предметларни гуруҳларга бўлишдан иборат бўлиши мумкин. Танланган принцип билан боғлиқ ҳолда, бу хронологик (предметларнинг яратилган вақти ёки келтирилган жойи) ёки географик (предметларнинг яратилган ва келтирилган жойи), муаллифлик, бировга аталган (битта шахсга тегишли предметларни бирлаштиради), тематик (ихтисослик соҳасининг мавзуларга бўлган алоқасини аниқлайди) ёки предметли (предметларни сюжетига ёки белгиланган мақсадига қараб гуруҳлайди) таснифлаш бўлиши мумкин.

Музей қабул қилган таснифлаш асосида систематизация амалга оширилади. Таснифий схемага оид каталоглар системаси яратилади.

Музей предметларини ўрганишнинг якуний босқичи – уларга танқидий таҳлил бериш ва интерпретация (шарҳлаш, изоҳлаш) қилишдан иборат. Унинг асосида систематизация ва атрибуция натижаларининг синтези ётади. Бунда предметнинг асл нусхалиги, ишончилиги, репрезентативлиги, унда мавжуд ахборотнинг ҳажми, унинг аттрактив, экспрессив ва коммуникатив сифатлари, нодир ёки намунали (типовой) предметларга оидлиги ва ниҳоят – музей қиммати аниқланади. Замонавий

даврга таълуқли музей предметларини ўрганиш ўзининг спецификасига эга. Музей предметлари гувоҳлик берувчи кўп жараёнлар ва ҳодисалар, ихтисослик соҳаси бўйича кам ўрганилган, бу предметларни шарқлашда мураккабликлар келтириб чиқаради. Хозирги давр предметини, тадқиқотчи топилган муҳитида кузатаётганида, баъзи предметларнинг музей аҳамиятини у илғаб ололмаслиги мумкин. Лекин замонавий давр предметларини аниқлашда ижобий томонлари ҳам бор. Уларнинг кўп белгилари махсус тадқиқотни талаб қилмайди, фақат гап материал, таёрлаш техникаси, предметнинг яшаш шароити, келиб чиқишга оид маълумотлар ҳақида кетганда, батафсил ёзишни талаб қилади.

Замонавий даврнинг кўп предметлари ҳақида аниқ маълумот олиш имконияти, янада тафсилый равишда таснифлаш ва систематизацияни ўтказишга имкон беради.

Тадқиқотчи нафақат алоҳидаги предметларни, балки, уларнинг коллекция ташкил этадиган мажмуини ҳам ўрганиши мумкин. Лекин музей коллекциялари ва тўпламларини ўрганиш назарияси ва усулбияти ҳам ишлаб чиқилмаган.

Предметларни ўрганиш, уларни топиб олинган жойидаёқ бошланади, ҳамда музей тўпламига киритиш учун танланаётганда ҳам ўрганилади. Аниқ қимматли тавсифларга эга, реал муҳит предметлари, музей предметларига айланади, ва бу музей томонидан, ўз фаолиятининг асосий турларидан бири бўлган – музей фондларини комплекшлаш натижасида амалга оширилади.

Савол ва топшириқлар

- 1.Фондларни рўйхатга олиш, сақлаш омиллари нималардан иборат
- 2.Предметларни аниқловчи махсус нашрлар хусусида маълумот беринг
- 3.Музей предметларини ўрганишнинг классификация ва системация босқичлари
- 4.Музей предметларини ўрганишнинг яқунловчи босқичи интерпритацияси

Музей фондларини комплектлаш

Режа:

1. Фондларни комплектлаш режалари, уларнинг перспектив ва жорий бўлиши.
2. Комплектлашнинг шакллари: коллекция сотиб олиш; совға тариқасида олиш; алмашинув; мақсадли буюртмалар.
3. Систематик комплектлаш. Тематик комплектлаш. Комплексли комплектлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Музей фондларини комплектлаш – музей фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг моҳияти музей аҳамиятидаги предметларни йиғиш ва аниқлашдан иборат ва мақсади уларни музей предметиға айлантириш ва музей тўпламини тўлдиришдир. Комплектлаш музей ҳаётининг барча босқичларида давом этиб, фондларни илмий лойихалаш дастуриға мос тарзда мунтазам олиб борилади.

Олдинлари комплектлаш фонд ишларининг йўналишларидан бири хисобланар эди. XX асрнинг охириға келиб, комплектлашни – музей фаолиятининг мустақил йўналиши қилиб ажратиш ҳақида тенденциялар мавжуд бўлади.

Фондларни комплектлаш - музей ишининг замонавий амалиёти ва назариясининг жуда мураккаб ва кам ишлаб чиқилган муаммоларидан биридир. XX асрнинг II ярмигача “музей фондларини комплектлаш”

теримини “йиғувчилик иши” термини билан тенглаштириб келинган эди. Кейинчалик йиғувчилик иши – музей фондларини комплектлашнинг таркибий қисми деб юритила бошланди ва комплектлаш дастурини амалга оширишдаги амалий фаолият деб қаралди.

Шудай қилиб “музей фондларини комплектлаш” тушунчаси янги мазмун билан тўлдирилиб, музей тўпламлари билан ишлашнинг янги, концептуал даражасини акс эттира бошлади.

Музей фондларини комплектлашнинг илмий концепцияси, музей илмий концепциясининг таркибий қисми бўлади. У музей ихтисослиги ва унинг музей тармоғидаги ўрнига мос равишда - мақсадлари, йўналишлари, шакллари ва комплектлаш услублари ҳақидаги умумлаштирилган системали тасаввурга эгадир. Унда музей мақсад ва вазифаларига қараб, фондларга материал танлаш мезони аниқланади.

Комплектлашнинг илмий концепциясидан келиб чиқиб, аниқ мақсадларини ҳисобга олган ҳолда фондларни комплектлаш лойихаси тузилади. Бу лойиха 5–10 йилга мўжалланган, шунингдек перспективали ёки жорий, яни бир йиллик бўлиши мумкин. Улар фонд ва экспозицион бўлимлари ишчиларининг режали талабномалари асосида шаклланади. Мазкур талабномалар, ўзаро қўшимча равишда келишилиб, асосий эътибор ва кучлар комплектлашнинг муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларига қаратилади.

Услугига кўра комплектлашнинг уч асосий тури мавжуд – систематик, тематик, комплексли. Систематик комплектлаш, бир хил турдаги музей предметлари билан мунтазам равишда музей коллекцияларини тўлдириб боради, бошқача қилиб айтилганда у систематик коллекцияларнинг шаклланиши ва тўлдириб борилишига қаратилган. Тематик комплектлаш эса, конкрет мавзунини акс эттирувчи, музей аҳамиятига эга ҳар хил типдаги предметларни тўплайди ва аниқлайди. У музей ўрганаётган мавзулар бўйича жараён ва ҳодисаларни хужжатлаштиришга, шунингдек тематик коллекцияларни шакллантириш ва тўлдиришга имкон беради.

Систематик ва тематик комплектлашнинг вазифалари комплексили комплектлашни бирлаштиради, бу асосан унча катта бўлмаган музейларда амалга оширилади.

Музей мутахассислари, фондларни комплектлаш муаммоларини ечишни янада оптимал йўллари излаш мақсадида, доимо музей аҳамиятидаги предметларнинг эгалари ёки эгаси бўлиши мумкин шахс ёки ташкилотлар билан вақтинчалик ёки доимий контакт тиклайдилар. Бунда гап коллекционерлар, рассомлар, фотографлар ва бошқа ижодкорлар, бадиий хунармандчилик буюмлари ва ҳалқ фойдаланиши учун предметларни лойихаловчи ва ишлаб чиқарувчи корхоналар, антиквар ва букинистик магазинлар, коллекция йиғувчи илмий муассасалар (лекин уларни сақламайдиган, масалан, гуманитар ихтисослигидаги илмий институтлар, ОЎЮнинг тарих факультети, археология ва этнография кафедралари) кабилар ҳақида кетди.

Музей фондларини комплектлаш шакллари жуда турли – тумандир. Бу музей сметасига киритилган махсус ҳисоб эвазига сотиб олинган коллекция ёки алоҳида предметлар; ташкилотлар ёки хусусий шахслар томонидан бепул (совға) музейга берилган коллекция ёки предметлар; дублет ва ноихтисослик материалларни, музей тўплами тавсифи ва ихтисослигига мос келадиган предметларга алмашиш; оригинал иш бажартириш учун мақсадли буюртмалар бўлиши мумкин. Музей тўпламини комплектлаш лойихасига биноан, музей аҳамиятидаги предметларни йиғиш учун комплектлаш бўйича махсус командировкалар уюштирилади. Шунингдек, маълум мавзунини ўрганиш ва тўпловчилик ишларини ўтказиш мақсадида, музейлар – археологик, этнографик, тарихий –маиший, табиий-илмий экспедициялар ташкил этадилар. Улар кўп ҳолларда бошқа музейлар ёки илмий муассасалар билан биргаликда ўтказилади.

Комплектлашнинг яна бир тури, воқеа ёки ҳадиса юз бераётган пайт тугаши билан амалга оширилади. Бу аҳамиятли сиёсий воқеалар, объектларнинг очилиш маросими, конгресси ва кенгашлар пайтидаги тўпловчилик иши бўлиши мумкин. Ўзбекистон тарихи Давлат музейида 1966 йилги зилзила асоратлари фототасвирлари, 1998 йилги февраль воқеалари (террорчиларнинг қўпоровчилик ишлари натижасида қўрилган талофатлар) фототасвирлари, мустақиллик даврида эришилган ютуқлар ҳақидаги экспозицион материаллар бунга мисол бўла олади.

Материалларни комплектлашда музей ходимлари турли муаммоларга дуч келадилар. Баъзида – бу алоҳидаги тарихий даврларнинг муҳим ёдгорликларини қидириш муаммоси бўлса, бошқаларида – ҳозирда мавжуд бўлган ва узлуксиз пайдо бўлаётган янги материалларнинг катта қисмидан материал танлаш муаммоси бўлиши мумкин.

Предметларни танлаш системаси, умумий ва хусусий тавсифга эга мезонларнинг мажмуасидан иборат. Умумий мезонлар информативлик, репрезентативлик, аттрактивлик, экспрессивликка оид предмет тавсифларини эътиборга олади. Хусусий мезонлар коллекциянинг конкрет спецификасини, предметнинг тури, кўриниши ва турли – туманлигини манба сифатидаги ўзига хосликларини инобатга олади. Бунда, предметнинг ёши, асл нусхалилиги ва камёблиги муҳим аҳамият касб этади. Бундай тавсифларни аниқлаш учун предмет турларининг тарихини, материалларнинг қўлланилиши тарихини билиш; предметнинг аслигини исботловчи белгилар билан таниш бўлиш лозим: ёзувлар, монограммалар, эмблемалар, фабрика белгилари, тамғалари, муаллиф имзолари, нашрлар, экслибрислар (коллекционерларнинг маркага ўхшайдиган махсус белгиси) шулар жумласидандир. Бу белгилар фонд ишлари жараёнида тўлиқ очиб берилди, лекин танлаш босқичида ҳам уларнинг бирламчи расшифровкаси бўлиши зарур.

Предмет билан ишлашнинг бошланғич босқичида, унинг музейда узок вақт сақланиш имкониятини ҳал қилиш масадида, материални аниқлаш шарт. Музей тўпламларини замонавий давр бўйича комплектлаш ўзига хос мураккабликларга эга, чунки танлаш мезонлари яхши ишлаб чиқилмаган. Бу

муаммони ечиш мақсадида, музей ходимлари, жамият фикрини аниқлаш учун, ижтимоий тадқиқотнинг синалган услубларини қўллайдилар.

Ўз касбининг етук мутахассиси бўлгандагина, музей ходимлари фондларни комплекташ ишларини сифатли олиб боришлари мумкин. Предмет музей аҳамиятига эгами, ёки музей тўплами учун шу предмет керак эканлигини аниқлашда хатоликларга йўл қўймаслик учун коллективли экспертиза ўтказилади. Уни махсус орган – фонд – сотиб олиш комиссияси амалга оширади, унинг таркибига турли ихтисослик мутахассислари, экспозицион ва фонд бўлимлари ишчилари киради. Мазкур орган, нафақат музей аҳамиятига эга предметни сотиб олишга қарор қабул қилибгина қолмай, балки уни асосий ёки илмий – ёрдамчи захирига қўшади, шунингдек фонд ишларининг услубий масалалари билан шуғулланади. Унинг қарори протоколда хужжатлаштирилади ва бош хазиначи қўл қўйиб, музей директори томонидан тасдиқланади. Ушбу хужжат предметнинг музей тўпламига киритилиши ва унинг музей предметига айланишига юридик асос бўлиб хизмат қилади. Баъзи музейларда 2 та – фонд ва сотиб олиш комиссиялари мавжуд.

Фондга келиб тушишидан олдин, музей аҳамиятидаги предметлар узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтади, унинг асосий муҳим босқичлари махсус хужжатларга ёзиб қўйилади. Агар предметлар ташкилот ёки хусусий шахс томонидан берилган бўлса, улар қўшимча, вақтинчалик сақловга қабул қилинади, бу махсус қабул қилиш акт билан хужжатлаштирилади ва предмет эгаси билан музей ходими томонидан имзоланади.

Бир вақтнинг ўзида предмет хақида афсона ёзилади. Унда предметнинг келиб чиқиши, яшаш муҳити, қўлланилиш услуби, шунингдек эгаси хақида маълумот берилади. Сўнгра, предметларни мутахассислар экспертиза қилиб, ёзма хулоса берадилар. Агар предмет ёки коллекция совға қилинган бўлса, қабул қилиб олаётганда, музейда совға шартномаси тузилади, предмет сотиб олиб қабул қилинганда эса, сотиб олиш шартномаси ёзилади. Предметлар алмашишинув натижасида қабул қилинса, алмашинув шартномаси тузилади. Сўнгра предметларни доимий сақловга қабул қилинганлиги хақида акт тузилади ва у музей директори томонидан тасдиқланиб, муҳр босилади. Агар сақловга коллекция қабул қилинса, актга коллекцион рўйхат илова қилиниб, унда ҳар бир предметнинг номи, ташқи кўриниши, қандай материалдан ва техникадан фойдаланилганлиги, хажми, оғирлиги бартафсил ёзилади.

Махсус хужжатлаштириш экспедиция ёки командировкалар давомида ҳам олиб борилади; у иш жараёни ва шаклланаётган коллекция таркибини акс эттиради. Экспедициянинг мақсад ва вазифаларига кўра, дала хужжатлаштирилиши - дала рўйхати, дала кундалиги, фольклор ёдгорликларини, музей қизиқтирган воқеаларнинг қатнашчилари, гувоҳларининг эсдаликлари ва хикояларини ёзиш, предметларнинг афсонаси, негативнинг тартиб рақами кўрсатилган фототасвирлар, тасвирга олинган жой, вақт ва сюжет реестри кабиларни ўз ичига олади.

Экспедициянинг асосий хужжати – дала рўйхати бўлиб, музей аҳамиятига эга предметларни рўйхати ва ҳисоби ёзилади. Унда предметнинг тартиб рақами; топилган куни ва жойи (ёки сотиб олинган); номланиши ва қисқа таърифи; предметларнинг сони (баъзида битта рақам остида бир неча ўхшаш предметлар ёзилади); предметнинг ишланган вақти, техникаси, материали (ишланган вақти аниқ бўлмаса, тахминан ёзилади); уни нимага мўлжалланганлиги, яшаш муҳитида қандай фойдаланилганлиги ва сақланганлиги; ўз муҳитидаги тарихи; кирим манбаси ёки предметнинг эгаси ҳақида маълумот; баҳоси (шу ерда совға қилинганлиги ҳақида ҳам ёзилади); илова ёзилади. Берилган рақамлар остида дала рўйхатига барча дала хизматлари киритилади.

Иккинчи асосий хужжат – дала кундалиги ҳисобланади. Унда хронологик тартибда йиғувчилик ишининг олиб борилиши, воқелик устида кузатув, учрашувлар, дала рўйхати рубрикасидан ташқари доирага кирувчи предметлар ҳақида маълумот, ҳаракатланиш графиги, келгуси тадқиқот ва изланишлар ҳақидаги тахлилий режа қабилар ёзиб борилади.

Экспедициядан музейга қайтгач, йиғилган материалларни дала хужжатлари билан бирга фонд – сотиб олиш комиссияси кўриб чиқади. У коллекцияни бир бутунлигича – қўйилган мавзунинг акс эттирилишининг тўлиқлиги нуқтаи назаридан, ва ҳар бир предметни алоҳида – унинг музей аҳамиятига эга эканлиги нуқтаи назаридан баҳолайди. Фонд комиссияси қарор қабул қилганидан сўнг, предметларнинг бир қисми асосий фондни, қолгани – илмий – ёрдамчи фондни тўлдиради, ва буларнинг ҳаммаси махсус протоколга ёзиб қўйилади. Дала рўйхатининг охириги бетларида, материалларни фонд ходимларига берилганлиги ҳақида факт ҳам ёзиб қўйилади, ва бошқа экспедицион хужжатлар билан биргаликда доимий сақловга топширилади.

Бунда турли типдаги предметлардан ташкил топган тематик экспедиция коллекциялари, турли фонд бўлинмаларига ажратиб юборилади.

Ҳар бир предмет мавжуд музей тўплами таснифи асосида шаклланган, маълум музей коллекцияси таркибида, мутахассислар томонидан ўрганилиб, сақланиши лозим.

Шундай қилиб, фондларни комплекшлаш жараёнини қўйидаги ўзаро боғлиқ босқичларга бўлиш мумкин. Авваламбор, музей фондларини комплекшлашнинг илмий концепцияси ишлаб чиқилади. Унда музейда мавжуд фонднинг мазмуни ва тузилишининг баҳоси; коллекцияларни тўлдириш ёки комплекшлаш тавсифининг йўналишини асослаш; музей олдида турган мақсад вазифаларни ҳисобга олган ҳолда фондларга материал танлаш мезонларини аниқлаш қабилар ёзилади.

Кейин, аниқ мавзулари белгиланган комплекшлаш режаси тузилиб, уларнинг ҳар бири ўзининг объектига, комплекшлаш шакли ва услубига эга бўлади, мутахассисларнинг эксперт сўроқлари ўтказилади. Навбатдаги босқич тўпловчилик ишига тайёргарлик бўлиб, бу жараёнда мавзу бўйича адабиётлар, архив фондлари ўрганилади, бошқа музейларнинг коллекциялари таҳлил қилинади, ихтисослик соҳалари бўйича мутахассислар билан

консультациялар ўтказилади, аниқ мавзу бўйича тўплаш режаси тузилади. Сўнгра тўпловчилик иши бошланади – предметнинг яшаш муҳити ўрганилади, командировка ва экспедиция чоғида ёки комплектлашнинг доимий объектларида музей аҳамиятига эга предметларни тўплаш ва аниқлаш ишлари олиб борилади, муҳим дала хужжати тузилади. Ниҳоят музей аҳамиятидаги предметлар, у билан боғлиқ хужжатлар ва ҳисоботлар билан фонд – сотиб олиш комиссиясига топширилади, комиссия қарорига кўра, улар музей фондига топширилади, яъни доимий сақловга қабул қилинади.

Олдинлари комплектлаш, фонд ишлари структурасида кўриб чиқилар эди; эндиликда, қоидага кўра, музей фаолиятининг мустақил йўналиши сифатида кўриб чиқилади.

Савол ва топшириқлар

1. Фондларни комплектлаш режалари, уларнинг перспектив ва жорий тартиби
2. Комплектлаш бўйича командировкалар, экспедициялар уюштириш қандай аҳамиятга эга.
3. Сотиб олувчи – фонд комиссияси.
4. Музейга янги предмет олинганида: вақтинчалик сақлов, қабул қилиш акти тузиш, предмет афсоллаш, яқунлов далолотномалари қандай тузилади.
5. Совға қилинган предмет хужжатлари: совға қилиш сулҳининг тузилиши; сотиб олинганда олди – сотди сулҳи тузиш далолотномалари

Музей фондларини рўйхатга олиш

Режа:

- 1.Рўйхатга олиш ҳужжатлари. Илк регистрация, инвентаризация.
- 2.Доимий сақловга предметни қабул қилиш акти.
- 3.Музей предметларнинг кирим дафтари.
- 4.Илмий ёрдамчи материалларни рўйхатга олиш китоби.
- 5.Предметни илмий – таҳлилий карточкалари. Инвентарь картотекаси..
- 6.Фондларнинг қайта рўйхатга олинishi. Ҳужжатлар фонди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Музей фондларини ҳисобга олиш, фонд ишларининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг мақсади, музей фондларини, ҳамда музей предметлари ва коллекцияларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар ҳуқуқини юридик сақлашдан иборат. Фондларнинг ҳисоби, узлуксиз давом этувчи жараёнدير, чунки, музей фондлари доимо тўлдириб борилади, предметларнинг ҳаракати ва уларнинг ҳолати назорат қилинади. Музей предметларини ҳисобга олиш, сақлаш ва илмий қайта ишлаш, музей тегишли бўлган вазирликнинг меъёрий ҳужжатлари бўйича бошқарилади.

Музей фондларини ҳисобга олиш жараёнида, ҳисоб ҳужжати тузилади. Унда предметларнинг гуруҳлари ва алоҳидаги предметлар, уларнинг музейга ва бошқа турли фонд бўлинмаларига олинishi тартиби

хақида маълумотлар ёзилади. Кўплаб ҳужжатлар юридик кучга эга бўлиб, регистрация қилиниб умрбод сақланиши лозим. Бу қабул қилим актлари, бериш актлари, кириш китоби, илмий инвентаризация китобларидир.

Музей фондларини давлат хисобига олиш икки босқичдан иборат бўлиб, предметларнинг ўрганилганлик даражасини акс эттиради: музейга келган предметларни бирламчи регистрацияси ва инвентаризация, яъни музей предметларини илмий регистрацияси қилинади. Ушбу ҳужжат уч нусхада тузилиб, бош сақловчи (фонд мудир) фонд – сотиб олиш комиссияси қароригача предметни сақланган шахс ва уларни моддий сақловга қабул қилган шахс томонидан имзоланади. Акт музей директори томонидан тасдиқланиб, музей муҳри босилади.

Қимматбаҳо металллар, тошлар, орден ва медалар, қурол аслаҳалардан иборат предметларни қабул қилиш махсус меъёрий ҳужжатлар орқали амалга оширилади.

Тегишли фонд бўлинмаларига келтиришдан олдин, предметлар бирламчи регистрациядан ўтади, бу билан уларнинг бутунлай музейга тегишлиги мустаҳкамланади. Предметлар музей экспонатларининг кириш китобига ёки илмий – ёрдамчи материаллар хисоб дафтарига киритилади, унинг шакли маълум инструкция бўйича бўлиши керак. Табиий – илмий музейларда ашёвий материаллар – ашёвий материалларнинг хисоб дафтарида регистрация қилинади.

Музейга вақтинчалик сақловга келтирилган предметлар, вақтинчалик фойдаланув кириш китобига ёзилади. Улар акт бўйича қайтарилади ва акт директор буйруғига биноан тузилиб, предметни сақланган фонд бўлинмаси мудир, моддий жавобгарлик сақловига вақтинча қабул қилган шахслар томонидан имзоланади.

Сақлов тартибидаги давлат ҳужжати сифатида кириш китобининг мақсади – предметни маълум рақам остида регистрация қилиб, предметни алмашиб қолишига йўл қўймайдиган ва йўқолиб қолганда, ўғирланганда уни қидиришни осонлаштирадиган қисқа тафсивни беришдан иборат. Кириш китоби бўйича маълум предметга берилган тартиб рақами, бир вақтнинг ўзида музейга қабул қилиш актида, шунингдек, музей шифри билан биргаликда предметнинг ўзига қўйилади. Масалан, ЎзДСМ, КК – 212504. Бир хилдаги предметлар катта ҳажмда бир вақтда келтирилса, коллекцион ёки дала рўйхатига кўра, кириш китобига гуруҳли қилиб ёзишга рухсат этилади. Бундай ҳолда, келтирилган предметларнинг сони, кириш китобининг тартиб рақамларига мувофиқ акс эттирилади ёки каср тартиб рақамларида ёзилади (масалан КК – 1110 – 1220 ёки КК – 1110/1 - 110).

Лекин нодир предметлар доимо алоҳида ёзилади. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган предметларни ҳам гуруҳли қилиб ёзиш таъқиқланади.

Шундай қилиб, хисоб бирлиги ва сақлов бирлиги тушунчаси хисоб ҳужжатларида битта рақам остида регистрация қилинган предметларни, ҳам алоҳидаги музей предмети, ҳам гуруҳли предметлар қилиб белгилаши мумкин.

Музей предметларини кириш китобида регистрация қилиш, дала хужжатлари ва қабул қилиш актида ёзилган барча маълумотларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Предметларни тавсифлаш, бирламчи регистрация вақтигача олинган, унинг атрибуция натижалари асосида қилинади. Кириш китобида предметнинг келтирилиш вақти, манбалари, сақланиши, баҳоси (сотиб олингандаги), кузатувчи хужжатлари ёзиб қўйилади. Актнинг номери, ёзилган вақти кўрсатилади.

Кириш китоби сақлов тартибидаги хужжат сифатида, тўлдиришдан олдин қўйидагича расмийлаштирилади: бетлари рақамланади, дафтарнинг 2 жойдан тешиб қалин ип ўтказилиб бойланади ва унинг устидан қоғоз ёпиштириб ёки сурғуч қўйилиб, музей муҳири босилади. Ичидаги барча ёзувлар аниқ ёзилади, тузатиш киритиш деярли мумкин эмас.

Хатоларни тўғриламасликни иложи бўлмаса, хато ва тўғри ёзилган вариантлар аниқ кўриниб туриши шарт. Кам аҳамиятли тўғриланиш дафтарнинг изоҳ қисмида махсус ёзувда тасдиқланади. Унга директор, бош сақловчи, ҳисоб бўлими мудир, предмет сақловчиси имзо қўяди ва музей муҳири босилади. Кириш китобидаги барча жиддий ўзгартиришлар фақат директор ёки унинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, бош сақловчи, фонд бўлинмаси мудир томонидан имзоланган махсус акт асосида қилинади ва бирламчи ҳисоб учун жавобгар шахс томонидан тасдиқланади. Бирламчи ҳисобнинг юридик хужжатлари пухта сақланади; унга кам доирадаги шахсларга кириш ҳуқуқи берилади. Ушбу хужжатлардаги ахборотларга нафақат музей ходимлари, балки бошқа муассаса тадқиқотчилари ҳам мухтож. Шунинг учун бирламчи ҳисоб босқичида картотекалар системаси яратилади – карточкали, охириги йилларда эса электрон карточкаларига ёзилади. Асосан кириш дафтарининг информатсион функциясини бажарадиган ҳисоб картотекаси зарур. Уни ташкил этувчи карточкалар мазмунан кириш китобидаги ёзувлар билан бир хил ва унинг тартиб рақамлари бўйича жойлаштирилган. Вақтинчалик қабул қилинган предметларга ҳам картотека тузилади ва у кириш манбалари бўйича систематизацияланади.

Кириш китобларида регистрация қилингандан сўнг предметлар моддий – жавобгарлик сақлови акти бўйича фонд бўлинмалари сақловчиларига берилади. Бунда музей предметлари илмий ёрдамчи материаллардан фарқли ўлароқ, ҳисобнинг иккинчи босқичи – инвентаризацияни ўтайди ва асосий фонд предметларини ўрганиш, тавсифлаш ва илмий аниқлашнинг асосий шаклини ўзида намоён этади. У илмий инвентаризация китоби – илмий инвентарлар ёрдамида амалга оширилади. Бўлажак юридик хужжатлар сифатида улар худди кириш китобидагидек расмийлаштирилади. Илмий инвентарьга предметлар фақат бирма – бир, инструкцияда белгиланган шаклга мос тарзда ёзилади. У музей предметининг аниқланиши бўйича мустахассиснинг келгусидаги янада чуқурроқ ишига асосланади. Илмий инвентарьда предметнинг аниқ номланиши, унинг бартафсил тавсифи барча мавжуд тамғалари, монограммалари, имзолари, ёзувларининг рўйхати билан берилади.

Муаллифлик, яшаган ва яратилган вақти, жойи, предметнинг тарихи, унга тааллуқли мақолалар, тайёрланиш техникаси ва материали, хажми ва оғирлиги (қиммат баҳо тош металллар учун), сақланиб қолганлик даражаси ҳақидаги маълумотлар киритилади.

Тегишли графаларда ҳисоб белгилари, эски ҳисоб белгилари (агар бўлса), фотонегативларнинг номерлари, музейга қай йўсинда келтирилганлиги ва манбаси, баҳоси ва бошқалар кўрсатилади.

Музей предметлари инвентаризация чоғида асосий фонд тузилишига кўра систематизацияланади. Шунинг учун бир фонд бўлинмаси ҳар доимгидай, музей предметларининг ундан қабул қилинган таснифларига мос гуруҳлари бўйича бир неча илмий инвентарьларга эга. Масалан, рангасвир, графика, хайкалтарошлик асарларининг тасвирий манбалари бўлинмасида турли китобларга киритилади. Уларнинг ҳар бири ўзининг белгисига эга бўлиб, у китоб ва ундаги инвентаризацияланган предметнинг конкрет фонд бўлинмасига оидлигини аниқлашга ёрдам беради. Тасвирий манбалар бўлинмасига оидлиги Т харфи, рангасвир гуруҳига оидлиги Р харфи билан белгиланиши мумкин. Илмий инвентарьда ёзилган ҳар бир предмет, ўз номерига эга бўлиб, у ҳам кириш китобига, ҳам предметга ёзилади. Шу тарзда, музей предмети 2та номерга эга бўлади: кириш китоб бўйича ва илмий инвентарь бўйича.

Унинг тўлиқ ҳисоб белгиси мисол учун қўйидагича бўлиши мумкин

DCM – KK1452Z

T – P173

Ўзбекистон Давлат Санъат музейи - ДСМ, кириш китоби- КК деб белгиланган.

Ҳисоб белгиси қўяётганда предметнинг ташқи кўринишига шикаст етказмаслик муҳим, шунингдек уни шундай қўйиш керакки, сақловчи ва тадқиқотчига кўринадиган, тўкилиб кетмайдиган, ўчмайдиган бўёқда ёзилиши керак. Масалан, металл предметларга у эмал бўёқда, сопол буюмларда туш ёки мой бўёқда ёзилади.

Агар ҳисоб белгисини предметнинг ўзига қўйиб бўлмаса, этикетка, биркалардан фойдаланилади ва улар предметга осилади, қоқилади ёки тикилади. Комплектни ташкил этувчи предметлар (сервизлар, гарнитур) илмий инвентарьга алоҳида номерлар остида киритилади, уларнинг комплектга оид эканлиги эса тавсифда қайд этилади. Бир муаллиф чизматасвир альбомлари, фототасвирлари, атласлар илмий инвентарьга битта номер остида киритилади. Бунда ҳар бир вароққа каср номер ёзилади.

Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан қилинган предметлар инвентарьларга фақат материалнинг асл нусхалигини ва аниқ оғирлигини тасдиқловчи, заргар экспертизаси акти бўлгандагина ёзилади. Махсус инвентарь китобларида уларнинг қўшимча ҳисоби олиб борилади, шунинг учун бошқа предметлардан фарқи, улар икки эмас, уч номерга эга бўлади.

Ёзма манбалар турли туман архив бошқарув органлари ишлаб чиқарган қоидаларга кўра ҳисобга олинади. Ҳисобга олиш архив фондлари, архив коллекциялари, ҳисоб бирлиги бўйича олиб борилади. Архив

фондларининг рўйхати юридик томондан илмий инвентаризация китобларига тенглаштирилади.

Илмий инвентарьга ёзиш қўшимча тузилган предметнинг илмий рўйхати карточкалари асосида қилинади, уларнинг графалари, инвентарь графаларига мос тушиши лозим. У музей предметини аниқлаш жараёнида тўлдирилади ва унинг барча асосий белгиларини ўрганиш натижаларини ёзади. Тавсифлаш матни илмий инвентарьга киритилгунига қадар фонд бўлималари мудир илмий бўлим директор ўринбосари ёки бош сақловчи томонидан қўшимча текширилиб қайд белгиси қўйилади.

Илмий тавсифлаш жараёнида карточканинг мазмуни тўлдирилиши, аниқлаштирилиши ва хаттоки ўзгартирилиши мумкин. Бунда илмий инвентарьга киритиладиган барча ўзгаришлар, худди кириш китобидаги қоида каби расмийлаштирилади.

Музей предметларининг илмий тавсифи картотекаси асосида инвентарь картотека яратилади, у инвентарь китобларининг информацион функцияларини бажаради ва фондларни илмий катологлашга асос бўлиб хизмат қилади. Предметларни тез топиш учун топографик картотека ва топографик рўйхат тузилади, унда ҳар бир ҳисоб бирлигининг сақланиш жойи ёзилади. Ҳар бир фонд бўлинмасида илмий – ёрдамчи фонд предметларига ҳам катотекалар тузилади.

Музей захилари узулуксиз ҳаракатда бўлади. Чунки предметлар бошқа музей ва муассасаларга алмашинув тартибида доимий фойдаланувга ёки вақтинчалик экспозициялар, кўргазмалар яратишга берилади. Музей ичидаги предметлар янада активроқ жойдан жойга кўчирилади. Улар бошқа бўлимларга экспозицион – кўргазма ишлари учун вақтинчалик фойдаланувга, ўрганишга, таъмирлашга, фотонусхалашга бериб турилади. Музей ичида узок муддатга бериш (бошқа фонд бўлинмаларига, экспозицияга) ички музей акти билан расмийлаштирилади (бериш акти) ва бош сақловчи томонидан имзоланади. Фонд бўлинмаларидан музейнинг бошқа бўлимларига, масалан фотолабораторияга, қисқа муддатга бериладиган предметлар, махсус китобда, қабул қилиб олинган шахс тилхати билан регистрация қилинади.

Музей фондларидаги предметларнинг сони доимо ўзгариб туради: бир предметлар музей тўплами таркибидан чиқади, бошқалари уни тўлдиради. Шунинг учун музей илмий ходимлари ҳар йили музей фондларининг ҳаракати ҳақида йиллик ҳисоботлар тузадилар, унда предметнинг келиши, умумий сони, ички музей ва музейдан ташқаридаги беришлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади. Ҳисоб ҳужжатларидаги контрет рақамлар бўйича, реал предметнинг бор эканлигига ишонч ҳосил қилиш, шунингдек уларнинг сақланишига шикаст етмаганлигини аниқлаш мақсадида фондларни қайта ҳисобга олиш ўтказилади.

Қайта ҳисобга олишни, учта ходимдан кам бўлмаган махсус комиссия амалга ошириб, унда албатта мазкур коллекциянинг сақловчиси қайтнашади. Фонд бўлинмасига бириктирилган ҳар бир предмет, моддий – жавабгарлик сақловига қабул қилиниш акти, илмий инвентаризация ва кириш китобларидаги ёзувлар билан солиштирилади, ўша ёки бошқа

предметларнинг фондда йўқлигини расмийлаштирувчи хужжатларнинг мавжудлиги текширилади. Ишлар якуни бўйича комиссия музей предметларининг жой – жойидалигини ҳисоб хужжатлари билан солиштириш актини тузади ва имзолайди, уни музей директори тасдиқлайди.

Юридик кучга эга муҳим ҳисоб хужжатлари, махсус китоблар ва рўйхатларда регистрация қилинади. Четдан келган шахсларга улар берилмайди, ва музейдан ташқарига чиқарилмайди. Барча актлар, инвентарь китоблар, вақтинчалик ва доимий кириш китоблари, қимматбаҳо материаллардан қилинган буюмларнинг рўйхати ва инвентарь китоблари жавобгар шахслар томонидан ёнмайдиган шкафларда, ёпиқ хонада сақланади, иш вақти тугагач пломбланади.

“Ҳисоб хужжатлари” “термини билан бир қаторда янада кенгрок маъноли” – “фонд хужжатлари” тушунчаси мавжуд. Ҳисобдан ташқари у фондларни физикавий сақлови жараёнида пайдо бўладиган хужжатларни, шунингдек уларнинг таснифланишида ва систематизацияланишида юзага келадиган – таснифий схемалар, каталоглар ва кўрсаткичлар каби хужжатларни ўз ичига олади. Шундай қилиб фонд хужжатлари ҳам фондларининг ўзи ҳақида, ҳам музей предметлари хужжатлаштирадиган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни етказиб беради ва ўз ичига олади. Демак, у информацион системани ўзида ифодалайди. Фонд хужжатларидан ташқари, унга алоҳидаги предметлар ва уларнинг гуруҳи тадқиқотларининг монография ва мақола тарзида ёзилганлари, шунингдек ихтисослик соҳаларида, музей предметлари асосида яратилган тадқиқотлар ҳам киради.

Фонд информацион системасидан предметларни экспозицияга танлашда ва этикетаж тузишда фойдаланилади, у предметларни экскурсия ва маърузаларда шарҳлашда ёрдам беради, музей предметларини ўрганиш жараёнида солиштирма таҳлил олиб боришга имконият яратади. Бундан ташқари у фонд ҳолатини тўлдирилиш йўналиши ва мақсадга мувофиқлигини аниқлашга оид маълумотларни ифодалайди. Фонд информацион системасига нафақат музей ходимлари, балки бошқа муассасалар тадқиқотчилари ва турли мутахассислик намоёнлари мухтождир.

Фонд информацион системасини яратиш – жуда мураккаб ва узлуксиз иш. Охириги ўн йиликларда компьютер технологиялари ёрдамида унинг актив модификацияси бошланди, бу музей хужжатларини таёрлаш жараёнини тубдан ўзгартиради. Электрон информациялар тарқатувчининг мавжудлиги, музей мутахассисларини ҳисоб хужжатларини қоғозга ёзиб расмийлаштиришдан ҳоли этмайди, чунки улар юридик кучга эга. Лекин фонд бўлинмалари фаолиятини автоматизациялаш, сезилари даражада меҳнатни пасайтиради, хатоликларга йўл қўйиш камаяди ва тайёрланаётган хужжатларга ўзгартириш киритишга имконият яратади.

Айниқса, музей тўпламларини каталоглаштиришда, компьютерлаштириш кенг имкониятлар очиб беради. Унинг ёрдамида картотекалар олиб борилиб, предмет ҳақидаги ҳар қанча батафсил

маълумотни киритиш мумкин. У турли белгилари бўйича информация қидиришга ёрдам беради. Масалан, муаллиф, инвентарь номери, яратилиши вақти, тавсифдаги бирон бир сўз ёки гап бўйича маълумот олиши мумкин, сўров бўйича олинadиган маълумотлар матнли ҳам график шаклда бўлиши мумкин.

Савол ва топшириқлар:

- 1.Рўйхатга олиш ҳужжатлари. Илк регистрация, инвентаризация қандай тартибда амалга оширилади?
- 2.Доимий сақловга предметни қабул қилиш акти.
- 3.Музей предметларнинг кирим дафтари.
- 4.Илмий ёрдамчи материалларни рўйхатга олиш китоби.
- 5.Предметни илмий – таҳлилий карточкалари.
- 6.Инвентарь картотекаси..
- 7.Фондларнинг қайта рўйхатга олиниши.
- 8.Ҳужжатлар фонди.

Фондларни сақлаш режими

Режа:

1. Экспозициядаги ва сақловхоналаридаги предметларни сақлаш спецификаси.
2. Фондлани сақлаш бўйича музейларда ички сақлов инструкциялари
3. Ҳарорат – намлик режими; ёруғлик режими; ҳавони ифлосланишдан муҳофазалар; биологик режим; механик зарарланишдан ҳимоялаш; ёнғин, сув тошқини, ўғрилиқ каби экстремал вазиятларни олдини олиш чора тадбирлари.
4. Табиий офат юз берганда биринчи бўлиб музейдан олиб чиқилиши керак бўлган предметларни олдиндан рўйхатга олиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улческого искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Музей фондларининг мақсади, музей бойликларини сақланишини таъминланиш, уларни емиришлиш, шикастланиш, ўғирланишидан химоя қилиш, шунингдек коллекцияни кўсатиш ва ўрганиш учун қулай шароит яратишдан иборат.

Фондларни сақлаш ишлари фонд сақлов хоналарида, экспозицияда, предметнинг музей ичида ва ташқарисида харакатланиши даврида амалга оширилади. Фондларни сақлашни ташкил этиш ҳақидаги принципиал қонунлар, умумдавлат меъёрлари бўйича аниқланади ва бунга барча

музейлар амал қилиши керак. Лекин ҳар бир музей фонди ўзининг спецификасига эга; у фондларнинг структураси ва таркибида, предметларнинг сони ва уларнинг сақланганлик даражасида, музей биноси ва фонд хоналарининг қурилишидаги ўзига хосликларда намоён бўлади. Шунинг учун асосий меъёрий ҳужжатларга қўшимча тарзда музейларда ички фойдаланув учун фондларни сақлаш бўйича инструкция ишлаб чиқилади. Музейлардаги асосий муаммолардан бири, турли хил тарихий ва маданий ёдгорликларни ўз ҳолича сақлаб қолишдан иборатдир. Замонавий музейшуносликда “Сақлаш” деганда, экспонатларнинг узоқ вақт сақланиши учун шароит яратиш бериш тушунилади. Бунга экспонатларнинг физикавий, кимёвий ва технологик ҳусусиятларидан келиб чиқиб амалга қилинади. Шунингдек музей биносининг қурилиши, мослаштирилиш даражаси ҳам предметларни сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Предметларда доимий равишда эскириш жараёни кузатилиши табиий ва уни тўхтатиб бўлмайди, фақат бу жараённи секинлаштириш ва минимумга тушириш мумкин ҳалос. Предметларнинг сақлаш шароитини таъминлаш, фонд сақловчилари ва таъмирловчилар зиммасига юкланади, яъни улар шароит яратишга жавобгар шахс ҳисобланадилар.

Сақлаш жараёнида асосий ўринни иқлим эгаллайди – бу ҳарорат, намлик ёритиш ва тозалик уйғунлигидир.

Ҳарорат – намлик тартибининг беқарорлиги, турли фаслларга кескин ўзгариб туриши предметларнинг эскириш жараёнини тезлаштирувчи асосий омиллардан биридир. Ҳарорат ва намлик даражасининг предметга таъсир кучи ва тавсифи, кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, предмет тайёрланган материал, унинг тузилиши, музей келтирилгунга қадар турган муҳити шулар жумласидандир. Масалан, қалайдан қилинган буюмлар + 13⁰С дан паст ҳароратда емирилади. Предмет ўзининг структурасини ўзгартиради, унда олдинга кулранг доғлар, кейин бўшлиқлар пайдо бўлиб, зарарланган жойлари кукунга ўхшаб тўкила бошлайди. Ҳарорат +25⁰С дан юқори бўлса, мумдан қилинган ва пластмасс буюмлар зарарланади.

Чарм, ёғоч, газлама, қоғоз ва бошқа органик гигроскопик материаллардан қилинган буюмлар ҳам юқори, ҳам паст намликдан талофат кўради. Юқори намликда бу материаллар осонликча шишади, толалари орасидаги зичлик бузилади ва предмет деформацияланади (яъни ўз шаклини йўқотади). Масалан, хаддан ташқари намлик кўп бўлса, пергамент қайишади, натижада унинг устидаги қадимий қўлёзмаларнинг нозик бўёқ қатлами тўкила бошлайди. Юқори намлик моғор пайдо бўлишига олиб келади, бу эса органик материалларни йўқ қилади, хаддан зиёд қуруқ ҳаво эса уларнинг кўпларини мўрт қилади, предметга сал тегилса ҳам бузилиб кетиши мумкин. Айниқса, ҳароратнинг кескин ошиб ёки пасайиб кетиши, рангасвир, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўйморлиги, шунингдек турли кенгайиш коэффициентига эга материаллардан яратилган (масалан, ёғочнинг ҳар хил туридан инкрустация қилиб ишланган мебель) предметлар учун жуда ҳавфли.

Намликнинг кескин ўзгариши ҳам зарарли. Ҳар бир ўзгариш юз берганда материалнинг тез таъсирланувчи юза қатлами, ички қатламга

нисбатан деформацияланади. Агар намликнинг ўзгариши тез-тез такрорланса, ёрилишлар ва бузилишлар пайдо бўлади.

Ҳарорат ва намлик предметга бир-бири билан боғлиқ таъсир кўрсатади. Нам тортиш хусусиятига эга материаллар учун, паст намлик, ҳарорат юқори бўлса, жуда ҳафвли. Юқори намликда паст ҳарорат ҳам предметларга салбий таъсир кўрсатади. Масалан, фаянс ёки кошнинг тешиқларига йиғилган намлик музлаб қолса, предметга жиддий шикаст етказиши мумкин. Ҳароратнинг ўзгариши, намликнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун “ҳарорат-намлик тартиби” тушунчаси пайдо бўлган.

Ҳарорат-намлик тартибининг ўзгарувчанлиги асосан органик материалларни емиради, органик эмас материаллардан биринчи бўлиб, археологик предметлар емирилади.

Музейга келтирилган предметларнинг ҳарорат-намлик тартибини аниқлаш учун, унинг олдинлари қандай шароитларда сақланганлигини билиш зарур. Масалан, ер ости сувлари таъсирида бўлган археологик шиша буюмга пасайтирилган намлик зарур, нам ердан қазиб олинган археологик ёғоч буюмни эса жуда кучли намликда сақлаш лозим.

Ҳарорат-намлик тартибининг энг қулай параметрлари мутахассислар томонидан ўрганилади. Турли музей предметлари бир хил бўлмаган шароитларни, сақлаш мосламаларини талаб этади. Ҳарорат-намлик тартибининг нисбий унверсал кўрсаткичи, ҳарорат $18 + 1^{\circ}\text{C}$ ва намлик $55\% + 5\%$ ҳисобланади. Ёруғлик салбий таъсир қиладиган материалларни, ёруғликдан ҳимоя қиладиган фонд мосламасида сақлаш лозим. Улар билан ишлаганда ёруғлик 50-75 люксдан ошмаслиги керак.

Фонд сақловхоналари ва экспозициядаги ҳавони ифлосланишига қарши кураш, шунингдек ҳарорат-намлик тартибининг зарур параметрларини сақлаб туриш учун ҳавони чангсизлаштирадиган, тозалайдиган, ҳароратни, намликни меъёрида ушлаб турадиган замонавий ускуналардан фойдаланилади. Сақловхоналарда, эскпозицион ва кўргазма залларида ҳарорат-намлик тартибини назорат қилиш психометр, гигрометр, термометр ёки ўзи ёзувчи ускуналар-гигрограф ва термографлар ёрдамида амалга оширилади. Ускуналарнинг кўрсатмалари албатта махсус журналга ёзиб борилади. Ҳарорат ва намлик кўрсаткичлари суткасига 2 марта махсус дафтарчага регистрация қилинади.

Предметларнинг табиий эскиришини олдини олиш учун, ёруғлик тартибига ҳам риоя қилиш зарур. Гап шундаки, ёруғлик таъсирида, айниқса, ультрабинафша нурлари остида, предметлар билан фотохимёвий ўзгаришлар содир бўлиши: улар сарғайиши, қорайиши, оқариши ёки бутунлай рангсизланиши мумкин. Айниқса, табиий ёруғлик таъсири кучли емирувчилик хусусиятига эга, сунъий ёруғликлар манбаларидан люминесцент лампалари кўпроқ ҳафвли ҳисобланади. Ёруғлик туфайли рўй берадиган физикавий ўзгаришлар, - материал структурасининг емирилишида, мустаҳкамлигини йўқотишида, қисқариб (ёки кичрайиб) қолишида намоён бўлади. Улар ҳам табиий, ҳам сунъий ёриткичларда мавжуд инфрақизил нурларининг таъсири остида юз беради: буни кўпроқ чўғланма лампалар

тарқатади. Ёруғлик таъсирида бўладиган зарарланиш, нурнинг итенсивлиги ва унинг қанча давом этишига боғлиқ. Ёруғлик даражасининг ўлчов бирлиги – люкс (лк) дейилади. Ёруғликнинг ўзгаришига кўз тез мослашиши сабабли, унинг даражасини махсус мосламасиз аниқлаб бўлмайди, шунинг учун люксметр деган асбоб билан ўлчанади.

Ёруғлик тартиби предметнинг материали, ранги ва сақланганлик даражасига қараб ўрнатилади. Графика, китоблар, қўлёзма материаллари, фотосуратлар, газламалар, бўялган чарм, флора ва фауна намуналари сақланадиган хонага 50-75 люкс атрофида ёруғлик бериш тавсия этилади. Рангтасвир (мойбўёқ, темпера) лак, ёғоч, бўялмаган чарм ва суяк ёруғликка ўртача чидамли бўлиб, улар учун 150 люксдан ошмайдиган ёруғлик тавсия қилинади. Ёруғликка юқори чидамли предметлардан – металл, рангсиз шиша ва тош, сопол, гипс кабиларни фақат тўғри тушадиган қуёш нурларидан сақлаш лозим. Ёруғликка ўртача чидамли предметларнинг ёруғлик тартиби бир хил эмас: ёруғликсиз суяк ва оқ жун сарғаяди, рангтасвир тонировкаси, устки қатлами қораяди, ҳар хил дарахтлар –ёнғоқ, қизил дарахт, эмандан қилинган предметлар ёруғликда куйиши мумкин, шунинг учун устига чехол ёпилади.

Ёруғлик манбалари кучли салбий таъсир кўрсатувчи предметларнинг фақат кўчирма нусхаси (копия) экспозицияга қўйилади. Асл нусхалари эса вақтинчалик кўрғазмаларда намойиш этиб турилади.

Музей предметларини юқори сақлов тартиби билан таъминлаш учун уларни ҳаво ифлосланишидан ҳимоя қилиш зарур, чунки бу предметларнинг емирилиши ва эскириш жараёнларини келтириб чиқаради. Сероводород (водород сульфид), олтингугуртли газ, аммиак, хлор, чанг, қурум шулар жумласидандир.

Сероводород саноат ишлаб чиқариши ва чириш жараёнлари натижасида пайдо бўлади. Резина ёки казеинли бўёқлардан фойдаланиб яратилган музей жиҳозлари ҳам унинг манбаси бўлиши мумкин. Бу материаллар эскирганда ўзидан сероводород ажратиб чиқаради.

Аммиак ҳам чириш натижасида пайдо бўлиб, айниқса қумуш, бўёқ, лакка салбий таъсир кўрсатади. Хлор, кўп материаллар учун ҳавfli бўлиб, ҳавога хлордан технологик жараёнларда фойдаланаётганда чиқади, масалан, текстиль ва қоғоз ишлаб чиқаришда. Намлик билан қўшилганда у хлорид кислота ҳосил қилади. Олтингугуртли газ – ёниш жараёнининг натижасидир. Намлик билан қўшилиб аввалига олтингугуртли, сўнг сульфат кислота ҳосил қилади, шунинг учун материалларнинг кўпчилиги учун ҳавлидир. У газламаларни, рангтасвир, чарм, қоғоз, гипс, дур, мрамор, бронза, қалай кабиларни кучли емирилишига олиб келади.

Чанг ва қурум сув шимадиган материалларнинг тешиқларига кириб, предметдаги намликни ушлаб туради, кимёвий жараёнларни кучайтиради, рангтасвир асарларининг бўёқли қатламига қалин қирланиш беради. Чанг-биологик зараркунандалар учун яхши муҳит яратиб беради.

Музей коллекцияларини ҳаво ифлословчиларидан ҳимоя қилишнинг асосий усули-заҳира хоналарни ҳаво қирмайдиган-чикмайдиган, яъни

герметик қилиб ёпиб, кондиционерлардан, ҳавони филтрлайдиган мосламалардан фойдаланиб, предметларни эса доимо алоҳида қилиб чехолларга, футлярларга, папкаларга солиб қўйиш керак. Музей экспозицион майдонларини, хоналарини, техник мосламаларни тез-тез тозалаб туриш ҳам зарур.

Предметларни микроорганизмлар, ҳашоратлар ва кемирувчилар ҳам шикастлантириши мумкин, шунинг учун биологик тартибга ҳам риоя қилиш зарур. Ҳарорат намлик тартибининг бузилиши, чанг, озиқ-овқат омборхоналарининг музей биносига яқин жойлашган бўлиши, қайта ишлов берилмасдан қабул қилинган, зарарланган предметлар-биологик зараркунандаларнинг кўпайишига олиб келади.

Микроорганизмлар – бактериялар ва моғор кўп турдаги предметларни емиради. Биринчи бўлиб органик материаллардан қилинган, яъни рангтасвир, қоғоз, газлама, суяк, ёғоч предметлар зарарланади. Моғорнинг барча турлари кетгазиш қийин бўлган доғ ҳосил қилади, баъзилари эса толаларни емиради. Айниқса, намлик 70%, ҳарорат +20⁰С бўлса моғорлаш жараёни тезлашади. Моғор замбуруғларини юктириш, замбуруғ бўлаклари ва ҳаво орқали ўтадиган споралар ёки зарарланган предметлар билан алоқада бўлганда содир бўлади. Шунинг учун моғорлаган предмет алоҳида сақланади. Моғорлашни олдини олиш мақсадида музей ускуналари вақти-вақти билан формальдегиднинг 2% спиртли аралашмаси билан артиб турилади.

Металл, шиша ва керамика буюмларидан бошқа музей предметлари учун, ҳашоратлар яъни турли кўнғизлар, қуялар, сувараклар, пашшалар ўта ҳавфлидир. Улар музейга ойналардан, эшиклардан ёки музейга келтирилган предметлар орқали киради. Уларни йўқ қилиш учун суюқ инсектицидлардан фойдаланилади. Ҳар бир музейда предметларни зарарланганлигини текширадиган махсус хона ва зарарсизлантирадиган махсус камера бўлиши керак.

Биологик зараркунандаларни йўқ қилиш учун музейларда ишлатиш учун рухсат этилган воситалардан фойдаланилади. Ҳашоратларни йўқ қилишда эса албатта таъмирловчи қатнашади. Сичқон ва каламушлар ҳам музей предметлари учун ҳавфли бўлиб, улардан сақлаш чора-тадбирлари кўрилади.

Музей предметларини сақлашда консервация ва таъмирлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Консервация - бу предметларнинг табиий эскириши жараёнларини секинлаштириш учун зарур сақлаш тартибини яратадиган ва энди бошланган емирувчилик жараёнларини турли кимёвий ва физикавий воситалар ёрдамида тўсиб, сўнгра предметларни мустаҳкамлайдиган усулдир. Буни фақат махсус тайёргарликка эга мутахассис-таъмирловчи амалга оширади.

Музей предметлари турли сабабларга кўра ўзининг олдинги қиёфасини йўқотиши, синиши, лат етиши, йиртилиши мумкин. Уларни асл ҳолига келтириш учун таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Сақловчилар ва таъмирловчилар доимо музей тўпламларини текшириб, улар орасидан консервация ва реставрацияга мухтожларини йиғиб

оладилар. Кўрик натижалари махсус рўйхатга киритилиб, предметнинг сақланиш ҳолати ёзиб борилади.

Консервация ва таъмирлаш жуда мураккаб ва жавобгарлиги катта иш ҳисобланади. Шунинг учун бу ишни олиб бориш услуб ва воситаларини махсус комиссия ва таъмирлов кенгаши ҳал қилади. Уларнинг хулосаси, предмет билан амалда ишлашнинг натижалари махсус хужжатга ёзилади. Бу маълумот, йиллар давомида ундан олдин йиғилганлари билан биргаликда, таъмирлаш услубини мукаммаллаштиришга ёрдам беради.

Савол ва топшириқлар

- 1.Экспозициядаги ва сақловхоналаридаги предметларни сақлаш спецификаси нималардан иборат?**
- 2.Фондлани сақлаш бўйича музейларда ички сақлов инструкциялари тартиби қандай?**
- 3.Ҳарорат – намлик режими; ёруғлик режими; ҳавони ифлосланишдан муҳофазалар; биологик режим; механик зарарланишдан ҳимоялаш; ёнғин, сув тошқини, ўғрилиқ каби экстремал вазиятларни олдини олиш чора тадбирлари хусусида маълумот беринг.**
- 4.Табиий офат юз берганда биринчи бўлиб музейдан олиб чиқилиши керак бўлган предметларни олдиндан рўйхатга олиш ишлари қандай тартибда амалга оширилади?**

Консервация ва реставрация вазифалари

Режа:

1. Консервация ҳақида тушунча.
2. Консервация қилиш зарур бўлган предметлар.
3. Консервация ва реставрациянинг бир – биридан фарқи ва музей ишидаги аҳамиятли жиҳатлари

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Музей фаолияти музей фондлари орқали амалга оширилади. Музей функциясининг бажарилиши муваффақиятли бўлиши, музей кадрларининг билим манбалари ва эмоционал ва маданий кадриятларни яхши билишга ва ташкил этишга боғлиқ, яъни музей предметларининг ўзига хослиги ва уларнинг тарихий жараёнларни акс эттиришини тўғри тушуна олиш ва ташкиллаштира олишга боғлиқ. Музей фондларини сақлаш, тадқиқ этиш ва илмий, тарбиявий ишларда улардан тўғри фойдаланиш керак бўлади. Фондлар орқали ўтмиш, бугун ва келажакни боғлаш мумкин.

Фонд ишларида бошқа йирик давлатларда бўлгани каби тарихийлик, илмийлик услубиятлари асосий ўринни эгаллайди. Тарихийлик принципи орқали музей ашёлари жамиятнинг тарихий ривожланишининг жонсиз гувоҳи ва натижаси сифатида ўрганилади.

Тарих йўналишидаги музейлар фондларига музей ашёлари, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ҳужжатлари, ички ва ташқи сиёсат, маданият тарихига оид материаллар киради.

Музей фондлари архив ва кутубхона фондларидан фарқ қилиб тарихий жараёнларни комплекс ҳужжатлаштиради.

Музей фондлари — давлат мулкидир. Ҳар бир музейнинг фондларини юридик ҳимоялаш зарур. Бундан мақсад:

— (Ашё) экспонатларни тегишли музейга қатъий жойлаштириш ва буни қонуна кафолатлаш;

— музей фондидаги экспонатларнинг юридик ҳолатини расмийлаштириш;

— экспонатларни тегишли илмий ходимларга бириктириш, чунки улар экспонатларнинг сақланиш даражасига жавоб беради;

— музей фондига берилмай, вақтинчалик сақланаётган ашёларни расмийлаштириш;

— музей экспозициясида қўйилган экспонатлар рўйхатини, яъни сақлаш калитини тузиш;

— экспонатларнинг даставвал ва ҳозир сақланиш даражасини аниқлаш;

— экспонатларнинг сақланиш жойлари тўғрисида, уларни топиш ва тезда маълумот олиш имкониятини яратиш;

— норматив ҳужжатларга мувофиқ музей фондларидан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Ўзбекистон музейларида асосий юридик ҳужжатлар қабул қилиш (КП), топшириш, кириш ва илмий инвентарь китобларидир. Юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар рўйхатга олинад ва доимий сақлашга берилади.

Фондларни ҳужжатлаштиришда асосан уларни классификациялаш ва тизимга солиш назарда тутилади. Фондни ҳужжатлаштириш тизими қанчалик илмий ва мустаҳкам бўлса иш шунча яхши ташкил этилган ва қулай бўлади.

Фонд ҳужжатлаштирилиши бир пайтнинг ўзида инфор­мацион тизим ҳамдир. Алоҳида ва гуруҳли музей ашёларини тадқиқ қилиш ва уларни мақола ва монография тарзида чоп этиш муҳим масаладир. Музей инфор­мацион тизими фонд ишини режалаштириш ва ривожлантиришда танлаш, кўргазмалар ташкил этишда катта аҳамиятга эга.

Фонд инфор­мацион тизими ҳар бир мутахассисга ҳам керак бўлиши мумкин. Археолог, санъатшунос, медик, рассом, меъмор, ёзувчи, режиссёр ва бошқалар.

Фонд инфор­мацион тизимини ташкил этиш энг оғир масалалардан бири бўлиб, буни ҳозирги кун талабларига жавоб бера олиши учун компьютер орқали автоматлаштириш керак.

Музей фондларини комплектлаш музей фаолиятининг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Бу иш бутун музей иш фаолияти жараёнида давом этади. Замонавий музейшуносликда фондларни комплектлашга музейнинг функцияси бўлган социал ахборотларни тўплаш, жамият тараққиётини ҳужжатлаштиришнинг усули сифатида қаралади. Бу амал қилаётган социал муҳитдан турли даврга оид ва турли мақсадларга қаратилган предметларни танлаб ва ажратиб, уларни музей предмети сифатида музей тўпламига киритиш йўли билан олиб борилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейлари тўхтовсиз давом этган йиғув фаолияти туфайли тасвирий, амалий, нумизматик, ҳарбий-тарихий, этнографик, бадиий характерга эга бўлган катта миқдордаги асл музей ашёлари тўпланади. Йиғилган музей материалларидан фонdda фойдаланиш учун даставвал уларни музей ходимларининг ўзлари ўрганиб чиқишлари керак, чунки ҳар бир экспонатнинг ҳақиқийлиги ва илмий манба сифатидаги аҳамиятини белгиловчи аниқ илмий паспорти бўлиши лозим.

Барча мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам музей фондларини тўлдириш ва уларнинг илмий бўлишига катта эътибор берилади.

Музей фондларини тўлдиришнинг хусусиятлари унинг режали ва мақсад сари йўналтирилган бўлишида кўринади. Илмий экспедициялар ташкил қилиш табиат ва турмушни режали илмий текширишнинг ягона йўлидир. Экспедициялар тўхтовсиз равишда янги материаллар топиб турмаса, музейларнинг илмий фаолиятини зарур даражага кўтариш қийин. Кам ўрганилган вилоятларда иш юритадиган ва малакали илмий мутахассисларга эга бўлган экспедициялар айниқса яхши самарага эришадилар. Бундай экспедицияларни ўтказишдан аввал музей фондларидаги материаллар билан батафсил танишилиб, адабиётлар ўрганилади, бошқа муассасалар билан зарур координациялар амалга оширилади. Экспедициялар институт ва музей ходимларининг биргаликда иштирок этиши учун зарур кўникмаларни ривожлантиради, экспонатларни пухта танлаш ва уларга илмий ёндошишни ўргатади, ўзаро ҳамкорлик тажрибасини ҳосил қилади.

Экспедиция — йиғув иши музей томонидан бир неча йилга мўлжаллаб олдиндан пухта режалаштирилади. Бундай иш режалари экспозиция вазифалари, илмий тадқиқот ва энг аввало фондлар аҳволини ҳисобга олиш билан узвий боғлиқ ҳолда тузилади. Ҳар бир экспедиция

олдидан у бажариши лозим бўлган ишларнинг илмий режасини акс эттирувчи йиғув рўйхат-жадвалини тузилади. Этнография коллекцияларини комплектлашда ҳар бир экспонат рўйхатдан ўтказилиб текшириляётган халқ ёки элат тарихи ҳамда турмуш тарзи билан узвий боғлиқ ҳолда, муайян вазиятда ўрганилади. Ҳар бир материални катъий илмий асосда танлаш йиғув-тўплов ишининг мажбурий шартидир.

Дала шароитида экапонат ҳақида: предмет ва унинг айрим қисмлари номлари (тайёрлаган одам тилидаги маҳаллий номи), нима учун тайёрланганлиги ва фойдаланганлиги, тайёрланган вақти сингари барча маълумотлар тўпланади. Демак, дала шароитида коллекция тўплаш илмий-тадқиқот ишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Дала шароитида йиғув ишининг асосий шакли бевосита кузатиш, ахборот берувчилар билан суҳбатлар ўтказиш ва материални экспедицион лавҳа, кундалик фотосурат сифатида рўйхатга олишдан иборат. Ахборот берувчи ёки унинг жойлардаги ёрдамчилари томонидан тўлдирилган анкетадан ёрдамчи усул сифатида фойдаланилади.

Музей коллекцияларни тўплаш — илмий изланиш самарасидир. Буюмни фондга топшириш учун инвентарь китобига ёзиш керак. Аммо олдин унинг нималигини аниқлаш мазмунини билиш, ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиш, унга тўлиқ ном бериш лозим. Музей фондларида шундай буюмлар борки, уларни аниқлаш ва ўрганиш учун йиллаб вақт сарфланади.

Навбатдаги босқич — илмий паспортларни тўлдиришдир. Бунда буюмлар ҳақидаги маълумотлар кенгайтирилиб, тарихий шарҳлар берилади. Намуна учун бир неча илмий паспортни келтирамиз.

Музей предметлари ҳақида дастлабки музеографик ёзувларда алоҳида айтиб ўтилган. И.Д.Майор (XVII аср) музей предметларини ўтмишнинг реал, ҳақиқий, буюк ашёлари деб ҳисоблаганди. XIX асрда фанларнинг ихтисослашуви натижасида музей предметларига турли фанлар, санъат асарлари, қадимги, табиий препаратларнинг манбалари сифатида, яъни коллекцион предмет сифатида қаралган.

Музей ашёларига илмий-маълумотнома аппаратини шифри ва музей ишининг муҳим таркибий қисмидир. Ашёлардан имкон қадар самарали фойдаланиш учун улар ўрганилиб, таҳлил қилиниб ҳужжатларнинг таркиби, мазмуни, манзили тўғрисидаги маълумотлар қисқа умумлашган шаклга келтирилади³.

Ҳар бир музейда ашёларни каталоглаштириш ишлари амалга оширилади. Каталоглар тузиш схемаларини ишлаб чиқиш, ҳужжатларни топиш, танлаб олиш, баён қилиш, шунингдек каталоглар турларини, уларни тузиш усулларини аниқлаш каталоглаштириш предметини ташкил этади.

Картотекалар эса ҳар бир бўлимга тегишли бўлган экспонат ҳақида маълумотлар ёзилган ва тартибга солинган карточкалар йиғиндиси бўлиб, улар ўзига хос маълумотномачи вазифасини ўтайди.

Картотекалар қуйидаги турларга бўлинади:

а/ **Инвентарь картотека.** Фондларга тушадиган барча ашёлар инвентарь карточкаларга ёзилиб, музей материалларининг инвентаризация системасига мувофиқ ва ашёлар дастлаб музейга келтирилганида уларга қўйилган инвентарь тартиб рақамлари бўйича картотекаларга (кутиларга) жойлаштирилади. Бу картотека музей ашёсини маълум коллекциялардан топиб олишга имкон беради.

Инвентарь карточкасида:

1. Ашёнинг дастлабки ҳисобга олиш дафтаридagi ва илмий инвентардаги номери;
2. Экспонатнинг номи ва унинг тавсифи;
3. Ҳажми;
4. Қаердан ва қачон келтирилганлиги;
5. Сақланадиган жойи ёзилади.

б/ **Мунтазам картотека.** Бунда музей ашёларига мувофиқ тегишли маълумотлар ёзилади. Ўар бир бўлимнинг карточкалари картотекаларга ашёлар номи билан алфавит тартибида жойлаштирилади.

в/ **Топографик картотека.** Бу картотека экспонатларни қўриқлаш учун тузилади ҳамда бу экспонатлар сақланадиган хонанинг ёки экспозициянинг бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиши тўқрисида дарҳол тегишли маълумот олишга ёрдам беради беради. Бу картотека барча музей ашёларининг шу пайтда қайси жойда — фонддами, экспозиция залларидами ёки заллардаги витриналардами, шкафта туришини айтиб беради. Экспонатни вақтинча бошқа музейга фойдаланиш учун берилганлиги ҳам шу карточкага ёзилади:

1. Экспонат номи;
2. Экспонатнинг қисқача тавсифи;
3. Экспонатнинг ҳисобга олиш дафтаридagi тартиб рақами;
4. Сақланадиган жойи (фонд, экспозиция бўлимида, шкаф, стеллаж, токча). Агар экспонат бошқа мезейга берилган бўлса, ўша музейнинг номи, экспонатни бериш тўқрисидаги расмийлаштирилган ҳужжатларнинг рақамлари ёзиб қўйилади.

Сақланиш тартибига риоя этилмаса музей фондларидаги ашёлар ўзининг табиий ҳолатини ўзгартириши ва эскириб кетиши мумкин. Бунинг бир неча сабаблари бор. Бу улар ҳаво ва ёруғлик таъсири остида келиб чиқади. Бундан ташқари биологик таъсир микроорганизмлар, ҳашаротлар, кемирувчилар ҳам таъсир этиши мумкин, механик шикастлар ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам ашёларнинг сақланиш тартибига риоя этиш керак. Музей экспонатларига етказилиши мамкин бўлган тўққизта зиён:

1. Ташқи таъсир: урилиш, вибрация.эскириш ва гравитация
2. Ўғирланиш, алмаштириш, вандализм
3. Ёнғин
4. Сув
5. Зараркунандалар: ҳашаротлар, паразитлар, замбуруғ ва бактериялар
6. Ифлослантирувчи: газ, суюқликлар, чанг, туз

7. Радиация: ультрабинафша нурлар, ёруғлик
8. Нотўғри ҳарорат: юқори, паст, тез-тез ўзгариши
9. Нотўғри меъерий намлик: зах, намлик етишмаслиги, тез-тез ўзгариши⁴.

Турли ашёлар учун тавсия этиладиган ҳаво ҳарорати ва ёритиш меъёрлари

Ашё	Ҳарорат	Нисбий намлик %	Ёруғликка чидамлик	Ўртача ёритиш	Ультрабинафша нурларнинг улуши, люмен микроваттда
Қоғоз, акварель, офорт, гравюра, кўлёмалар, газета, пергамент, текстиль, гилам, мўйна, пат, мум, фил суяги, тери, тулумлар.	18+ -2	50+ -5% 35% паст ҳамда 65% дан юқори бўлмаслиги и керак	III чидамсиз	Макс.50	Макс.75
Фотоҳужжатлар оқ-қора ва рангли фотолар, негативлар.	18+ ва ундан пастроқ +2 -+4	30-40 %	III чидамсиз	Макс.50	Макс.75
Ранг-тасвир, ёғоч, мебель, суяк, шох, садаф, резина	18+-2	50+ -5%	II Ўртача чидамлик	Макс. 150	Макс.75
Металл (темир, мис, кўрғошин, кумуш, қўйма)	18+-2	45% дан пастроқ	I Юқори чидамлик	регламентсиз	регламентсиз
Қалай	18+-2 14 паст бўлмаслиги	45% дан пастроқ	I Юқори чидамлик	регламентсиз	регламентсиз

	и керак				
Қимматбаҳо металл (олтин, кумуш, платина)	регламентсиз	регламентсиз	I Юқори чидамлилиқ	регламентсиз	регламентсиз
Тош (мармар)	18+-2	регламентсиз	I Юқори чидамлилиқ	регламентсиз	Регламентсиз
Сопол, лой, сир, шиша	18+-2	Доимий максимал	I Юқори чидамлилиқ	Макс. 300	Макс.75
Минераллар, тошлар	18+-2	30-50 %	I Юқори чидамлилиқ	Макс.50 ёки 150	Макс.75

Заҳира ва экспозиция залларидаги ҳарорат ва намликни назорат қилиб бориш учун махсус асбоблар – психрометр, гигрометр, термометр ёки узи ёзувчи термографлар ва гигрографлар урнатилади. Ҳаво ва намлик бир кунда икки мартаба бир вақтнинг ўзида текширилиб махсус журналга ёзиб борилади.

Юқорида айтиб ўтилган музей фонд заҳира хоналарига қўйиладиган барча талабларга жавоб бера оладиган Ўзбекистонда ҳозирги кунда ягона бундай шароитга эга бўлган Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясини мисол қилиб келтирмақчимиз. Бинонинг ер ости қаватида (падвал):

- 858 м 2 ли майдонга эга бўлган қўриқхона мавжуд. Заҳира хонанинг девор ва шиплари, поллари сунъий текисловчи қоплама билан ўтказилган. Фонд заҳира хонаси автоматик газли ёнғин ўчирувчи Испания маҳсулотлари билан таъминланган;
- асарларни доимий сақлаш учун иккита иқлимий хоналарда жойлаштирилган. Улар янги технология билан таъминланган бўлиб, -25С дан то +45 гача бўлган ҳароратда бўлади, бундай ҳарорат асарларга ҳеч қандай зарар етказмайди;
- Механика хоналарида 10 та кондиционерлар ўрнатилган бўлиб (Италия маҳсулоти), кўргазма заллари ва заҳира хоналарида доимий ҳарорат +20С ни ва 55% намли ҳавони бериб туради;
- бинога автоматли паствольтли шитлар (Франция маҳсулоти) ўрнатилган бўлиб, улар кондиционер ишлаш системасини ва берилган параметрни (+20С, 55% - намлик) таъминланди;
- шунингдек бинога 20 КВА қувватли услуксиз манба билан таъминланган (Греция маҳсулоти), агарда шаҳарда электроэнергия йўқ бўлса, қўриқловчи система ва ёнғин сигнализациясини узлуксиз бошқаради, бу эса тўпланнинг ҳавфсизлигини таъминлайди,

- мини АТС (Туркия маҳсулоти) 12 та кириш рақамлари ва 72 та ички рақамлар билан таъминланган;
- 50 та кишига мўлжалланган кафетерия галерея ходимлари ва ташриф буюрувчилар учун жой олган;
- 67 та ўринли илмий анжуманлар, конференциялар ўтказиш учун зал ҳам мавжуд;
- Шунингдек ҳар бир замонавий музейларда мавжуд бўлиши шарт бўлган қуйидаги хоналар ҳам галерея биносига ўринли жойлаштирилган.
- китобларни сақлаш хонаси билан илмий кутубхона;
- фотолаборатория ва фото сақлаш хонаси;
- иккита устахона ва асарларга багет тайёрлаш хоналари ўрин олган.

Музей фондларини сақлаш, турли гуруҳлардаги ҳарорат-намлик тартиби, ҳавони буғлатувчи омиллардан ҳимоя қилиш, тўғри ёруғлик тартиби, биологик зараркунандаларга қарши кураш ва ниҳоят, музей ашёларини механик зарарланишлардан ҳимоя этиш шу жумладан, фавқулотда ҳолатларда музей фондларини тизими ҳар бир музейда ишлаб чиқилган бўлиши керак. Шунингдек, ҳимоя этишни ҳисобга олган ҳолда, музей ашёларини сақлаш учун энг самарадор шароит яратишга эътиборни кучайтириш шу куннинг амалий жиҳатдан яна бир муҳим вазифаси ҳисобланади. Зарур ҳолларда музей ашёларини консервациялаш, уларни замонавий талаблар даражасида таъмирлаш, бунинг учун эса йирик музейлар қошида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган таъмирлаш устахоналарини бунёд этиш кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар сирасига киради.

Савол ва топшириқлар

1. Консервация атамасига таъриф беринг
2. Консервация қилиш зарур бўлган предметлар сирасига қандай музей предметлари-киради.
3. Консервация ва реставрациянинг бир – биридан фарқи ва музей ишидаги аҳамиятли жиҳатлари

Музей предметларини упаковка ва транспортировка қилиш

Режа:

1. Вақтинчалик кўргазма, реставрация, экспертиза ва бошқа жойлардаги экспонатлар олиб келинаётганда уларни упаковка ва транспортировка қилиш чора тадбирлари.
2. Предметни яхши сақланиб қолинишини таъминловчи воситалар.
3. Упаковка ва транспортировка қилиш тартиб қоидалари. Ушбу жараёнлар юзасидан бир неча мисол, яъни қандай асарни қай ҳолатда упаковка қилиш мумкинлиги.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Маълумки, музей предметларини вақтинчалик кўргазмаларга, таъмирлашга, экспертизага бериш мумкин. Шунингдек музей биноси бошқа бинога кўчирилиши ёки уруш даврида музей предметлари хавфсиз жойларга кўчирилиши мумкин. Бунда предметларнинг зарарланиши учун катта хавф туғилади. Масалан, улар бирор жойга урилиши, ёруғлик, сув ёки намлик, юқори ҳарорат таъсир қилиши, турли ҳашоратлар ва микроорганизмлар зарар етказиши мумкин. Шуларни олдини олиш мақсадида предметларни ўраб, махсус қутиларга ёки мосламаларга жойлаш, транспортировка қилиш ишлари олдиндан ҳал қилинади ва барча қонун-қоидаларга амал қилинади. Ҳар турдаги предмет учун бир қатор алоҳида ҳимоя чоралари амалга оширилади, лекин бу ҳам предметларнинг юз фоиз безарар олиб бориб, келтиришга нафақат беролмайди. Предметлар олиб кетилаётганда ўғирлик содир этилиши, ёнғин чиқиши ёки йўқолиши мумкин. Шунинг учун битта коллекцияларга таълуқли ҳамма предметларни биргаликда транспортировка қилиш тавсия этилмайди.

Ҳар бир предметни транспортировка қилиш имкониятларини таъмирлаш кенгаши ёки таъмирлаш комиссияси ҳал қилади. Таъмирловчилар предметларни ўраш ва транспортировка қилиш бўйича тавсия беради.

Предметлар яхши сақланишида улар жойланадиган мослама катта аҳамиятга эга бўлиб, предметларни механик зарардан, чангдан, ҳарорат ва намликнинг кескин ўзгаришидан ҳимоя қила олиши лозим. Асосан, предметлар ҳажмига, шаклига қараб ёғоч қутиларга солинади. Устидан намликни ўтказмайдиган бўёқ берилиб, маркировка ёпиштирилади. Унда қутини қандай ҳолатда қўйиш, эҳтиёт қилиш кераклиги кабилар ёзилади. Жуда нодир предметли қутилар, қўшимча металл қутиларга ҳам солинади.

Ҳар қандай музей предметини транспортировка қилишнинг, зарур бўлган қоидалари мавжуд. Улар бир-бирига тегиб турмайдиган, қимирламайдиган қилиб тахланади.

Транспортировка махсус меъёрий ҳужжатлар асосида, қоидаларга амал қилинган ҳолда амалга оширилади. Ҳар битта транспортировкага тайёр қутини ичига, упаковка учун жавобгар шахс, таъмирловчи, упаковкаловчи томонидан имзоланган акт қўйилади. Предметлар кўзланган жойга етиб боргач, бир сутка давомида уларга тегилмайди. Чунки улар янги иқлимга кўникиши лозим. Қутилар очилгандан сўнг, предметлар ҳар томонлама текширилади. Зарурат бўлса, махсус камераларда зарарсизлантириш амалга оширилади. Шундан сўнггина экспозицияга қўйиш мумкин бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1. Вақтинчалик кўргазма, реставрация, экспертиза ва бошқа жойлардаги экспонатлар олиб келинаётганда уларни упаковка ва транспортировка қилиш чора тадбирлари.
2. Предметни яхши сақланиб қолинишини таъминловчи воситалар.
3. Упаковка ва транспортировка қилиш тартиб қоидалари.
4. Ушбу жараёнлар юзасидан бир неча мисол, яъни қандай асарни қай ҳолатда упаковка қилиш мумкинлиги.

Музей фондларини сақлаш системаси

Режа:

1. Фондохранилише – музей предметларини сақлаш учун махсус ажратилган хонанинг асосий сифатлари.
2. Сақловнинг алоҳида системаси ва комплексли системаси.
3. Манбаларнинг типига, материалига, кимёвий ва физикавий хоссаларига, ҳажмига ва ҳоказоларга қараб предметларни жойлаштириш асослари

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Музей фондларини сақлаш системаси предметларнинг физикавий, кимёвий хусусиятлари, манбалар типига, сонига, хажмига, жойлашишига, хона ва фонд сақловхоналарининг техник жиҳозланишига боғлиқ бўлади.

Фондларни сақлаб қолиш учун зарур бўлган шарт-шароит, махсус сақлаш системаси тузилганда самарали натижа беради. Шунинг учун ҳар бир сақлов учун ажратилган алоҳида хонада, сақлаш тартиби бир-бирига яқин предметларни жойлаштириш лозим. Комплексли системада сақлашда эса бир хонада турли предметлардан ишланган предметлар жойлаштирилади. Бундай ҳолда сақлаш тартиби ўртача кўрсаткичга қўйилади. Сақлашнинг комплексли системаси фақат хоналар кам бўлса ёки предметлар кам бўлганда қўлланилади.

Бу системалар ичида предметларнинг жойлаштирилиши, манбаларнинг типига, материалига, мазмунига, нима учун мослаштирилганлигига қараб амалга оширилади.

Предметларни жойлаштиришда хажмли, инвентарь номерига ҳам эътибор берилади. Улар шкаф, стеллаж, жавон ва бошқа мосламаларга биттадан ёки гуруҳларга ажратиб жойлаштирилади. Гуруҳларга ажратилганлари ўзига тегишли мосламаларга жойлаштирилади. Яъни, бирлари планшетларга тикилади, бошқалари папкаларга, футлярларга солинади ва хоказо. Предметлар жойлаштирилган мосламаларга топографик рўйхат ёзилади.

Археологик ёдгорликлар алоҳидаги сақлаш гуруҳларига ажратилади.

Бошқа бир қатор буюмлар манба қаторида, қоидага кўра матолар, жун, чарм ва улардан қилинган буюмлар битта сақлаш гуруҳини ташкил этади. Ўз навбатида бу предметлар яна майда гуруҳларга ажратилади.

Газламалар, кашталар, кружевалар суриладиган лоток-қутили шкафларда, хажмига қараб горизонтал тахланади, усти чит билан ёпилади. Унча катта бўлмаган лавҳаларни эса рамкага тортилган матоларга тикиб, усти ёпилиб, тортиб чиқарса бўладиган вертикал планшетларда сақлаш мумкин. Жун, ипак, зиғир, пахта, синтетик толали матолар турли шкафларда сақланади.

Шунингдек, горизонтал ҳолатдаги лоток-қутиларда дур, тилла ва кумуш иплар билан безак берилган зардўзи буюмлар ҳам сақланади.

Кийим-кечакларни эса иложи борича қандай матодан тикилганига қараб, гуруҳларга ажратилиб, юмшоқ нарса ўралган вешалкаларга илинади, устидаги чит чехол билан ёпилади ва вертикал ҳолатда шкафларда сақланади.

Чарм ва жундан қилинган текис буюмлар ҳам матолар сингари горизонтал лоток-қутиларга тахланади. Чарм ва жундан тикилган кийимлар ҳам матодан тикилган кийимлар сингари, вертикал ҳолатда, юмшоқ кийимосгичларга илиниб, шкафларга қўйилади.

Бош кийимлар думалоқ шаклдаги ғўлаларга кийдирилади ёки картонга ўхшаган қоғоз билан ичи тўлдирилиб, футлярга солиб, шкафларда сақланади.

Оёқ кийимларининг ичи юмшоқ қоғозлар билан тўлдирилиб, коробкага солиниб, шкафда сақланади.

Байроқлар-думалоқ қилиб атрофлари текисланган узун ёғочлар устига ўралади, чехол кийгазилади ва вертикал ҳолатда стойкаларга қўйилади.

Гилямлар, шпалералар ўнг томони ичига қилиб валга ўралади ва чехолга солинади, вертикал ҳолатда сақланади.

Суюждан ишланган предметлар алоҳида ойнали жавонларда сақланади, чунки ёруғлик кам бўлса, у рангини ўзгартиради.

Ёғочдан ясалган предметларнинг турли хажмдагилари, турли нарсаларга мўлжалланганлари бир гуруҳга бирлаштириб, бирга сақланади. Улар орасидаги меъморий ёдгорликларнинг ёғоч деталлари; сувда (кема, қайиқ, сол ва х.к.) ва қуруқликда (карега, арава, чена ва ҳоказо) ҳаракатланишга мўлжалланган мосламалар; иш қуроллари; мебель, шунингдек, уй-рўзғори буюмлари ва бошқа майда предметлар ҳам мавжуд. Ёғочдан ишланган предметлар билан қамишдан қилинганлари ҳам бирга сақланади. Фонд структураси бўйича, ҳайкаллар тасвирий манбага киритилсада, ёғочдан ишланганлари ёғоч буюмлар билан сақланади.

Меъморий иншоотларнинг қисмлари, махсус жиҳозланган деворларга осилади. Ер ва сувда ҳаракатланиш воситалари колодка устига қўйилади. Мебель ва катта хажмдаги ҳайкалтарошлик асарлари ҳам полдан баландроқ қилиб, тагига нарса қўйиб тикланади. Унча катта бўлмаган предметлар, уй рўзғори буюмлари, ўйинчоқлар, майда ҳайкалтарошлик намуналари хажмига қараб, шкафларга қўйилади. Стенд, стеллаж ва шкафлардаги буюмлар бир-бирига тегмаслиги керак.

Сопол ва шишадан ишланган предметлар гуруҳларга бўлинади ва нимага ишлатилишига қараб ажратилади. Идиш-товоқ, кошинлар, ёритгич мосламалари, техник ва лаборатория шишалари ва ҳоказо. Шунингдек бу сақлов гуруҳига сопол ҳайкалтарошлик буюмлари ҳам киради. Предметлар қандай материалдан қилингани ҳисобга олиниб жойлаштирилади. Масалан, фаянс, фарфор, майоликадан қилинган буюмлар бир гуруҳга йиғилади. Рангли шишалар алоҳида гуруҳларга ажратилади.

Сопол ва шишадан қилинган предметлар шкафларда сақланади. Уларни токчаларга бир-биридан узоқроққа тахлаб, оғирлиги ҳам ҳисобга олинади. Чунки токча предметларнинг оғирлигидан тушиб кетиб, буюмлар синиши мумкин. Текис юзали предметлар, масалан, тарелкалар махсус подставкаларга вертикал жойлаштирилади. Агар улар горизонтал ҳолатда сақланса, орасига юмшоқ қоғоз ёки мато қўйилиб, 6 тадан кўп бир-бирини устига қўйилмайди.

Катта хажмдаги декоратив вазалар, ҳайкаллар токчали очик жавонларга ёки тагликларга қўйилади. Осиб қўйиладиган ёритгич асбоблари штангаларга маҳкамланади.

Қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, нумизматика, қурол-аслаҳалар мослаштирилган махсус хоналарда, сейфларда сақланади. Катта музейларда улар мустақил сақланиш гуруҳларини ташкил этади.

Қимматбаҳо металл предметлар шкафларда, жавонларда, лоток-кутиларда сақланади. Платина, тилла, қумушдан қилинган майда буюмлар футлярга солиниб, сейфга қўйилади.

Нумизматикага оид буюмлардан – тангалар, медаллар, значоклар, жетонлар, плакетакалар ва бошқалар коробкаларга солиниб, лоток-кутиларда сақланади. Шунингдек уларни қаттиқ картондан қилинган картонларга бирма-бир солиб, вертикал тахлаш ҳам мумкин.

Қурол-аслаҳалар, ҳажмига қараб подставкаларнинг устида, бир неча токчали очик жавонларда, шкафларда сақланади. Катта ҳажмлилари, замбарак, пулимёт ва хоказолар подставкаларга ўрнатилади. Қурол, милтиқ, пистолетлар, ичида ушлаб турадиган рейкаси бор махсус шкафларга қўйилади. Қалта ушлагичли қуроллар (пистолет), шунингдек, лоток-кутили шкафларда ҳам сақланади. Ҳар хил турдаги найзалар вертикал ҳолатда, махсус подставкаларга ўрнатилади. Совуқ қуроллар, яъни қилич, шпага, ханжар кабилар горизонтал ҳолатда ёки махсус мосламаларга осилган ҳолатда сақланади.

Бошқа металл буюмлар материалига қараб гуруҳланади. (чўян, темир, пўлат, мис-бронза, кўрғошин, қалай ва хоказолар) Кўрғошиндан ишланган предметлар махсус сақлаш тартибида бўлиши керак. Уларни ёғочдан қилинган полкаларда қўйиб бўлмайди.

Оптик асбоблар, яъни микроскоп, телескоп, фотоаппарат ва бошқалар эҳтиёткорлик билан сақлашни талаб қилади, чунки уларнинг механизмлари жуда нозик бўлади.

Тасвирий манбалар ҳам сақлаш гуруҳларига бўлинади: рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, фотосуратлар. Алоҳида гуруҳга картографик материалларни ажратиш мақсадга мувофиқдир (картография-географик хариталар).

Рангтасвир асарлари фонд сақловхоналарининг деворларига осилади, тўсиқларга ёки очик жавонли шкафларига жойлаштирилиши мумкин. Тўсиқлар суриладиган ва сурилмайдиган бўлади. Сурилмайдигани маъқулроқ кўрилади. Жавонлар ҳаво циркуляцияси (айланиши)ни таъминлаш учун решеткали ва ҳар бир картина учун ячейкали бўлиши керак. Юқорида қайд этилган жойларга, мосламаларга қўйиш асарларнинг тўпланиш структураси, ҳажми ёки инвентар номерига қараб тахланиши мумкин.

Падрамниксиз картиналарнинг ўнг томони ташқарига қаратилиб, диаметри 50-70 смли валга ўралади. Бу ишни фақат таъмирловчи амалга оширади. Битта валда 10 тагача кичик ҳажмдаги, 2-3 тагача катта ҳажмдаги картиналарни ўраш мумкин. Шунингдек, картиналар ҳажмига қараб танланиб иккитадан ўнг томони бир-бирига қаратиб тахланади.

Мармар, оҳак, гипсдан ишланган ҳайкалтарошлик намуналарининг катта ва ўртача ҳажмдагилари подставка ёки стеллажларга қўйилиб, усти чехол билан ёпиб қўйилади, кичикроқ ва майда ҳайкаллар шкафларда сақланади.

Кўмирда, юмшоқ қаламларда, пастелда чизилган чизматасвирлар ойна тагида сақланади. Ушбу чизматасвирлар ва акварель, гравюра, литографиялар ячейка мосламали шкафларга вертикал қўйилади. Предметларни жойлаштиришда тўплаш структурасига қаралади ёки ҳажмига, инвентарь номерига қараб қўйиб чиқилади. Худди шу принципда акварель,

чизматасвир, гравюра, литография альбомлари ҳам жойлаштирилади. Акварель, қаламтасвир, гравюра, литография тасвирли листлар алоҳида папкаларда, инвентарь номери бўйича 30 тадан оширмай тахланади. Папкаларда тортма қутили шкафларда горизонтал сақланади.

Атласлар шкаф полкаларида, харита ва лойихалар папкаларда сақланади. Катта хажмдаги хариталар доқа ёки читга елимланган бўлиб, ўнг томони ташқарига қаратилиб, вал ёки картон трубкаларга ўралади, чехолга солиб, горизонтал ҳолатда махсус шкаф ёки полкаларда сақланади. Глобуслар - коробкаларга солиниб, шкафга жойланади. Катта хажмдагилари эса, устига чехол ёпилиб, махсус тагликларга қўйилади.

Негативлар, позитивлар алоҳида сақланиши керак. Негативлар алоҳида конвертларга солиниб, хажми бўйича қутиларга вертикал тахланиб, шкафларга қўйилади. Позитивлар қаттиқ қоғозларга ўралиб, конвертларга солиниб вертикал тарзда қутиларга тахланади.

Магнит ленталари ёғоч мосламада, бир хил хажмли қутиларга вертикал тахланади. Йилига бир марта магнит ленталарини қайта ўраб, ички кучланиши йўқотилади. Грам-пластикалар алоҳидаги конвертларда вертикал қўйилади. Тўпланиш таркиби ва инвентарь номерига қараб жойлаштирилади.

Фонд сақловхоналаридаги мосламалар махсус талабларга юз фоиз жавоб бера олиши керак. Биринчидан, предметларнинг максимал сақланишини таъминлаш лозим.

Шунинг учун мосламаларни музей предметларини сақлашга яроқли, ишлатишга қулай, техник зарарлардан, чангдан сақлай оладиган, намликни ўзига сингдирмайдиган бўлиши керак. Шунингдек қулфладиган, пломба ва мухр босилса бўладиган бўлиши лозим. Ёруғлик тушиши ҳавфли бўлган предметлар, ёруғлик тушмайдиган шкафларда сақланади.

Иккинчидан фондлардаги мосламалар сақланаётган предметлар учун ҳам, уларни олиб ишлатадиган илмий ходимлар учун ҳам қулай бўлиши лозим. Ижтимоий—иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётдаги янгиланишлар музейлар фаолиятига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Музейлар фаолияти йўналишларини ва уларнинг тараққиёти концепциясининг бир қисми бўлмиш, музейчилик ишини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолди.

Музейлар фаолиятининг қуйидаги жараёнлари музейчилик ишини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўлиб ҳисобланади: фондларнинг янги ноёб ва нодир экспонатлар билан тўлдириб бориш, уларни сақлаш, ўрганиш, замонавий техника воситалари ва технологиялар ёрдамида тарғиб этишни йўлга қўйиш.

Аҳоли маънавий талабларининг изчиллиги билан ўсиши ва турли-туманлиги янги кўриниш ва мазмундаги музейлар пайдо бўлишига, уларнинг фаолият йўналишлари ва вазифалари, фондларининг мавзуйи, таркиби доираси кенгайишига олиб келади. Янги музейларнинг барпо этилиши аҳоли қизиқишлари диапазонининг кенгайиб боришига, музей ишининг тараққий этишига, музейларнинг ижтимоий иқтисодий сифатидаги мавқеларининг ошишига олиб келади.

Ҳаёт фаровонлигининг кўрсаткичларидан бири бўлмиш аҳоли бўш вақтининг, дам олишга ажратиладиган вақтнинг кўпайиши, музейлар фаолиятини шахслар орасида ўзаро мулоқот ўтказиш марказига айлантиришга қаратади. Бу эса ўз навбатида аҳолининг маданият ва санъат масканларига жалб этилишини фаоллаштиради.

Музейлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳамда уларнинг ижтимоий таъсир доираларини кенгайтириш йўналишларидан бири аҳолини музейларга жалб этиш ва музейлар хизматидан фойдаланишлари учун уларга зарур шароитлар, замонавий, айнан музейларга хос бўлган муҳит яратишдан иборат бўлади.

Республиканинг давлат музей фонди — музейларнинг барча ижтимоий вазифалари амалга оширилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун давлат музей фондининг доимий бойитилиб бориши ва таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиши музейлари аҳолига кўрсатадиган хизмат доирасини кенгайтиради, бу хизматларнинг аҳоли талаблари доирасига тўлароқ жавоб беришга олиб келади.

Музей ишларига раҳбарлик қилишнинг республика ва вилоят миқёсидаги бошқармаларнинг вазифалари музей ишини ташкил қилишнинг стратегик вазифалари ва йўналишларни, музейлар фаолиятининг узоқ мўлжалланган меъёрларини аниқлашдан иборат бўлиши керак. Давлат бошқарувининг асосий вазифалари мазмуни ягона услубий тамойиллар негизида музейларнинг соҳалараро ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, музейларни замонавий талаблар даражасида техник жиҳатдан қайтадан жиҳозлаш масалаларини ҳал қилишдан иборатдир.

Услубий фаолиятни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши — бошқарув ва назорат вазифаларининг секин-аста камайиши ҳисобига музейлар фаолияти фаннинг янги ютуқларини ва илғор тажрибани жорий эттириш йўли билан уларга аниқ ва реал ёрдам кўрсатиш.

Услубий марказ бўлган йирик музейларнинг ёрдами, уларнинг ўз шахсий тажрибаларидан, бошқа музейларнинг самарали иш шакли ва услубларидан, илмий асосланган услубий қўлланмалар яратишдан иборат бўлиб, услубий марказлар тавсия этган янгиликларни ҳаётга тадбиқ этишда музейларнинг ўзлари фаоллик кўрсатишларига мўлжалланади. Услубий марказлар фаолиятининг яна бир муҳим қисми музейчи ходимлар малакасини ошириш тизимида бевосита иштирок этишдан иборат бўлади.

Музейлар фаолиятини молия билан таъминлаш, музейларнинг ижтимоий ривожланиши ва музей ходимларига маош тўлашнинг асосий манбаси бўлиб давлат бюджетидан пул ажратиш ҳисобланади. Музейлар учун бюджетдан пул ажратиш бюджетдан ташқари манбалардан тушадиган маблағлар билан тўлдирилади. Музейлар бюджетдан ташқари маблағлар аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, шартнома асосида корхона ва муассасаларга хизмат кўрсатиш ҳисобига ҳамда фуқаро ва ташкилотларнинг ўз ихтиёрлари билан ажратадиган маблағлари ва бошқа манбалардан иборат

бўлади. Бунда, бюджетдан ташқари манбалардан тушадиган маблағлар бюджетдан олинадиган маблағлар миқдorigа таъсир кўрсатмаслиги керак⁵.

Музей ишининг келгусидаги тараққиёти, музей хизмат кўрсатиш даражасининг сифат жиҳатидан ўсиб бориши музей ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига бўлган талабни оширади. Бу тизим гуманистик мазмуни кучайишни, олий маълумотли музей ходимларининг умуммаданий ва профессионал даражасини кўтаришни, музейчилик ахборотлари оқимидан зарур маълумотларни танлаб олиш қобилиятини тарбиялашни, манбаларни таҳлил қилиш, баҳолашни ходимларнинг психологик ва педагогик тайёргарлигини таъминлаши зарур.

Музейларда хизмат кўрсатишга қўйилаётган талабларнинг ўсиб бораётган бир шароитида музей ходимлари малакасини узлуксиз ошириб бориш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Малака оширишнинг узлуксиз бўлиши, бу соҳада ягона тизимни вужудга келтириш ҳамда республиканинг барча музейлари ва барча тоифадаги музей ходимларини қамраб олиш, ҳозирги кунда Ўзбекистонда мавжуд бўлган малака ошириш тизимини тўлдиришни тақазо этади⁶.

Хусусан бу тизимни республика миқёсида равон ташкил этиш ҳамда маҳаллий шароитларга мослаштириш учун йирик музейлар ҳузурида олий ўқув юртларида тайёрланишни кўзда тутилмаган ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш талаб этилади.

Музейчилик соҳасида ташкилий жиҳатдан юқори даражага эришган йирик музейларда музей ходимларининг малакасини оширишни уюштириш, бу соҳадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш музей ишларини бошқаришнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолади.

Музейларнинг вазифасини аниқлаш учун “амалиёт” деган сўзнинг луғавий маъносини чақишга тўғри келади⁷. Бу сўзнинг маъноси музейларнинг ижтимоий маданий вазифасини тўлиқ очиб беради. Шундагина музейга маълум бир амалиётни бажарувчи муассаса сифатида қараш мумкин бўлади. Музейга шу тарзда ёндошиш унинг фаолиятида бошқа муассасалар фаолиятида мавжуд бўлмаган ўзига хос сифатларни: яъни фондларни тўплаш, йиғиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, экспозиция-кўргазма уюштириш, таълимий-тарбиявий иш олиб бориш каби аҳамиятларини очиб беради.

Музейнинг ижтимоий-маданий вазифасини тарихий-маданий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, унинг жамият олдидаги ўзига хос мажбурияти ва вазифаси қуйидагича намоён бўлади:

- хужжатлаштириш (яъни жамиятда юз берадиган факт, ходиса ва воқеаларни музейдаги ашёлар орқали исботлаб бериш)
- таълимий-тарбиявий вазифаси (яъни жамият аъзоларининг маданий ва билим олиш талабларини қондириш учун музейдаги ашёларнинг маълумот бериш ҳамда таъсурот қолдириш имкониятидан фойдаланиш).

Музейларнинг ижтимоий-маданий вазифасини ёритиш учун улар фаолиятига маданиятшунослик, социологик, фалсафий ҳамда музейшунослик нуқтаи назардан ёндошиш лозим бўлади.

Одатда турли мамлакатларнинг музейшунослари томонидан музейларнинг хужжатлаштириш ва таълим-тарбия вазифасига алоҳида урғу берилади. Олимлар “музей вазифаси” деган тушунчани ёки музей фаолиятига боғлиқ фанлар ёрдамида унинг асосий вазифасини кенгроқ ёритиш кераклигини таклиф этадилар⁸. Мисол тариқасида айтганда музейларнинг хужжатлаштириш ҳамда таълим-тарбия вазифасидан ташқари уларнинг фондларини сақлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, эстетик, гносеологик, аксиологик ва тарбиявий вазифаларини ҳам киритишмоқда.

Шунинг билан бирга музейларнинг вазифасига нисбатан яна бошқа бир қараш бор. Баъзи олимлар буни турлича изоҳлайдилар: яъни асарларни тўплаш, инсоннинг халқпарварлик ва маданий тимсолини акс эттирган қимматбаҳо асарларни сақлаб қолиш, нашр қилиш, одамларни бадий бойликни ҳис қила олишига ўргатиш, дунёқараш ва ва қадриятларга бўлган муносабатини шакллантириш, ижодий фаолиятини кучайтириш, англаш имкониятини кенгайтириш, миллий, маҳаллий ва касбий ўзлигини англашига кўмаклашиш, тарихий боғлиқликни таъминлаш каби вазифалар нақадар муҳим ва аҳамиятли эканлигини таъкидлашмоқда.

Музейларнинг ижтимоий вазифасига нисбатан яна бир қараш бор. Бу музейларга четдан қараб, музей – бир илмий тадқиқот институти, музей – бу бир клуб ёки студия деган эскича қарашларга барҳам беришни талаб қилади. Чунки бу атамалар орасида музейга чинакам баҳо бериш учун “музей – бу музей” деган оддий ибора қолиб кетган. Музейларнинг кўп қиррали қаолиятига қараб эмас балки музей феноменини фалсафий нуқтаи назардан англашга интилиш керак⁹.

Музейлар тўғрисидаги умумий тушунчани тўла англаш учун уларнинг ижтимоий-маданий вазифасини очиқ беришга кўмаклашиши мумкин бўлган “маданият – жамият - шахс” деган ёндошиш тизими тўғри келади. “Маданият” муаммосига оид ушбу тушунча доирасига музейдаги қадриятларни хужжатлаштириш, ҳисобга олиш, сақлаш ва ўрганиш кабилар киради. “Жамият” тушунчасига билим бериш, тарбиялаш ва зиё тарқатиш киради. “Шахс” эса музей фаолияти орқали ижодий иқтидорини ошириб, ҳордиқ чиқаради.

Ундан ташқари инсон музейнинг маданиятшунослик вазифаси доирасига кирувчи амалиёти натижасида маданий мерос билан мулоқотга кириш орқали ўзининг маънавий талабини ҳам қондиради.

Бу ҳолда музейлар вазифасининг маданиятга оид чизгиси қуйидагича намоён бўлади: умумий дунёқараш ва қадриятлар тизимини шакллантириш, жамиятни бирлашиши ва демократиклашувини ошириш, шахснинг

ижтимоийлашуви ҳамда ижодий фаолиятини юксалтириш, тарихий боғлиқликни таъминлаш ва инсонни англаш имкониятини кенгайтириш.

Музейларнинг ижтимоий аҳамиятини акс эттирувчи тарихдан шаклланиб келган ижтимоий-маданий вазифаларининг кўп қиррали эканлиги ва турли нуқтаи назардан ўрганилиши натижасида унинг олдида қуйидагича мақсадлар туради:

- хужжатлаштириш вазифаси (музей ишининг асосий вазифаси), исботлаш вазифаси, яъни жамият тараққиётининг маданияти ёки табиатини акс эттирувчи далиллар билан тасдиқлаш, чунки у жамиятнинг ривожланишини акс эттирувчи далилларни йиғиш ва сақлаш орқали унинг иқтисодий, илмий ва маданий талабларига жавоб беради;
- таълимий-тарбиявий вазифаси жамиятнинг музейга бўлган ахборот бериш, акс эттириш имконияти орқали ахборот олиш ва маданий талабларига жавоб беради. Бу эса ўз навбатида маданий оқартирув соҳаларини ҳам ўз ичига олади;
- жамият аъзоларини бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, уларнинг маданий, маънавий ва руҳий ҳордиқ чиқаришига бўлган талабини қондириш вазифаси ҳам шулар жумласига киради.

Бу вазифанинг муҳимлиги шундан иборатки жамият жамият аъзоларининг музейга ташриф буюришлари ортида уларнинг ҳам ахборот олиш, ҳам билим олиш, ҳам тарбиявий аҳамиятидан баҳраманд бўлиш истаги ётади.

Шуни ҳам кўзда тутиш лозимки ҳар қандай макон, замон ва вақтда музей билан жамиятнинг ўзаро ҳамкорлиги унинг ўз вазифасини адо этаётганлиги ва унинг амалда мавжудлигидан далолат беради. Ушбу жараён доимий тарзда ҳам музейнинг ички фаолиятида ҳам унинг ижтимоий-маданий муҳит билан узлуксиз алоқасида намоён бўлади.

Музейларни ижтимоий вазифалари билан узлуксиз алоқаси уларнинг барча фаолиятида яққол намоён бўлади. Унинг ижтимоий фаолияти ҳам шунда акс этади. Музейларнинг хужжатлаштириш, сақлаш, ўрганиш жараёни музей экспонатларини кўргазмага қўйиш ва намоиш этиш давомида ҳам тўхтамайди. Бундай пайтда экспонатларни намоиш этиш музей фаолияти давомида олиб борилган барча тадқиқот ва изланишлар ўзига хос илмий кўриги сифатида намоён бўлади. Экскурсия, маъруза ва маслаҳатлар сифатида амалга ошириладиган музейнинг аниқ амалиёти бунда гўёки музей экспонатлари тўғрисидаги маълумотни тўлароқ билишга кўмаклашади. Музейларнинг таълимий ва тарбиявий вазифаси музейдаги экспонатлар ҳақидаги маълумотни томошабин ва мухлисларга ҳар тарафлама тушунтиришнинг турли усулларини қўллаш орқали амалга оширилади. Музей экспонатларидан таълимий мақсадда фойдаланишда намоиш этилаётган жамланманинг йўналишини тўғри танлаш, уларни эҳтиёткорлик билан сақлаш, кўргазма қилиш ва экологик муҳитни ҳам таъминлаш лозимлигини унутмаслик керак бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1.Фондохранилише – музей предметларини сақлаш учун махсус ажратилган хонанинг асосий сифатларини таърифлаб беринг.

2.Сақловнинг алоҳида системаси ва комплексли системаси нималардан иборат?

3.Манбаларнинг типига, материалига, кимёвий ва физикавий хоссаларига, ҳажмига ва ҳоказоларга қараб предметларни жойлаштириш асослари

Экскурсиялар

Режа:

- 1.Музейларда экскурсия олиб боришнинг мумҳим аҳамияти.
- 2.Музей, кўргазма, ёдгорликлар ва ёдгорий жойлар бўйлаб экскурсия олиб бориш.
- 3.Комплексли экскурсиялар. Умумий экскурсиялар.
- 4.Маданий таълим ва ўқув экскурсиялари.
- 5.Экскурсиянинг кенгайтирилган режаси.
- 6.Экскурсияларни методик ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. // Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Экскурсия-лот. “саёҳат” сўздан олинган бўлиб, саёҳатчини қамраб олган муҳит ҳақида, маълум бир мавзуга йўналган маълумотни олишга қаратилган. Экскурсиялар турига кўра кенг қамровли ва биргина мавзуга йўналган бўлади.

Кенг қамровли экскурсиялар - ушбу экскурсиялар жуда кўп маълумотни ўзига олиб, бир қанча экскурсия объектларини (тарих ва маданият ёдгорликлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва ҳ.к) қамраб олади. Кенг қамровли экскурсиялар маълум ҳудуд ёки мамлакат тўғрисида атрофлича маълумот беради.

Тематик экскурсиялар- аниқ белгиланган мавзунини очиб беришга хизмат қилади. Улар қуйидагича:

- тарихий (тарихий-ўлкашунослик, археологик, этнографик);
- ҳарбий-тарихий (халқ қаҳрамонлари билан боғлиқ, жанг воқеалари бўлиб ўтган жойлар, мемориал музейлар);
- табиатшунослик (географик, геологик, гидрогеологик, ландшафт, ботаник, ноёб табиат ёдгорликлари тўғрисидаги экскурсиялар);
- санъатшунослик (театр, тарихий-музыкавий, маҳобатли ҳайкалтарошлик асарларини кўрсатиб берувчи тарихий музейлар, музейлар, рассом ва ҳайкалтарошларнинг устахоналари, кўргазма заллари, артист ва расомларнинг ҳаёти билан боғлиқ жойлар), шунингдек, адабий ва меъморий-шаҳарсозлик тўғрисидаги мавзули экскурсиялар шулар жумласидандир.

Тематик экскурсиялар деярли бир-бири билан боғлиқ. Масалан, тарихий мавзудаги экскурсиялар меъморий-шаҳарсозлик мавзусидаги экскурсияларда, табиатшунослик билан боғлиқ экскурсиялар деярли барча тематик экскурсияларда фойдаланилади.

Экскурсантларнинг тузилишига қараб экскурсиялар катта ёшдаги аудитория, мактаб ёшидаги болалар, маҳаллий аҳоли, туристлар, махсус гуруҳлар, яқка тартибдаги томошабинлар ва ҳорижликлар учун ташкил этилади. Албатта, ўтиладиган экскурсиялар экскурсантларнинг ёшига қараб танланади. Шунинг учун ушбу классификация экскурсантларга дифференциал хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Экскурсиялар жойига қараб, шаҳар ичида, шаҳар ташқарисида, ишлаб чиқариладиган жойда ва музейларда ўтиладиган экскурсияларга бўлинади.

Шаҳар ичидаги экскурсиялар - маълум шаҳар тўғрисида батафсил маълумот беради.

Шаҳар ташқарисидаги экскурсиялар – бирор шаҳар ташқарисида ташкил этилиб, автобус ёки пиёда тартибда ташкил этилади.

Саноат жойларида ўтиладиган экскурсиялар – завод, фабрикалар, қурилишлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, темир йўл вокзаллари, аэропортлар, денгиз портлари, олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари, театрлар, филармониялар ва бошқа объектларда ташкил этилади.

Музейларда ўтиладиган экскурсиялар – давлат, уй музейлари, тасвирий санъат галереялари, бадий кўргазмалар ва бошқа жойларда ташкил этилади.

Экскурсиялар ўтилишига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- жамланган экскурсиялар (бир вақтнинг ўзида бир қанча автобусларда ҳаракатланган саёҳатчилар, улардаги ҳар бир автобусда ўзининг экскурсаводи тақсимланган бўлади. Шунингдек, бу автобусларда ихтиёрий тарзда театрлашган кўринишлар, фольклор дастурлари ташкил этилиши мумкин;

- сайр экскурсияси (ушбу экскурсиялар дам олишнинг бир тури бўлиб, у табиат қўйнида, боғларда, денгиз бўйларида ва бошқа жойларда ўтказиладиган экскурсиялардир);

- концерт экскурсияси (бирор бир мусиқа асарини эшитиш орқали мусиқа мавзусига бағишланган экскурсия тури);

- спектакли экскурсия (аниқ танланган бадий асар ёрдамида ўтказиладиган экскурсия шакли);

- дарсли экскурсия (гуманитар фанлар: география, биология, тарих, геология ва бошқа фанлар ўқитилишида қўлланиладиган, коллекциялар фондлари ёрдамида ташкил этиладиган экскурсия тури).

Ушбу экскурсиялар классификацияси ёрдамида аниқ танланган экскурсияларни ташкил этиш ва ўтказилишида муҳим аҳамият касб этади.

Экскурсияни ташкил этишда экскурсантлар ёшига қараб, илмийлик, ҳақиқат, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги каби масалар назарда тутилади. Экскурсияни ташкил этишда қуйидаги босқичлардан ўтилади: мавзунини аниқ танлаш, экскурсиянинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, экскурсия объектларини ўрганиш, экскурсия матнини, технологик картасини тузиш, ҳамда олиб борилажак экскурсияни тасдиқлатиш кабилардир. (65, 70, 72). Булар шундай амалга оширилади:

Экскурсиянинг мавзу, мақсад ва вазифаларини белгилаш – махсус экскурсия хизматига талабгорнинг қизиқишидан амалга оширилади. Яъни,

мавзу экскурсиянинг асосий, барча мақсадлари тўла қонли жамланган тарзда танланади. Экскурсиянинг **мақсади** ўтказилиш кўзда тутилган экскурсиянинг ҳар томонлама мақсадига тўлақонли эришиш. Масалан, экскурсавод , бирор бир шаҳарнинг тарихи, қурилишини, ёки меъморнинг ижоди билан боғлиқ маълумотларни сўзлаб беришни мақсад қилиб танлаши мумкин. Экскурсиялар **вазифаси** аниқ ва лўнда танланади. Масалан, мактаб ёшдаги ўқувчиларга ўтиладиган экскурсияларни ватанпарварлик руҳида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Демак, экскурсиявий объектларни танлаш, ўрганиш ўзининг мақсади, мавзуси ва вазифасига кўра танланади.

Экскурсия объекти – бунда бирор бир даврнинг турли қирраларини, жамият ривожланишини, илм, маданият, техника, табиат соҳаларини ёритувчи асос ҳисобланади. Экскурсия объектларига қуйидаги жойлар киради:

- табиат объектлари (ўрмонлар, бутазорлар, даштликлар, водийлар, тоғлар, шаршаралар ва ҳ.к.);

- шаҳарсозлик ва меъморчилик объектлари (саройлар, қасрлар, мақбаралар, маҳобатли рангтасвир ва ҳайкалтарошлик акс этган бинолар ва ҳ.к.);
- маҳаллий кўчалар ва майдонлар;
- тасвирий санъат галереялари ва музейлар;
- археологик ёдгорликлар каби жойлардир.

Ушбу объектларда ўтиладиган экскурсияларнинг мавзуси жойига қараб танланади. Ҳар бир объектнинг экскурсиясида маҳсус паспорт тузилади. Яъни унда, объектнинг номи, жойи, сурати, объект билан боғлиқ тарихий манбалар, паспорт тузган одамнинг исми шарифи, паспорт тузилган сана ва бошқа маълумотлар ёзилган бўлади. Шунингдек, экскурсия объектлари асосий ва қўшимча бўлади. Асосий экскурсияларда мазкур объект доирасида, бир мавзуга йўналган тарзда экскурсиялар ўтилади. Қўшимча экскурсияларда эса ўтиладиган мавзули экскурсиядан ташқари, қизиқарли бўлган бошқа бир маълумотларни ҳам келтириш мумкин. 3-4 соатда 15-20 та экскурсия объектларини кўриш тасдиқланган.

Маршрут ишланмаси – бунда қуйидаги шартларни олдиндан амалга ошириш кўзда тутилган: объектнинг мавжудлиги, объектни тамоша қилиш учун етарли жойнинг бўлиши, экскурсантларнинг хавфсизлигини ва транспорт хизмати билан таъминлаш кабилардир.

Экскурсия матнини тузиш – экскурсия матни танланган мавзунини ёритишда ижодий босқични босиб ўтади. Экскурсия матнининг икки хил тури мавжуд: тўлиқ ёзилган ва индивидуал ёзилган экскурсиялар матнларидир.

Тўлиқ ёзилган экскурсиялар – танланган мавзунини илмий ёритиб, адабиётларнинг иқтибослари билан аниқ келтирилиб, маълумотлар илмий асосланган бўлади. Ушбу экскурсиялар туристик ташкилотлар томонидан тасдиқланиб, шу билан бирга алоҳида экскурсаводларнинг индивидуал матнларини яратиш учун муҳим роль ўйнайди.

Индивидуал экскурсиялар – тўлиқ ёзилган экскурсияларни негизида ёзилиб, маршрутда объектлар кўрсатилган бўлиши керак. Индивидуал матнлар кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлади. Ёзилган ушбу экскурсиялар туристик ташкилотлар томонидан тасдиқланиб, экскурсаводга “экскурсавод папкаси” сифатида тақдим этилади.

Экскурсия хизмати экскурсантларга (маҳаллий аҳоли) мустақил хизмат тури бўлиб қолмасдан, туристик маҳсулот турларининг асосий қисми бўлиб ҳам саналади. Шу билан бирга экскурсия хизмати туристларнинг талабларидан келиб чиқиб ҳам ташкил этилади.

Экскурсия турлари асосийдан ташқари, қўшимча равишда ҳам бўлади. Қўшимча ташкил этилган экскурсиялар туристларнинг талабларидан келиб чиқиб, қўшимча нарх эвазига ўтказилади. Юқорида таъкидланганидек, экскурсиялар автобусларда, теплоходларда, поездларда ҳам олиб борилиб, уларда кўрилаётган жойларга йўл-йўлакай маълумот бериб кетилиши

мумкин. Экскурсиянинг йўл-йўлакай бериб кетиладиган маълумотдан фарқи шундаки, экскурсияда объектлар кўрсатилиб гапирилади. Кейингисида эса маълумот шунчаки оғзаки тарзда баён этилади.

Турист саёҳатга чиқишдан олдин ўша жойнинг экскурсия хизматлари турлари, бориладиган объектлар, туристик марказлар ва бошқа маълумотлар ёзилган йўлланмани кўриши, ҳамда шу асосда ўзи мустақил равишда сайр этиши мумкинлиги тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлиши керак.

Саёҳат гуруҳлари раҳбари, яъни гидлар кўшимча экскурсиялар танланганда, уларга алоқадор шаҳарнинг имкониятларини, масалан, турли экскурсия мавзуларини, маҳаллий музейларнинг иш вақтлари, экспозицияларини, кириш нархларини ва бошқа маълумотларни билиши талаб этилади.

Экскурсия хизматининг умумий талаблари шартли ва тавсия этиладиган турларига бўлинади. **Шартли турларга** экскурсантларнинг ҳавфсизлиги, соғлиги, яшаш жойлари билан таъминланиши каби вазифалар талаб этилади.

Тавсия этиладиган турларга экскурсия хизматининг қулайлиги, қизиқарлилиги, дидлилиқ кабилар тақдим этилади. Ушбу хизмат турларини доимий назорат қилиш экскурсия хизматини ривожлантиришга сабаб бўлади. Бу эса албатта, экскурсаводнинг укувиға боғлиқ.

Экскурсиялар ўтказилишининг асосий услубиятлари қуйидагича:

- **анализ** – объектни фикран ҳар бир қиррасини чуқур ўрганиш;
- **синтез** – предметни умумий қисмларини фикран бирлаштириш, (суҳбат, тушунтириш, сўзлаб бериш, ўқиш ва ҳ.к.);
- **кузатув усули** – (объектдаги намоишларни тасвирда ёки натурада кўриш);
- **амалий усул** – объектни кўриш, ундаги предметлардан фойдаланиш);
- **кузатув усули.**

Экскурсиялар намоишнинг ҳикояси ва синтез қила олишлиқ билан характерланади. Экскурсияда объектни кузатиш, тамоша қилиш экскурсаводнинг раҳбарлигида амалга оширилади. Объектни кузатиш қуйидаги усулларда намоён бўлади:

- объектни бевосита кузатиш;
- “экскурсаводнинг портфели” билан танишиш;
- **Объектни қайта кўриш**- бунда экскурсавод ҳикоя қилаётган объектни томошабин ўз тасавурида қайтадан тамоша қилишга асосланади;
- **Объектни автобус йўналиши бўйлаб тамоша қилиш**-ушбу экскурсия тури деярли кенг тарқалган турлардан бўлиб, унда ҳикоя мўлжалланган вақтга асосланган бўлади. Яъни,бу ҳолда экскурсантларни олдиндан тайёрлаш талаб этилади.

- **Объектни яқиндан кўриш** - турли меъморий иншоотларни яқинидан тамоша қилиш усули, яъни бунда иморатлардаги безакларни узоқдан кўриб бўлмаслиги ҳисобга олинади.

Умуман олганда, экскурсия ҳикояси оддий маърузадан фарқ қила олиши керак. Унда куйидаги шартлар ҳисобга олина лозим: гуруҳнинг ҳаракати, намоишга эътибор, кўз билан кўриладиган фактлардан фойдаланиш. Танланган мавзунини очиб бериш учун экскурсия ўз олдида кўйган мақсадига эришиши учун баъзи методик усуллардан фойдаланиши керак:

- Экскурсиявий маълумотнома-объектларнинг қисқача тавсифи;
- Дастлабки шарҳ - бунда саёҳатчилар машҳур жойларга борганларида экскурсавод томонидан бериладиган маълумотлар;
- Таърифлаш – объект ҳақидаги маълумотни тўлиқ баён этиш;
- Тушунтириш – тамоша қилинаётган объектда туғиладиган саволларга тушунча бериш;
- Шарҳлаш – ҳаракатланаётган объектларни шарҳлаш;
- Цитата бериш – тарихий, бадиий асарларни гапираётганда, ўша асардан аниқ, лўнда цитата бериш;
- Бадиий монтаж – бир ёки кўпгина муаллифларнинг асарларидан фойдаланган ҳолда бирор бир тарихий шахс тўғрисида маълумот тўплаш.

Экскурсиянинг асл моҳияти фақат объектни кўришда эмас, балки маршрутнинг ишланмаси, ҳикояда ишлатиладиган турли методик усуллардан фойдаланиш, экскурсаводнинг чуқур билимлилигида ҳам белгиланади. Яъни, экскурсантлар билан танишиш, уларнинг автобусдан тушиб, объектга яқинлашуви, технологик картанинг ва “экскурсавод портфели” нинг мавжудлигида, экскурсантларнинг саволларига тўлиқ, аниқ жавоб бера олишликда саналади. Шунингдек, экскурсиянинг қизиқарли давомийлиги учун экскурсавод ҳар бир экскурсант билан контактда бўлиши лозим. Айниқса, бундай экскурсиялар чет эллик туристлар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолларда экскурсаводдан ўз ватанининг тарихи, маданияти, урф-одатлари тўғрисида чуқур билимга эга бўлиши талаб этилади. Ана шундай барча вазифаларни (умумий маълумот берадиган, тарбиявий, инсон дунёқарашининг шаклланишида муҳим омил бўладиган) кабиларни ўзида тўлақонли қамраган экскурсиялар экскурсантларнинг маънавий-маданий ҳордиқ чиқаришида катта аҳамиятга эга.

Савол ва топшириқлар:

- 1.Экскурсия атамасига таъриф беринг.

2.Музейларда экскурсия олиб боришнинг мумҳим аҳамияти нималардан иборат?

3.Музей, кўргазма, ёдгорликлар ва ёдгорий жойлар бўйлаб экскурсия олиб бориш тартиби

4.Комплексли экскурсиялар.

5.Умумий экскурсиялар.

6.Маданий таълим ва ўқув экскурсиялари.

7.Экскурсиянинг кенгайтирилган режаси.

8.Экскурсияларни методик ишлаб чиқиш.

Музей аудиторияси ва уни ўрганиш

Маданий таълим фаолиятининг асосий шакллари

Режа:

- 1.Музей аудиторияси – музейнинг маданий – таълим ўчоғи сифатидаги ўрни.
- 2.Музей аудиториясини анализ қилиш: анкетали сўров, интервью.
- 3.Экспозиция томоша қилишнинг визуал кузатуви.
- 4.Маҳаллий аҳоли орасида анкета тарқатиш. Экспертларнинг сўроқлаш сабаблари. Аудиторияни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари ва муҳимлиги.
- 5.Музейларда таълим фаолиятини яхшилаш мақсадида лекциялар, консультациялар, тўғараклар, клублар тузиш, конкурслар, олимпиадалар, викториналар, музей байрамлари ўтказиш чора – тадбирлари.

XX аср мобайнида музейлар аҳамияти жамиятнинг диққат марказида бўлган бош муаммолардан бири бўлди. Юз йилликнинг иккинчи ярмида бошланган музейларнинг ижтимоий ўрни ҳақидаги мунозаралар вақтли матбуотларнинг саҳифаларидан деярли тушмай қолди. Музейлар илмий муассаса вазифасини сақлаган ҳолда кенг халқ оммасига мурожат қилиши мумкинми? Илмийлик билан кўнгилочарлик ўртасидаги мувозанатни бир меъерда сақлаш мумкинми? Музей атроф муҳит ва жамият ривожига қандай таъсир ўтказиши мумкин? Шу ва шунга ўхшаш саволлар музей мутахасисларини доимий безовта қилиб келган.

Дунёнинг энг йирик музейларидан бири бўлган Лондондаги Виктория ва Алберт номидаги амалий санъат музейининг раҳбари Рой Стронг 1983 йилда музей ҳақида ўз фикрини шундай баён этган: «Баъзан кенг аудиторияни қамраган ҳолда маълумотларни оммалаштириш талаб этилади. Шунинг учун биз бутун тадбиркорлигимизни ишга солиб, ушбу дастурни бажаришимиз ва шу вақтнинг ўзида музей иши сифатини юқори даражада сақлаб қолишимиз лозим. Музейларимиз томошабинларни ҳордиқ чиқариши, уларга информация бериш билан бирга жамиятнинг маданий ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади. Ҳа, музей алоқа воситасидир ва шундай бўлиши шарт. Биринчи навбатда музей илмий ёндошув асосида кўпроқ аҳамиятга эга

бўлган маданий бойликларни тўплаш ва сақлаш ишларини амалга ошириши керак. Чунки, буларсиз билимлар булоғи куриб қолади. Аммо, ҳозирги кунда бу нарсани тез-тез унитиб қўйишади».²

Унинг оппоненти Лондондаги Ҳамдўстлик институтининг раҳбари Жеймс Портер эса бошқа нуқтаи-назарга риоя қилади.

«Музей – бу нафақат қимматбаҳо санъат асарларини тўплаш, сақлаш ва маълум бир нозик таъб эгалари диққатига тақдим этишдан иборат, балки, унинг асосий вазифаси коммуникация қилишдир. Бу вазифага эса бошқа ҳамма вазифалар бўйсундирилиши керак».¹

Музей ва жамиятнинг ўзаро муносабатларидаги муаммолар ечимини топиш мақсадида: музей материалларини етказиб беришнинг янги ва анча онсон йўллари топиш; маданий-маърифий фаолиятнинг ноанъанавий дастурларини ишлаб чиқиш; махсус музей структураси ва ходимлар тузилиши; катталар ва болалар таълими бўйича саволлар билан шуғулланиш каби вазифалар амалга оширилиб махсус касбий малака ва дифференциал муносабат талаб этадиган айрим тоифадаги томошабинлар учун алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замонавий илмий тадқиқотларга кўра музей томошабинлари уч турга бўлинади:

Фактик томошабинлар – музейга келган томошабинлар.

Потенциал томошабинлар – музейга жалб қилинмоқчи бўлган томошабинлар.

Виртуал томошабинлар – Интернет ёки почта орқали музей фаолияти ва экспонатлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлаётган томошабинлар.

Томошабинлар музейларимиз иш фаолиятини давом этишининг гаровидир. Биз эса уларни музейга келишларини мароқли ва албатта эсда қоларли қилишимиз зарур. Кундан-кунга томошабинларнинг талаб ва истаклари ошиб бораётган вақтда улар ўртасида тез-тез сўровномалар ўтказиб туриш керак. Музей шундай муҳит яратиши лозимки, унда томошабин ўзини қулай ва яхши сезиши, бирор янгилик эшитиб, савол беришга имкони бўлсин. Ўз-ўзидан келиб чиқадики, музей ўз томошабинига ғамхўрлик қилиши керак. “Томошабинга ғамхўрлик қилиш” тушунчаси илк бор АҚШда пайдо бўлиб, дастлаб бу ғоя дўкон ва ресторанларда, яқин йиллардан бошлаб эса музей ишида ҳам қўлланила бошланди. Бу ғояни амалга ошириш авваламбор ўзимизни томошабин ўрнига қўйиб кўришимиздан бошланади. Бу эса бир қарашда осон туюлиши мумкин, аслида эса анча мураккабдир. Ҳар бир томошабин ғамини ейиш музей раҳбаридан тортиб то фаррошнинг ҳам доимий ишига айланиши зарур. Ушбу вазиятда музей ходимларининг малакасини доимий тарзда ошириб бориш муҳим ўрин эгаллайди. Улар томошабинни қандай бўлса шундай қабул қилиши керак. Томошабин талабларини қондириш учун ходим биринчи ўринда ўз аудиториясини яхши билиши ва улар тилида гапира олиши, бир сўз билан айтганда руҳшунос ҳам бўлишлари керак. Буларнинг барчаси

² Стронг Р. Музей и коммуникация // Museum. 1983. №138 9 б.

¹ Портер Д. Роль музея как средства коммуникации // Museum/ 1983. № 138. 10 б.

томошабинларни музейга жалб қилиш ва улар кўламини кенгайтиришга қаратилган¹⁰.

Музейларга келаётган томошабинларнинг асосини деярли мактаб ўқувчилари ташкил этади. Лекин шундай муаммоларга ҳам дуч келаемизки, ўқувчиларнинг кўпчилиги ҳаттоки қайси музейга келишганлигини ҳам билишмайди.

Аввало таъкидлаш лозимки, ўқитувчиларимиз ўқувчиларни музейга олиб келишларидан аввал ўзлари музейга келишиб илмий ходим ёки сайрбон билан суҳбатлашиб, ўқувчиларга айнан қайси мавзуда экскурсия кераклигини аниқлаб олишлари лозим.

Музейларда нафақат адабиёт, тарих, меҳнат, расм фанларини, балки аниқ фанлардан физика фанини ҳам дарсга боғлаб ўтиш мумкин. Ҳаммамизга маълумки ўқувчилар физика, химия фанларини ўзлаштиришда қийналишади. Демак, ўқувчиларни музейда физикага оид қонунлар кашф этилган даврга саёҳат уюштириб, нима учун айнан шу даврга келиб шу қонун кашф этилганлиги, унинг сабаблари, ўша даврда инсонларнинг яшаш тарзи, турмуши ҳақида амалий ва тасвирий санъат асарлари орқали сўзлаб берилса уларда фанга нисбатан катта қизиқиш уйғотиш билан бирга тасаввурини кенгайтиришга ҳам ёрдам беради.

Хўш, шундай экан, хорижий мамлакатлар музейларида болалар учун яратилаётган шароитлар қандай?

Маълумки, XX асрда хорижий мамлакатларда янги турдаги фақатгина болалар аудиториясига мўлжалланган ва уларни ўзига хос билим олиш жараёнини ҳисобга олган махсус музейлар оммалашиб борди. Болалар музейининг ватани АҚШ ҳисобланиб, дастлаб 1899 йил Нью-Йоркнинг Бруклин туманида ташкил этилади. 1970 йиллардан бошлаб мустақил болалар музейлари ёки махсус болалар бўлимлари Европа мамлакатларида ҳам пайдо бўла бошлади¹¹. Дунё бўйича машҳурликни қўлга киритган Эдинбургдаги Болалар музейи (Буюк Британия), Брюссель, Вена ва Антверпендаги «Болалар дунёси музейи», Парижнинг Булон ўрмонидаги «Ўт устидаги музей»лари ва шунга ўхшаш музейлар Канада, Япония, Австралия, Лотин Америкаси ва Россияда мавжуд. Агарда анъанавий музейларни ташкил этишга қоида бўйича предметлар тўплами хизмат қилса, болалар музейининг пайдо бўлишиги эса педагогика асосий ўринни эгаллайди. Бу эса экспозицион ва илмий вазифаларга бўйсунган фондларни комплекшлаш сиёсатига ўз таъсирини ўтказади. Ноёб экспонатлар билан бир қаторда бу музейларда кундалик ҳаётда болалар доимо дуч келадиган кўплаб оддий предметлар ҳам ўрин олган. Асосий диққат ижодий фаолиятда, ўйинларда

¹⁰ Воронцов Б. Забота о посетителях. Методы работы с аудиторией, не требующие больших затрат. / Музеи в период перемен: Материалы российского-британского семинара «Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики». СПб., 1997. 89-94 б.

¹¹ Столяров Б.А. Музейная педагогика. М.: Высш. шк., 2004. -21 б.

қўлланиладиган, ҳаракатга келтирадиган ва албатта кўлга олиш мумкин бўлган экспонатларга қаратилади. Кўпгина болалар музейларининг экспозициялари Европанинг нодир асарлар хонаси асосида қурилган. Уларда Миср сағаналари, кўмиш маросими буюмлари, мўмиёларнинг нусхаси, ҳақиқий мастадонт суяклари, тиранозавр реконструкцияси, Африканинг диний маросим ниқоблари, Америка ҳиндуларининг вигвамлари идиш-товоқлари билан ва замонавий ҳайкаллар, 8 мард марта катталаштирилган олмос молекуласининг модели, «Аполлон-11» коинот кемасининг ҳақиқий катталиқдаги моделини кўриш мумкин¹².

Ж.Помпиду номидаги Миллий санъат ва маданият марказидаги Болалар студиясининг бош вазифаси болаларни кўриш, эшитиш ва қабул қилишга ўргатишдан иборат. Улар болаларнинг интеллекти ва хотирасини эмас, балки ҳар бир боланинг фантазиясини рағбатлантириш, яъни болаларнинг туйғуларини тарбиялаш билан шуғулланишади. У ерда алоҳида кўринишдаги Ғояларга бағишлаб ташкил этилган расм, ранг, ҳажм, пластика, мусиқа тўғарақларида ўқитишнинг ноанъанавий усулидан фойдаланишади. Студиянинг интерьерлари ва жиҳозлари болаларнинг ҳохишларини инобатга олган ҳолда ва бевосита улар иштирокида яратилган. Поли эса кўм-кўк майсазорга ўхшатиш билан бўлиб, атрофига сунъий ва тирик гуллар қўйилган, бекинмачоқ ўйини учун кўплаб пана жойлар, катта фрескалар яратиш мумкин бўлган махсус деворлар, мусиқа майдончасига келиб қадам босиши биланоқ худди унинг ҳаракатларига жўр бўлаётгандек куй янграй бошлайди. Буларнинг барчаси болаларни музейларга жалб қилиш ва томошабинлар кўламини кенгайтиришга қаратилган¹.

Кузатишларимиздан маълумки, бизнинг музейларимизга ҳам сайёҳлар, шаҳар ва қишлоқ фуқароларининг келиши ва уларда ҳам маънавий, ҳам таълимий баҳраманд бўлишларида анча ижобий ҳоллар кўзга ташланади. Мактаб ўқувчиларининг кейинги пайтларда музейларга келиши, музейларда турли-туман ўқув мавзуларида дарс машғулотларининг ўтказилиши анча кўпайди.

Бироқ, бугунги кунда музейларимиздан аҳолининг маънавий тарбиясини кўтаришда барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаяпмиз деб бўлмайди.

Аввало, мактаб ўқувчиларини музейларга олиб келиб, улар билан у ёки бу фаннинг бирор мавзуси бўйича олиб борилаётган машғулотлар юзаки эмас, балки чуқур ва мароқли бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун мактаб ўқитувчиларининг ўзлари музейларга олдинроқ келиб, ўтадиган мавзусига оид музейларда қандай материаллар борлигидан хабардор бўлиб, сўнгра ўқувчиларга машғулотни мароқли ўтказишнинг усуллари обдон танлаши зарур. Акс ҳолда бундай машғулотлар хўжакўрсинга бўлиб қолади,

¹²Лысикова О.В. Музеи мира: Учебное пособие к интегрированному курсу «Музеи мира». М.: Флинта: Наука., 2004. – 128 с.

¹Юренева Т. Ю. Музей в мировой культуре. М., 2002.

холос. Музейларга қишлоқлардан, саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалардан жамоа бўлиб келинганда эса музей экскурсоводлари албатта келувчиларнинг касби, маълумоти, илмий савиясидан олдиндан бохабар бўлмоғи зарур, шунда улар билан олиб борадиган суҳбатлар мароқли бўлади, маънавий-тарбиявий таъсири самарали бўлади.

Шу ўринда К. Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик в дизайн институти Музейшунослик бўлими талабалари томонидан бирнеча йиллардан буён 18 май – Халқаро музейлар кунига бағишлаб институт биносига ноанъанавий кўргазмалар ташкил этилмоқда. “Болаликка қайтиш”, “Эҳтиёт бўлинг лўлилар!”, “Галстук ва характер” “Янги йил арчаси” мавзусидаги бу кўргазмалар нафақат ўз мавзулари балки ўзига хос экспонатлари билан ҳам профессор-ўқитувчилар, талабалар ва таклиф этилган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Янги йил арафасида барча маданият муассасалари болажонлар учун турли хил кўнгил очар тадбирлар ўтказишади. Бу пайтда эса музейларимиз сокин уйкуда бўладилар. Қишки таътилда томошабинлар орасида болажонларни кўпроқ бўлишини истаган музейлар учун ўзимизнинг юқорида айтиб ўтган кичик тадқиқотимизни мисол қилиб келтирмоқчимиз. Янги йилга бағишланган кўргазмамиз учун турли мавзуда беш хил арча танлаб олинди.

Биринчи арча “Экология арчаси” – бунга биз қуриб қолган арчани танлаб олиб шохларига дорилардан бўшаган идишларни осиб чиқдик. Экскурсовод ёрдамида болажанларга экология бузилиши натижасида қандай салбий оқибатлар юзага келиши мумкинлиги ҳақида қисқача маълумот берилади.

Иккинчи арча “Уриш арчаси” – бу арчанинг шохларига ўйинчок милтиқлар, ханжарлар осилди. Бунда айрим давлатларда хануз давом эттаётган уруш натижасида кўпгина болалар ўйинчоқ ўйнаш ўрнига совуқ қуролни қўлга олаётганликларини ҳақида фикр билдирилади.

Учинчи арча “XXI аср вабоси” арчаси – бунга ёндирилган бир бўлак ўтин танланди. Шу мавзуга оид кўшимча қилиб плакатлардан фойдаланилди.

Тўртинчи арча “XXI аср арчаси” бу арча абстракция йўналишида ишланди. Бунда ҳар бир томошабин эркин фикр билдириш мумкин.

Марказга эса бешинчи арча “Тинчлик арчаси” жойлаштирилди. Унинг атрафида болажонларимиз қолган барча арчаларни солиштиришади. Яна бу кўргазмада янги йил мавзусида мусиқалар, видео роликлардан фойдаланиш мумкин. Экскурсоводлар эса Қорбобо ёки Қор қизга айланишса айтиш мумкин.

Демак, музейлар-маънавият манбаи экан, улардан халқимизнинг маънавиятини кўтаришда самарали фойдаланиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Юқорида айтиб утилганидек музейга келаётган томошабинлар кўламини кенгайтириш учун улар ўртасида тез тез сўровномалар ўтказиб туриш керак. Ўзбекистон Давлат санъат музейи экспозициясидан келиб чиққан ҳолда томошабинлар учун қуйидаги тахминий анкета сўровномасини ишлаб чиқдик.

Томошабинлар учун анкета

Ушбу анкета музей томошабинларига хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш мақсадида тузилган бўлиб, бунда қуйидаги саволларга ўзингизга тўғри келган вариантлардан бирини доирачага олиб, айримларига эса ёзма жавоб беришингизга тўғри келади.

кун _____ ой _____ хафта куни _____

1. Жинсингиз: а) аёл; б) эркак

2. Ёшингиз: а) 16 ёшгача; б) 45 ёшгача; в) 45 ёшдан катта.

3. Яшаш жойингиз:

а) шаҳар; б) қишлоқ; в) хорижий давлат.

4. Қаерда ўқийсиз ёки ишлайсиз?

а) мактаб; б) институт; в) _____

5. Музейимизга биринчи марта келишингизми?

а) Ҳа; б) Йўқ.

6. Қай йўсинда музейимиз ҳақида билиб олдингиз?

а) афиша в) газета д)

б) телевидение

г) радио

7. Музейга келишингиздан мақсад?

а) маданий ҳордиқ чиқариш

б) янги маълумот олиш

в) мактаб, институт дастурини чуқурлаштириш

8. Қайси экспозиция сизга ёқди?

а) археология

б) Ўзбек халқ амалий санъати

в) Ўзбекистон тасвирий санъати

г) Рус ва Ўғарбий Европа санъати

д) Шарқ санъати

9. Эскурсоводнинг иш фаолияти ҳақида фикрингиз?

а) аъло

б) яхши

в) қониқарли

10. Музейимиз дўконидан музейимизга оид китоб сотиб олдингизми?

а) Ҳа (айнан қайси)

б) Йўқ (қиммат, қизиқ

эмас)

11. Музейимиз (да сизга нима кўпроқ ёқди?) ҳақида фикрингиз?

а) нима сизга ёқмади? _____

б) нимани ўзгартиришни хоҳлардингиз? _____

Раҳмат! Ҳайр!

Музейшунослик илми ва музей амалиётининг умумий мажмуига коммуникация тўғрисидаги тушунчанинг киритилиши бу соҳага коммуникацион ёндошиш услуги дейилади. Музей фаолиятига янгича услубларни тадбиқ этишга қарши чиқувчилар ҳам топилади. Эски услубда

фикрловчиларнинг гумонларини тарқатиб юбориш учун янги услубнинг асл моҳиятини очиб бериш талаб қилинади¹³.

“Коммуникация” ибораси ахборот берувчи ва қабул қилувчи орасидаги алоқа яратувчи тизим деган маънони англатади. Коммуникация монолог ёки диалог тариқасида бўлиши мумкин.

Музей коммуникациясининг назарий асосини амалда кўз олдимизга келтиришимиш учун уни амалий шакл тариқасида мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу амалий шакл ўз ичига: назарияни, тарихни, тадқиқотни, лойихадаги кўринишни қамраб олади. Шуларга асосан музей ишидаги коммуникацион ёндошиш назариясини амалга тадбиқ этиш услуги яратилади.

Музей амалиётига коммуникатив ёндошишнинг назарий асослари орқали жамиятда муҳрланиб қолган музей тўғрисидаги тарихий, назарий ва анъанавий тушунчаларга янгича изоҳ берилади ва тарихдан бизгача етиб келган музей фаолиятида ишлатиладиган баъзи поэтик иборалар ва сўзларнинг меъеридан ортиқ ишлатилишига ҳам барҳам берилади.

Музей фаолиятига коммуникацион ёндашувнинг амалий жараёнида эса мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда музей ишини ўрганиш, режалаштириш ва ташкил этиш кўзда тутилади.

Музей фаолиятига коммуникацион ёндашувнинг лойиҳавий шаклини амалга оширишда музей ишига янги тизмларни тадбиқ этиш, ишнинг янгича ташкилий усуллари қўллаш кабилар тушунилади.

Шунингдек, музей фаолиятини лойиҳалаштиришда камуникатив ёндашишнинг яна бир усули ҳар бир музей жиҳози, кўрғазмаси ва экспонатининг драматургик сценарийсини яратиш ва бунда жиҳозларнинг ўзига хос тарихи, хусусияти, маданий аҳамияти ва тилини акс эттиришга уриниш лозим¹⁴.

Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Ҳаммамизга маълумки музейдаги ҳар бир ашё ўз-ўзидан йиғиб сақланмайди. У музей мутахасислари томонидан бирор бир кадриятга эга бўлган ашё сифатида маълум мақсадни кўзлаган ҳолатда музейнинг доимий фаолиятига қўшилади ва музейга ташриф буюрувчилар бу экспонатларни ўзининг маданияти доирасида қабул қилиб, баҳо беради. Агарда ташриф буюрганларнинг дунёқараши ва тушунчаси музей мутахасисларининг маданий ва илмий тушунчаларига мос келса улар орасида мулоқот келиб чиқади ва ашёларнинг ҳақиқий кадрияти ва маъноси яққол англанади. Шунинг натижасида музейда биз коммуникация деб атаётган ўзаро мулоқот вужудга келади ва биз бу ҳолатни мувофақиятли натижасини кўрамиз.

Мадомики музей мутахасислари ва келувчилар ўртасида намоиш қилинаётган ашёнинг асл кадр қиммати тўла тушуниб, унга тўғри баҳо берилмаса орада англашилмовчилик вужудга келади ва мулоқот бузилади.

¹³Абанкина Т.В. PR некоммерческой организации: теоретические основы современных PR – технологий и моделей коммуникации // Музей будущего: Информационный менеджмент. М., 2001. – 191 б.

¹⁴Портер Д. Роль музея как средства коммуникации // Museum/ 1983. № 138. 10 б.

Ўзаро мулоқотнинг бузилишига йўл қўйилмаслик, ашёга баҳо беришда нуқтаи назарнинг бир-бирига мос келишини таъминлаш учун балки учунчи тарафни ҳам мулоқотга қўшишга ёки нарсани тасвирий намоиш қилишни ўзгача йўллари қўллаш лозим бўлади¹⁵.

XX асрнинг 60 йиллари охирида музейшуносликда коммуникатив назарияни канадалик олим Дункан Ф. Камерон биринчи бўлиб ишлаб чиқди. Унинг ишлари музейшунослик назариясини ривожланишида ҳақиқий бурилиш ясаб, музейга бошқача кўз билан қараш яъни бу жой музейга келувчи музей экспонатлари билан мулоқот ўрнатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган маскан сифатида ёндошишга олиб келди. Бу мулоқотнинг асосида музейга ташриф буюрувчидан нарсаларни “тилини билиш” талаб қилинса кўргазма намоишининг ташкилотчиларидан нарсаларни сўзсиз тушуна оладиган қилиб намоиш этиш талаб қилиниши ётади.¹⁶

Масалага бундай ёндошиш Камеронга бир тарафдан музей фаолиятини моҳирона ташкил этилишини, нарсаларни тўплаш ва сақлашни таъминлаш имкониятини яратиш, иккинчи томондан музей билан одамлар орасида мулоқот муҳитини яратиш имкониятини беради.

Бу иш авваламбор намоиш эта билиш муаммосига оид бўлиб, бу жараёнда асосий юк ва вазифа тасвирий мулоқот санъатини моҳирона амалга ошира оладиган дизайнер рассомлар зиммасига тушади. Бу жараёнда музей педагоглари зиммасига тушадиган вазифага кўпроқ урғу берилади. Чунки улар экскурсиячиларга ўхшаб экспозицияга жойлаштирилган экспонатлар маъносини сўз билан ифодалаб бериш билан бирга музейдаги берилаётган ахборот томошабинларни ўзлари тушуниб олиш ва англашга ўргатиб тарбиялайди.

Бунда ўзаро алоқани таъминлаш лозимлигини ҳам унутмаслик керак. Буни таъминлаш билан музей психологи ва социологи шуғулланади. Уларнинг вазифасига (илмий ходим ва рассомлар ёрдамида) намоиш этиш жараёнини таъсирчанлигини ошириб (музей педагоглари ёрдамида) англаш малакасини ошириш музейлар коммуникациясини ривожлантириш киради¹⁷.

Шундай қилиб музей коммуникацияси назарияси асосида намоиш қилиш тажрибаси, музей педагогикаси ҳамда музейдаги ижтимоий психологик тадқиқотлар ётади.

Музейдаги экспонатлар маълум даврда жамиятда юз берган воқеаларни ашёвий далиллар сифатида сақлайди ва бирор маданий ёки тарихий воқеани исботлаш учун улардан далил сифатида фойдаланилади. Бунда воқеанинг ўзигина эмас балки намоиш қилишдан мақсадни англаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу турдаги ахборотни моҳиятини англаб олишга интилишнинг ўзига хос хусусияти уни яққол намоиш қила олишига ҳам боғлиқ. Музей

¹⁵ Лыскова О.В. Музеи мира: Учебное пособие к интегрированному курсу «Музеи мира». М.: Флинта: Наука., 2004. – 39 б.

¹⁶ Юренева Т. Ю. Музей в мировой культуре. М., 2002.

¹⁷ www.museum.sstu.runnet.ru

экспонатларини намоиш этишда янги усуллар ҳам қўлланилмоқда. Музейга келувчиларнинг орасида кўзи ожизроқлар ҳам бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб намоиш қилишнинг тактил усулларида ҳам фойдаланилмоқда. Электрон мосламалар ёрдамида ашёларга виртуал шакл бериш орқали турли тоифадаги одамларга, ҳатто болаларга ҳам таъсурот қолдириш мумкин бўлмоқда¹⁸.

Ҳозирда бир қанча музейлар ахборот тизимини секин-асталик билан шакллантириш жараёнини бошидан кечирмоқда. Биринчидан, компьютерлар, ахборот технологияси ва музей ишини ташкил этишдаги замонавий техник воситалар музейлар фаолиятини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Бу борада Ўзбекистон амалий санъат музейининг фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади. Иккинчидан, янги технологияни ишлатиш бирмунча молиявий маблағни жалб қилишни тақозо қилади. Шунга қарамасдан бу жараённи четлаб ўтишнинг иложи йўқ. Учинчидан компьютерлаштириш музей ишини анчагина енгиллаштиришга кўмаклашади.

Компьютерлаштириш ҳамма музейларда ҳам бир хилда амалга оширилмайди. Буни изчиллик билан амалга ошириш:

- 1) музей маъмуриятига;
- 2) илмий ходимлар салоҳиятига;
- 3) музейнинг молиявий аҳволига боғлиқ. Лекин нима бўлганда ҳам барча музейлар эртами-кечми бу муаммони ҳал қилишларига тўғри келади.

Музейга авваламбор музей заҳиралари ҳақида маълумотлар базаси керак бўлади. Музей ишини компьютерлаштиришга барча ходимлар ва илмий мутахассисларни қизиқиши ва ҳиссасини қўшиш орқали эришиш мақсадга мувофиқ бўлади¹⁹.

Аҳамиятга молик томони шундаки, авваламбор музейнинг рақамли асоси яратиб олинади. Бу ишга яхшиси дастур яратиш фирмаларидан малакали мутахассисни ёллаган маъқул.

Бироз мавзудан четлашиб музейни бутунлай компьютерлаштиришнинг баъзи истиқболли режаларига тўхталиб ўтамиз. Айтайлик дастлаб бир ёки иккита компьютер олиниб, улардан музей ишини такомиллаштириш учун қўлланилади. Дастлаб компьютерларда юқори малакали мутахассислар ишлайдилар. Кейинчалик деярли барча музей ходимлари компьютер билан таъминланади. Ҳар бир ходим мустақил равишда ахборот киритиш ва ахборот олиши учун марказий серверга мурожаат қилиши ва ахборотни маҳаллий ахборот тизимида уланган принтердан чиқариб олиши мумкин бўлади. Маҳаллий тизим ҳам, марказий сервер ҳам техниканинг тараққиётига ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилиб борилади. Бузилган ёки эскирган компьютерва дастурлар янгисига алмаштирилиб берилиши лозим. Нисбатан эскироқ компьютерларни янги келган ходимларга бериш, янгиларини эса

¹⁸ www.museum.sstu.runnet.ru

¹⁹ Музеи в период перемен: Материалы российского-британского семинара «Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики». СПб., 1997. – 164 б.

малакали ходимларга бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз ўрнида ёшларни малакасини аста-секин ошиб боришига кўмаклашади²⁰.

Энди мавзуга қайтган ҳолда компьютерлаштириш музейнинг барча жабҳаларида барабар амалга оширилиши лозимлигига эътибор бериш керак. Ҳозирда алоқа ва ахборотлаштиришнинг келажаги порлоқ глобал турлари ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Булардан бири Интернет.

Бу тармоқ дунёдаги миллионлаб компьютерларни бир-бирига боғлаб туради. Глобал интернет тармоғидаги компьютерлар икки синфга бўлинади:

1. Ахборотни компьютерларга тарқатувчи тармоқ (интернет тармоғи сервери);

2. Ахборотни қабул қилиб олувчи тармоқ (интернет терминали).

Тармоқда музей ходими учун жуда кўп фойдали маълумотлар топиш мумкин:

— қизиқтираётган савол юзасидан энг янги ахборотлар (NEWS ёки конференциялар);

— бошқа ҳамкасблар билан «жонли» мулоқот қилиш (E-mail);

— кўргазмалар тайёрлашда ишлатиш мумкин бўлган бой ахборотдан фойдаланиш;

— музей жиҳозларини ҳисобга олиш, кўпайтириш ва илмий ишларни ёзиш осонлашади.

Тармоқдан ахборот олиш жуда осон: ҳар қандай компьютерни интернет компьютерига айлантириш мумкин, модем орали эса Интернетга уланиш мумкин. Интернетга музей ахборотини жойлаштириш бироз мураккаброк бўлади. Бунинг учун музейнинг электрон версиясини яратиш лозим бўлади. Музейнинг версиясини интернетга киритиш орқали уни кенгроқ танилишига ёрдам беради. Қуйида шулардан баъзиларини қайд этамиз:

— музейнинг шуҳрати ошади;

— интернетда музейнинг акси пайдо бўлади. Шу орқали у дунёга танилади;

— ҳамкорликда кўргазмалар уюштириш имкониятлари ошади;

— музейнинг маърифий аҳамияти ошади.

Интернет технология мультимедиа билан узвий боғлиқдир. Бу орқали бериладиган ахборотнинг турли воситаларидан фойдаланиш мумкин, яъни матн, тасвир, видео, аудио сифатида юбориш ёки қабул қилиш мумкин. Кўпчилик компакт дискларда тарқатиладиган мультимедиа дастурларини яхши билади. Бундай дастурлар махсус фирмалар томонидан ишлаб чиқилади ва мураккаб жараён ҳисобланади. Бу ҳолда музей маҳсулот ўрнига ўзида мавжуд ахборотни бериб айрбошлайди. Бундай дисклар музейнинг ўзида CD яратувчилари томонидан сотилиши мумкин. Мультимедиа дастурларини болаларбоп қилиб чиқариш ёки музейда намоиш қилиш ҳам

²⁰ www.museum.sstu.runnet.ru

жуда қизиқарли бўлади. Булар махсус терминал ёки видеоблок сифатида бўлиши ва ташриф буюрувчиларга ахборот беришда ишлатилиши мумкин²¹.

Ахборот тизимини келажакда қандай тасаввур қилиш мумкин?

Ҳар бир йўналиш алоҳида ривожланиб бориши билан биргаликда барча музейларро ягона ахборот тизими шаклланади. Мультимедиа дастури ва халқаро тизим орқали масофадан ўқитиш технологияси ривожланиб боради. Ахборот терминаллар ва махсус серверлар орқали маҳаллий тизимни ишга солиб мижозларга ахборот хизмати ёки экскурсиялар уюштириш мумкин бўлади. Яқин келажакда интернет орқали тушган талаблар асосида кўргазмалар уюштириш имконияти туғилади. Тизим орқали чипталарни банд қилиш ва томошаларни буюртма қилиш мумкин бўлади. Шунингдек музей ахборотидан фойдаланишни кузатиш ва ҳимоя қилиш, касса хизматини кўрсатиш, компьютер орқали музей экспонатларини таъмирлаш ва ўрганиш юзасидан илмий ишларда фойдаланиш ҳам мумкин бўлади. Бугун биз шакллантираётган компьютер тизимлари музейимизнинг келажакдаги мукамал тизимига асос бўла олади ва музей ходимларини меҳнатини енгил қилиб, янги қирраларни очиб беради. Фақатгина ҳозир йўлдан адашмасдан тўғри йўналиш топиб олинса кифоя²².

Илмий ва илмий—тарғибот йўналишларида қуйидаги ишларни олиб бориш зарур:Музей ходимлари ўзларининг илмий потенциаллари ва бошқа илмий даргоҳ олимлари билан биргаликда музейларда сақланаётган манба ва ёдгорликларни чуқур ўрганиш орқали халқимизнинг маънавий, ахлоқий, мафкуравий ҳаётининг тарихий илдизлари ҳақида асарлар яратиш, матбуот, телевидение ва радиога қизиқарли чиқишлар билан халқимизнинг, айниқса ёшларнинг баркамоллиги ва миллий меросимизни қадрлаш руҳида тарбиялашга эришиш.

Савол ва топшириқлар:

- 1.Музей аудиторияси – музейнинг маданий – таълим ўчоғи сифатидаги ўрни.
- 2.Музей аудиториясини анализ қилиш: анкетали сўров, интервью.
- 3.Экспозиция томоша қилишнинг визуал кузатуви.
- 4.Маҳаллий аҳоли орасида анкета тарқатиш. Экспертларнинг сўроқлаш сабаблари. Аудиторияни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари ва муҳимлиги.
- 5.Музейларда таълим фаолиятини яхшилаш мақсадида лекциялар, консультациялар, тўғарақлар, клублар тузиш, конкурслар, олимпиадалар, викториналар, музей байрамлари ўтказиш чора – тадбирлари.

Музей маркетинги Музей менежменти

Режа:

1. Менежмент тушунчаси. Муассасани бошқаришдаги назария ва амалиёт.
2. Музейнинг кучли, онгсиз томонларини анализ қилиб, музей ишини олиб бориш. Фандрейзнинг тушунчаси.
3. Маркетинг ибораси мазмуни. Бу турдаги фаолиятнинг ижобий томонлари.
4. Менежмент ва маркетингга фан сифатида қараш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юренева Т.Ю. Музееведение. “Академпроект”, М. 2003
2. Грегорьева А. К основным проблемам музееведения. /Музееведение. Музеи мира: сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
3. Разгон А.М. Место музееведения в системе наук.// Музей и современность: сб.науч.тр./ ЦМР. М. 1986
4. Странский З. Понимание музееведения // музееведение. Музеи мира: Сб.науч.тр./ НИИ культуры. М. 1991
5. Балаш А.Н. Частное коллекционирование памятников Улчского искусства в античном Риме.// Музей в современной культуре. Сб.науч.тр. / Санкт-Петербургская Академия культуры. Т.М. 147. СПб, 1997
6. Калугина Т.П. Общественное сознание и художественные музей // Музеи мира. Музееведение. М., 1991
7. Калугина Т.П. Художественная экспозиция, как феномен культуры. //
8. Музей: Художественные собрания России. Вып.9. М., 1990

Бугунги кунда кўпчилик музейлар дуч келаётган қийинчиликларни ўрганиб чиқиш шуни кўрсатадики, уларни енгиб ўтиш, ташкилий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун хўжалик юритишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда музейлар ишини такомиллаштириш концепциясини яратилишини замон тақозо этмоқда.

Ҳозир ҳаётимизнинг барча жабхаларига “бозор иқтисодиёти”, “эркин рақобат”, “ахборот технологиялари”, “амалиётларни компьютерлаштириш”, “менежмент”, “маркетинг” каби иборалар жадал суратлар билан кириб келмоқда. Албатта, жамиятимизга кириб келаётган бундай янгиликлар музей муассасаларини ҳам четлаб ўтмади²³.

Республикамизда мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунларданок музейлар ишини замон билан ҳамнафас олиб бориш учун кенг имкониятлар

²³ Soro @museum/samara/ru / Новые подходы обеспечения музея. Концепция развития музейного менеджмента и маркетинга.

яратила бошлади. Дунёдаги энг нуфузли, кўзга кўринган музейлар фаолиятини ўрганиш ва улар орттирган тажрибаларни амалда қўллаш долзарб масалалардан бирига айланиб келмоқда. Шундай қилиб, музей менежменти деганда нимани тушуниш мумкин?

Музей муассасаларини ривожлантириш, улар олдида турган вазифаларни бажариш, янги лойиҳалар ва режаларни ҳам ташкилий, ҳам молиявий жиҳатдан таъминланиши учун замонавий тадбир, чора ва услубларни қўллаш амалиёти музей менежменти дейилади.

Бу амалиётни моддий таъминлашга қаратилган қўшимча маблағ ва манбааларини топиш учун музей имкониятларидан кенг фойдаланиш — музей маркетинги дейилади. Бу каби ибораларни ўзбек тилига ўгиришни имконияти бор албатта.

Лекин ривожланган мамлакатларда тажрибадан ўтган ва халқаро сўзларга айланиб қолишга улгурган бу ибораларни айнан ишлатишимиз мақсадимизга зид бўлмаслиги аён.

Ривожланган мамлакатлардаги музейлар томонидан тўпланган тажрибаларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб чиқиш асосида Ўзбекистон музейларида менежмент ва маркетинг концепциясини қўллашнинг йўл-йўриқлари хусусида тўхталиб ўтиш лозим топилди.

Замонавий концепцияни ҳаётга тадбиқ этишнинг чора ва тадбирларини ишлаб чиқиш учун авваламбор бугунги кунда музей олдида турган асосий вазифалар ва муаммоларни ўрганиб чиқиб уларни амалга оширишнинг усуллари ва йўлларини аниқ белгилаб олиш зарур.

Улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Музейнинг мавжуд салоҳиятидан унумли фойдаланиш.

Буларга:

а) музей ходимларининг илмий тажрибаси ва малакасидан;

б) музейнинг молиявий ресурсларидан;

в) музейнинг экспонатлари, жиҳозлари ва бошқа моддий имкониятларидан;

г) музей ходимларининг малакасини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш усулларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

2. Музейнинг молиявий салоҳиятини ошириш орқали.

Буларга:

а) давлат бюджетидан маблағ ажратишнинг муқобил йўлларини қўллаш;

б) нодавлат ташкилотлар, меценатлар, хомийлар, жамоат фондлари, хусусий фирмалар ёрдамидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

в) ўзининг иқтисодий фаолиятдан ташқари корхона, муассаса ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, янги лойиҳаларни амалга ошириш;

3. Ижодий ва тадбиркор ҳамкорлар иштирокида музейнинг фаолияти ва хизматига бўлган қизиқиш ҳамда талабни ошириш орқали музейга ташриф буюрувчи ва қизиқувчиларнинг сонини кўпайтириш.

4. Аҳоли, корхона ва муассасаларга маданий, ахборот, услубий ва бошқа музей хизматларини кўрсатиш борасида энг қулай нархлар сиёсатини қўллаш.

5. Музей фаолиятида қўлланиладиган қонун-қоидаларни унинг замонавий-ижтимоий вазифаси билан боғлиқлигини таъминлаш, бунинг учун қўйидагиларни амалга ошириш мамкин²⁴.

а) музей ходимларининг сони ва таркиби унинг олдида турган вазифасини бажариш қобилияти билан мос келишини таъминлаш;

б) музейнинг фаолиятинигина эмас, балки унинг олдида турган ва амалга оширилиши керак бўлган муҳим ва фойдали лойиҳаларни молиявий таъминлашга интилиш, мақсад, вазифа ва шароитга қараб молиявий таъминотни ўзгарувчанлигини таъминлаш;

в) музей салоҳияти ва экспонатларини сақлаш ва уларни мунтазам тарзда бойитиб бориш билан биргаликда ижодкорлар ва ижодий гуруҳларнинг вақтинчалик кўрғазмаларидан фойжаланиш;

г) маош тўлашнинг норматив қонун-қоидаларидан чиқмаган ҳолда, меҳнатнинг иқтисодий самарасига қараб музей ходимларини ижодий интилишларини қўллаб-қувватлаш, муқим иш жойи ва иш ҳақидан ташқари меҳнатни рағбатлантириш ва шунга имконият яратиш бериш;

д) музей фаолиятида маълум режа ёки лойиҳаларни амалга ошириш лозим бўлганда четдан, яъни бошқа корхона, муассаса, вилоят, ҳатто бошқа давлатдан олдин ҳам мутахассисларни жалб қилиш ва бунинг учун музей имкониятларидан келиб чиққан ҳолда маблағ ажратиш лозим²⁵.

Шуни эслатиб ўтмоқлик керакки юқорида қайд этилган фикрлар маълум бир лойиҳани бажаришга эмас, балки музей ишини ташкил этишнинг умумий концепциясини тузишга қаратилган бўлиши лозим.

Менежмент моҳияти ишлаб чиқариш усули, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даражаси, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ишлаб чиқариш ривожланиши ва иқтисодий алоқалар мураккаблашуви билан бошқарув ҳам мураккаблашади ва мустақил фан сифатда ажралиб чиқади.

Музей маркетинги масалалари. Сўнгги ўн йиллар ичида музейлар фаолиятидаги амалий ва назарий ишлар шунчалик чуқурлашиб кетдики, яқиндагина онгимиздаги музей орқали маблақ орттириш ёки тижорат қилиш маънавиятимизга зид деган тушунчалар эскириб қолди. Маркетинг ёки музей маркетингига нисбатан муносабатимиз деярли кўз ўнгимизда буткул ўзгарди. Бу деган сўз музей имкониятларини тор маънодаги бозорга қўйиш тушунчаси эмас, балки улардан жамият ва давр талабларидан келиб чиққан ҳолда кенг маънода фойдаланиш деб тушуниш керак.

Ҳақиқатдан ҳам яқиндагина музей муқаддас жой ҳисобланиб унинг ичи сон-саноксиз нарсалар билан тўлдирилиб, барини одамларга намойиш қилиш ёки таклиф этиш билан чекланар эди. Лекин бозор иқтисоди шароитининг шаклланиб бориши баробарида музейлар фаолиятида ҳам маркетинг

²⁴ Soro @museum/samara/ru / Новые подходы обеспечения музея. Концепция развития музейного менеджмента и маркетинга.

²⁵ Сагитт М. Менеджмент в период перемен или от «А» к «С» и снова к «В» //Музеи в период перемен. Материалы российско-британского семинара «Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики» под.ред. А.Д. Марголиса СПб.: 1997. 47 бет.

усуллари қўлланила бошлади. Эндиликда музейнинг ва музей ходимларининг талабларини қондириш музей ихлосмандларининг талабларини қондириш орқали амалга оширилмоқда.

Музей хизматига бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий этар эканмиз, музейга ташриф буюрувчиларга томошабинлар эмас, балки харидор ёки мижозлар деб қарашимиз, музей жамоасини эса сотувчилар ёки хизмат кўрсатувчилар деб қарашимиз мумкин. Энди музей имкониятларидан келиб чиқиб, бор нарсани харидорга таклиф қилиш эмас, балки харидор хоҳлаган нарсани тайёрлаб ёки ташкил этиб беришни тақозо қилади. Бунда музейнинг асосий фондини ташкил этувчи экспонат ва моддий манбааларни сақлаб қолган ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқариб харидорлар билан муносабатларни йўлга қўйиш лозим бўлади.

Бунинг учун музейга ташриф буюрувчиларнинг қизиқиш ва талабларини мунтазам ўрганиб бориш керак бўлади. Бора-бора музейлар орасидаги рақобатда мухлислар истаги ва хоҳишини чуқур ўрганиб чиққан ва уларнинг талабини қондиришга ҳаракат қилган музей муассасалари ютиб чиқади²⁶.

Музей ихлосмандларини ўрганишнинг икки усули бўлиб, улар макро ва микросегментация усулида мижозларнинг географик жойлашиши, руҳияти, одатлари ва миллий хусусиятлари ўрганилади. Микросегментацияда эса ташриф буюрувчиларнинг касби, қизиқиши, ёши, (ўқувчи, спортчи, талаба, ишчи, зиёли) каби ҳолатлари ҳисобга олинади. Шундай қилинганда мухлислар музейга келишидан олдин экспонатларни уларга қизиқарли қилиб тайёрлаш ва музейни олдиндан жиҳозлаш имконияти пайдо бўлади²⁷.

Кейинги босқичда эса мухлисларнинг таассуротларини ўрганиб чиққан ҳолда музей экспонатлари, жиҳозлари ва дизайнига ўзгартиришлар киритиш ва камчиликларни тузатиш киради. Бундан кейин экспонатларнинг жойлашиши, даврийлиги, йўналиши, кўргазма усули музейдаги шовқин, томошабинларнинг чарчаши, ўзини тутиши, диққати кабиларни ўрганиб, таҳлил қилиш амалга оширилади.

Натижаларни мухлисларни кузатиш, улар билан савол жавоб-қилиш, суриштириш, фикрини ўрганиш тест ўтказиш орқали ёки бошқа усуллар билан билиб олиш мумкин²⁸.

Шундай қилиб музей маркетинги билан шуғулланувчилар музей эшикларини очиб ўтириш билангина чекланмасдан томошабинлар билан бирга юришлари, улар билан мулоқотга киришишлари лозим бўлади. Демак, бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳаракатчанликни талаб қилади ва бу алоҳида фан сифатида ўтилишини ҳам тақозо этади.

Маркетинг аста-секин музей ходимларидан то раҳбаригача барчанинг онгига стратегик усул, фалсафа ёки дунёқараш сифатида кириб борсагина яхши самара бера бошлайди.

²⁶ Тульчинский Г.Л. Маркетинг в сфере культуры. СПб., 1995. – 35 б

²⁷ Soro @museum/samara/ru / Новые подходы обеспечения музея. Концепция развития музейного менеджмента и маркетинга.

²⁸ Юренева Т.Ю. Музееведение: Учебник для высшей школы. М.: Академический Прект. 2002. – 345 б.

Бу услубларни ишга солган музейларнинг тақдири музейга келувчиларнинг хоҳишига боғлиқ бўлиб қолмайди.

Бундай музейлар кенг жамоатчиликка, халқ орасига, ишбилармон ва молиявий доираларга, ҳокимият органларига, хомийларга, хусусий жам-армаларга ва оммавий ахборот воситаларига ўзлари кириб боради ва алоқалар ўрнатади²⁹.

Музейнинг баъзи ходимлари замонавий маркетинг усулларини музейнинг юксак маънавий ва илмий аҳамиятига салбий таъсир кўрсатади деб фақатгина тарғибот қилиш билан чеклансалар, баъзилари мутлақо қаршилик кўрсата бошлайдилар.

Музей маркетинги деганда фақат чипталарнинг нархини ошириш, музей хизматларини такомиллаштириш ёки реклама қилиш билангина чегараланиш дегани эмас, балки музейдаги барча ишларни уйқунликда ривожлантириб уларни мазмунан бойитишдан иборатдир. Маркетинг биргина ходимнинг ёки маркетингнинг иши билан чегараланиб қолмасдан барча музей жамоасининг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишини талаб қиладиган жараён³⁰.

“Катта иқтисодиёт”даги каби музей маркетингида ҳам ҳамма музейларни ривожлантириш учун умумий тавсия берилмайди. Лекин баъзи тушунча ва қоидалар вазиятни тўғри баҳолаш, таҳлил қилиш ва таққослашга кўмаклашади ҳамда тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Умуман айтганда маркетинг — бу айрбошлашдир. Музей эса бирор нарса бериш билан биргаликда ўзи ҳам нимадир олади. Бу жараён ҳар бир бозорда юз беради ва музейлар бозори ҳам бундан мустасно эмас. Музей маркетингини айрбошлаш жараёни деб атасак бир қатор саволларга жавоб кидиришимиз лозим бўлади.

1. Музейлар нимани таклиф қила олади? 2. Кимга? 3. Қай усулда? 4. Эвазига нима олади?

Баъзиларни фикрига қараганда музейларда фақат маъно ва мазмун савдоси амалга оширилади. Бир тарафдан қараганда музейлардаги мавжуд экспонатларнинг (расм, ҳайкал ёки бошқа санъат асарлари ёхуд тарихий ашёлар) ҳар бирининг нархи бор ва улар моддий ашё ҳисобланади. Лекин уларни сотиб олишнинг иложи йўқ. Музейга келиувчилар улардан фақат эстетик завқ, маъно ва мазмунга эга бўлган ахборотни олиб кетишлари мумкин холос. Музей дўконларида эса фақат буклет китоб ёки эсдалик учун совғалар харид қилиши мумкин. Бу мантиқан тўғри ва одамларнинг музейларга бўлган эзгу муносабатлари ва обрўсини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш керак. Маркетингни музей фаолиятига жорий қилиш ниятида музейларни халқ истеъмолчи моллари дўконига айланттириб юбориш керак эмас. Одамлар бошқа жойда харид қилиши мумкин бўлган нарсаларни

²⁹ Лысикова О.В. Музеи мира: Учебное пособие к интегрированному курсу «Музеи мира» - М., 2004. – 57 б.

³⁰ Soro @museum/samara/ru / Новые подходы обеспечения музея. Концепция развития музейного менеджмента и маркетинга.

музейдан топа олмаслиги ва музейда олиши мумкин бўлган нарсани бошқа ерда топа олмаслиги керак ва бундай ҳолни сақлаб қолишга интилиш лозим. Музейда сотиладиган нарсалар ғайриоддий, юқори сифатли бўлиши билан бир қаторда бу маҳсулотларда маъно ҳам бўлиши керак³¹.

Музей ишида катта аҳамиятга эга бўладиган омиллардан бири уларда яратиладиган *муҳит* ҳисобланади. Музей ходимлари музейга ташриф буюрувчиларни илиқлик билан кутиб олиши, музей экспонатлари тўғрисидаги ахборотларни мулойимлик билан тўлақонли тушунтириб бериши, керакли ахборот бериши, яхши муомалада бўлиши керак. Музей миждозлари ўзларини чақирилмаган меҳмондек ҳис қилмасликлари учун барча ходимлар ҳаракат қилиши керак.

Музей интерьерларининг ёки ҳовлисининг дизайни, жиҳоз ва экспонатларининг дид билан жойлаштирилиши ҳам миждозлар кайфиятига таъсир кўрсатади. Музейга келаётганларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий санъат ишқибозлари бўлмаслиги мумкин. Баъзилар шунчаки томоша қилишга келишади. Шундай одамлар ҳам музейдан яхши таассуротлар билан чиқиб кетишлари лозим³².

Музейда яна нималар таклиф этилиши мумкин?

- а) Экспозиция ва кўргазмалар;
- б) дастурлар, экскурсиялар, маърузалар, студия ва тўгараклар;
- в) махсус тадбирлар (байрам, юбилей ёки тарихий санага бақшишланган);
- г) музей имкониятларидан ва йўналишидан келиб чиқадиган хизматлар (таъмирлаш);
- д) музейда мавжуд экспонатларни намойиш қилиш учун бериладиган муаллифлик ҳуқуқи;
- е) музей экспонатларига хос, сифатли эсдалик совғалар;
- ж) буклетлар, каталог, китоблар, видеофильм, слайд ва компакт дискларни таклиф этиши мумкин.

Таклиф этилган нарсалар эвазига нималар олиши мумкин?

Авваламбор музей пул кўринишига эга бўлган соф фойда олади. Иккинчидан музей таассуротларини бошқаларга сўзлаб берувчи, яъни ўзи билиб ёки билмаган ҳолда музейни реклама қилувчи доимий мухлислар ёки шериклар орттириб беради. Музейнинг доврўғини ошиб бориши эса ўз ўрнида музейнинг иқтисодий аҳволига ижобий таъсир ўтказиш билан биргаликда унинг обрўсини ҳам ошириб боради. Демак замонавий музей маркетинги фақат даромад орттириш эмас, балки замонавий хўжалик юритиш усуллари орқали жамият ва халққа юқори малакали хизмат кўрсатишнинг янги усуллари уйғунлаштиришдан иборатдир.

Музей маркетингини ва стратегиясини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ қилишнинг яна бир омили — ўз миждозлари, ҳамкорлари ва хомийларини

³¹ Юренева Т.Ю. Музееведение: Учебник для высшей школы. М.: Академический Прект. 2002. –

³² Сагит М. Музеи и рқнок. / Музеи в период перемен. Материалы российско-британского семинара «Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики» под.ред. А.Д. Марголиса СПб.: 1997. 65-74 бетлар.

яхши билиш ҳисобланади. Шунинг билан биргаликда фақат музей ихлосмандларининг хоҳишларини қондиришга интилиш билан чегаралиниб қолмасдан ўзи ҳам янгилик яратишга, қутилмаган таклифлар билан кенг жамоатчиликда қизиқиш уйғотишга интилиш керак³³.

Одатда маркетинг фаолияти тизимини тавсия қилишда тўрт кўринишдан иборат бўлган усулни кўз олдимизга келтирамиз: 1) маҳсулот; 2) нарх; 3) реклама; 4) жой.

Музейнинг маҳсулоти, харидорлар ва ҳамкорлар тўғрисида юқорида сўз юритганмиз. Энди бу маҳсулотларни қандай қилиб, қаерда ва қанчадан сотишни аниқлаб олишимиз керак. Бутун маркетинг фаолиятида нархлар энг нозик соҳа ҳисобланади. Даромадни ошириш учун бир бирига зид бўлган турли хилдаги нархлар сиёсатини қўллаш мумкин. Нархларни кескин ошириш пулдор одамларга билинмаслиги мумкин, лекин кам даромадли одамларни чўчитиб юборади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда чипта нархини ошириш билан бирга аҳолининг баъзи қатламларига (ёш болалар, ўқувчилар, доимий мижозлар) чегирмалар беришни ҳисобга олиши ҳамда вақти-вақти билан текин намойиш қилинадиган очиқ кунлар эълон қилиб туриш керак. Кўрғазманинг очилишидан тушадиган маблағ ҳам салмоқчилиги билан музей даромадига катта ҳисса қўшади. Чунки очилиш маросими кенг реклама ва тарғибот қилинади ва кўпчиликни жалб қилишга кўмаклашади. Рекламанинг ижобий таъсири давомийлиги билан ҳам аҳамиятга эга. Реклама деганда фақат эълон қилиш ёки кўзга ташланадиган жойларда катта қилиб ёзиб қўйиш эмас, балки сотиладиган буклет, китоб, каталог ёки эсдалик совғалари ва уларни солиб бериладиган целлофан пакетлардаги ёзувларда ҳам акс этиши мумкин³⁴.

Шундай қилиб музейнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун унинг мақсад ва вазифаларини ҳамда ихлосмандларини аниқлаб олиш ва шунга қараб маҳсулот тури, унинг нархи рекламаси ва жойини белгилашга тўқри келади. Бу вақтинчалик машғулот ёки дабдабали тадбир эмас, балки доимий давом этадиган машаққатли меҳнат, изланиш ва ҳозирги иқтисодий шароитда ҳаёт учун кураш ҳисобланади. Булар орқали иқтисодий самарага эришиш жараёнида музейлар эскича иш юритиш, бир хиллик, зерикарлик каби камчиликлардан халос бўлади ва жамиятга кўпроқ фойда келтирадиган маданий муассасага айланади.

Мана шу талабларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ДСМ ўз фаолиятида тарихийлик, миллийлик, гўзаллик, нафислик тушунчаларини тарғиб қилиш билан бир қаторда замонавийлик ва оммавийлик руҳини ҳам уйғунлаштириб бормоқда. Музейда халқаро сайёр кўрғазмаларнинг ташкил этилиши, санъат ва маданият арбоблари билан ўтказилаётган учрашувлар, ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастурлари, ноёб ва камёб эсдалик

³³ Ранньярд Сьюзен. Музейный маркетинг. Музеи в период перемен. Материалы российско-британского семинара «Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики» под.ред. А.Д. Марголиса СПб.: 1997. 47-58 бетлар.

³⁴ Юренева Т.Ю. Музееведение: Учебник для высшей школы. М.: Академический Прект. 2002. –

совғалари савдосининг ташкил этилиб турилиши мухлислар сонини мунтазам ошиб боришига туртки бўлмоқда.

Демак менежмент ва маркетинг бу нафақат англаш керак булган фан, балки маълум бир турдаги истеъдод талаб киладиган санъатдир. Турли йуналиш ва турли хил музейларнинг муваффақиятли иш фаолияти учун ягона булиши мумкин эмас. Шунинг учун хар бир музей бозор иқтисодиёти шароитида қийинчиликларга бардош бериш ва ривожланиш механизмини ишлаб чиқмоғи лозим. Музейнинг қиёфасини шакллантириш уч босқичга бўлинади:

1. Музейнинг ўзига хос кўриниши ва қиёфасини яратиш (бошқаларга ўхшамаган одам образини яратиш каби).

Буни 1994 йилда И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейида тажриба қилинган интилиш мисолида кўриш мумкин. Бу музейнинг қиёфасини яратишда унга кекса, ақлли, масъулиятли, ҳар томонлама шакланган, қизиқувчан, ёшидан қатъий назар янги билимларни эгаллашга ва камолот сари қатъият билан интилишга ҳаракат қилган инсон қиёфасини шакллантиришда И.В.Савицкийнинг тимсоли олинган³⁵.

Музейнинг афишалари, таклифнома ва кўргазмаларида И.В.Савицкийнинг суратини тушириш одат тусига айланди. Унинг фикрлари музейнинг шиорига айлантирилди.

Бу интилиш баъзиларнинг қаршилигига учраганлигига қарамасдан “Савицкий музейи” деган қисқагина ном тобора оммалашиб бормоқда.

Шу ўринда бошқа музейларимизнинг ҳам қиёфаси ва образини яратишда бой тарихимизга назар ташлаб уни буюк аждодларимиздан бирининг тимсоли билан таққослашга уриниб кўриш ҳам ижобий самара бериши мумкин.

2. Музейнинг ўзига хос, кучли тарафларини намоён этиб, унинг такрорланмас қирраларини ёритиш мақсадида гуруҳлар ташкил қилиш ҳам мумкин.

Бундай ҳолда:

I гуруҳга қуйидагиларни ёритиш тавсия этилади:

- 1) ходимларнинг касбий маҳорати;
- 2) фойдали ахборотнинг ҳажми;
- 3) ахборот беришнинг техник воситалари, (видео, слайд, компьютер, телевизорлар);
- 4) ахборотнинг актуаллиги
- 5) ходимларнинг шайлиги;
- 6) ходимларнинг тажрибаси;
- 7) дўстона муносабати;
- 8) ҳамкорликка шайлиги;
- 9) хизмат турларидан фойдаданишнинг осонлиги.

II — Ташкилий гуруҳга қуйидагиларни ёритиш маслаҳат берилади:

³⁵ Ш. Мавлонова И.В. Савицкий номидаги Нукус Давлат санъат музейининг бебаҳо тўплами. Музейлар замонавий Ўзбекистон маданияти тизимида. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Т.: Санъат, 2007. – 182 бет.

- 1) хизмат кўрсатишнинг юқори савияси;
- 2) берилаётган ахборотнинг камёблиги;
- 3) томошабоплиги;
- 4) ҳам арзон ҳам қиммат хизмат турларининг мавжудлиги (совғалар, дўконлар, овқатланиш ва дам олиш мажмуаларининг борлиги);
- 5) харидорга нисбатан ҳурматда бўлиш.

III — Музейнинг қиёфасини яратиш бўйича тарғибот, ташвиқот, реклама тадбирларини ишлаб чиқишга оид ишларга қуйидагилар киради:

- 1) музейнинг ўтган давр ичида омма орасида ва кишилар онгида тасаввурини ўрганиб чиқиш учун сўров ва тадқиқотлар ўтказиш;
- 2) танланган қиёфани жамоатчилик онгида шакллантиришга қаратилган реклама тадбирини ишлаб чиқиш;
- 3) реклама ва ахборотни шакллантириш;
- 4) оммавий ахборот воситалари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Реклама дастури ва амалиётига қуйидаги талаблар қўйилади:

- 1) “ягона усул”даги реклама;
- 2) эркин ижодни қўллаган ҳолда ягона ахборот манбааларидан фойдаланиш;
- 3) барча реклама ва ахборотларда қабул қилинган ягона қиёфа акс эттирилишини таъминлаш;
- 4) муваффақиятга эришиш учун кўп йиллар давомида қатъият билан узлуксиз интилиш³⁶.

Бугунги иқтисодий муносабатлар даврида музейнинг порлоқ қиёфасини яратиш ва сақлаб қолишнинг муҳим эканлигини музей ходимлари ҳам чуқур ҳис этишлари ва қизиқишлари керак.

Улкан тарихий ўзгаришлар юз бераётган Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда тобора мустаҳкам нуфузга эга бўлиб бормоқда. Мамлакатда иқтисодий жиҳатдан бақувват, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш билан бир қаторда, таълим-тарбия, маданият ва маънавиятимизни юксалтириш борасида ҳам ислоҳатлар олиб борилмоқда. Шунингдек, музейлар фаолиятини янада яхшилаш, музей иши ва тарихини чуқур ўрганишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича давлат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорлар бунинг яққол далилидир.

Унда халқимиз тарихини тўлақонли акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш, уларни асл ҳолича сақлашни таъминлаш, мамлакатимизда шаклланган музейлар тизимини такомиллаштириш ҳамда жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароитлар яратиш учун уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадлари кўзда тутилган.

Шу ўринда Камолiddин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Санъатшунослик факультетида санъатшунос, музейшунос, касбий таълим, менежмент ихтисослиги бўйича кундузги бўлимда 200 дан ортиқ

³⁶ www.museum.sstu.runnet.ru

талабалар таълим олмақдалар. Факультетда санъатшунослик ва музейшунослик жараёнлари қонуниятларини ўрганишда янги истиқболли йўналишларни очиб берувчи, бой ва маданий меросимизни чуқур ўрганувчи, бакалавр ва магистрларни тайёрлашдек вазифалар бажарилмоқда³⁷.

Республикаимизда турли соҳалар бўйича фаолият юритаётган музейлар мамлакатимизнинг бой маданий ва маънавий меросини ўрганишда катта манба ҳисобланади. Лекин музейларнинг жамият маънавий-маърифий ҳаётидаги муҳим аҳамиятига қарамай, унинг тарбиявий имкониятларидан ҳозирги кунда жуда кам фойдаланилмоқда.

Музейларнинг таълим-тарбиявий вазифасидан келиб чиққан ҳолда уни амалга ошириш учун музейшунослик фанидан «музей педагогикаси» соҳасини яратиш долзарб муаммо бўлиб турибди. Чунки ҳозирги даврда турли ёшдаги болалар билан музей ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқа тизимсиз, маълум мақсадга йўналтирилмаган ҳолда олиб борилмоқда. Музейлар ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда маданий-тарихий, табиий-илмий кадрларни йиғувчи ижтимоий институт саналади. Шунинг учун ҳам музей ва мактабларнинг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига тизимли ва дастурли ёндашиш талаб этилади.

Музейларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини назарда тутган ҳолда уларни мактабга яқинлаштиришигина эмас, балки таълим муассасаларини ҳам музейга яқинлаштириш, яъни ҳамкорлик педагогикасини амалга ошириш зарурияти сезилмоқда.

Музей педагогикаси музейшунослик фанининг янги соҳаси бўлиб, унинг асосида музей шароитида маданий-маънавий ёдгорликларни келажак авлодга етказишга йўналтирилган илмий-амалий фаолият ётади. Бу соҳа хорижий музейшуносликда кенг ва бой тажриба ортирилган.

1934 йилда Германияда «Музей педагогикаси» тушунчаси биринчи марта истемолга киритилди. Я.К. Фризеннинг фикрига кўра, музей педагогикаси – бу маърифий ишлар ва музей дидактикасига таянадиган, музей воситалари билан бадиий тарбиянинг анъанаси ҳисобланади.

Ф. Фогт фикрича эса, музей педагогикаси – бу музейлар аро ҳамда уларнинг коллекциялари ва томошабинлари ўртасидаги воситачилик фаолиятидир.

Мактаб ва музейнинг ўзаро муносабатлари билан «музей педагоги» тушунчасини биринчилардан бўлиб истемолга киритган, 1939-44 йилларда Берлин этнография музейида «Мактаб ва музей» бўлимининг раҳбари А.. Рейхвейн ҳам шуғулланди.

Жамиятнинг барча қатламларига энг кўп таъсир кўрсатиш учун музей билан мактабни ягона мақсада бирлаштирган, унинг биринчи директори Г. Коль музейнинг таълимий моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда: «... Музей ва галереялар ўз олдига таълимий мақсадни қўймас экан, улар зерикарли ва фойдасиз муассаса бўлиб қолаверади» (Музейная педагогика). Г. Колнинг

ўқувчи ва талабаларнинг кўплаб авлодига фойда келтирган бундай фикри музейларнинг таълимий фаолияти моделини шакллантиришни тақозо этди ва ушбу йўналишда музей сиёсатига жиддий таъсир кўрсатди.

Музейдаги машғулотлар муваффақиятини берлиннинг мохир педагоги Г.Фройденталь куйидаги шарт-шароитлар билан боғлайди: музейларга бўлган ҳар бир ташриф аниқ ўқув мақсадига эга бўлиши; музейга ташрифни болаларнинг мактабда машғулотлардан чарчаган пайтида эмас, балки у ердаги манбаларни идрок этишига тайёр бўлган пайтида уюштириш; болаларгагина эмас, катталарга ҳам тинглаш учун оғир бўлган обзорли экскурсиялардан воз кечиш; болаларнинг мавзулар бўйича мустақил ижодлари (расмлар, иншолар, яратган моделлари) музейга ташрифларининг якуни бўлиши лозим.

Г.Фройденталь болалар билан музей таълим жараёнини ташкил этишга тайёр бўлган мутахассисларни музей педагоги деб атаган ҳолда катта ёшдаги болалар учун техника ва махсус музейларда, кичик ёшдаги болаларни эса ўлкашунослик, табиий-илмий ва бадиий музейлар билан таништиришдан бошлашни тавсия этди.

Кейинги йилларда таълим соҳасидаги ислоҳатлар Россияда ҳам музей педагогикаси соҳасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилдики, булар хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, бу борада Б.А. Столяровнинг тадқиқотлари диққатга сазовор. У «Музейная педагогика» китобида музейларнинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнига эътибор берган ҳолда бу борадаги жаҳон тажрибаларини ҳам ўрганган ҳолда ҳозирги даврда унинг назарий жиҳатларини асослади. Музей экспозициялари билан иш олиб боришнинг шакл ва методларини тавсия этди, турли ёшдаги болалар ва музей экспозициялари билан ишлаш, энг муҳими музей ва мактаб алоқадорлиги моделини ишлаб чиқиб, бу борада музей педагогини ҳамда ўқитувчини тайёрлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар берган.

Ўзбекистонда эса музей педагогикасига ўтган асрнинг охирларидан эътибор берилла бошланди. Тўғри, музей экспозицияларидан таълим-тарбия мақсадида унинг тарихий тараққиётида ҳамма вақт ҳам фойдаланилган. Лекин жамият маънавиятини юксалтириш устувор йўналиш касб этаётган ҳозирги шароитда бу муаммо янада долзарблик касб этмоқда. Чунки ҳозирги даврда турли ёшдаги болалар билан музей ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқа тизимсиз, маълум мақсадга йўналтирилмаган ҳолда олиб борилмоқда.

Кузатишлардан маълум бўлдики, музейларнинг умумтаълим жараёнига кириб келиши нафақат инсонни ҳам психологик, ҳам ахлоқий жиҳатдан шаклланишида, балки ҳозирги ўзгараётган даврда яшашга, ижтимоий-маънавий ислоҳатларнинг субъекти бўлишига ҳам ёрдам беради, яъни ўқувчи музейлардаги маънавий меросни кўриб, ўрганиб, уни англаб олиши натижасида ўз ҳаёти фаолиятига ҳам мазмун киритади. Чунки музей ва таълим муассасаларининг ўзаро алоқаси маънавий бойликлар, санъатда акс этган ҳодиса ва воқеалар, инсон ички ва ташқи ҳаётида янгидан яшаш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам музей ва мактабларнинг таълим-

тарбия соҳасидаги фаолиятига тизимли ва дастурли ёндашиш талаб этилиши лозим.

Миллий салоҳиятни белгиловчи омиллардан ҳисобланадиган музейларимиз миллий ўзликни англашда, фахр ва ифтихор ҳиссининг кучайишида муҳим роль ўйнайди. Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда: “Демократик ҳуқуқий давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин иқтисодий ривожлантириш, муқаддас кадриятларимизга мос маънавиятимизни юксалтириш йўлида қўйилаётган янгидан-янги қадамлар бунинг яққол далолатидир”³⁸.

Маданий меросимиз аجدодларимизнинг ижтимоий-тарихий тараққиёти жараёнида мукамаллашиб, бугунги шаклни касб этгани эъзозлидир. Зеро, меросимиз шу билан қийматга эгаки, унда аждодларимизнинг кўп асрлик меҳнатлари, орзу-умидлари ҳамда анъаналари мужассамдир. Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек: “ Бу борада улуғ аждодларимизнинг бебаҳо маданий ва маърифий меросини, муқаддас кадриятларимизни тиклаш ва ҳаётга қайтариш билан бирга, ҳаётимизни замоннинг энг илғор ютуқ ва мезонлари билан бойитиш, комил инсон, баркамол авлодни вояга етказиш, таълим-тарбия ишини мутлақо янги негизда ташкил этиш, муқаддас динимизга ҳурмат-эҳтиром – фаолиятимизнинг маъно-мазмунини белгилаб келмоқда.

Буларнинг барчаси, авваламбор, “Ёш авлодга эътибор – келажакка эътибор” деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-қувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва кафолатига айланиши муқаррар”³⁹.

Демак, кадриятларимиз тарғиби аввало инсон манфаатлари учун, ёшларимизнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш учун хизмат қилиши лозимки, бундай тарғибни амалга оширишда музейларнинг ўрни бекиёсдир.

Савол ва топшириқлар:

1. Менежмент тушунчаси.
2. Муассасани бошқаришдаги назария ва амалиёт.
3. Музейнинг кучли, онгсиз томонларини анализ қилиб, музей ишини олиб бориш.
4. Фандрейзнинг тушунчаси.
5. Маркетинг ибораси мазмуни. Бу турдаги фаолиятнинг ижобий томонлари.
6. Менежмент ва маркетингга фан сифатида қараш

³⁸ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 48 б.

³⁹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 76 б.